

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Наманган давлат университети

Баҳриддин Талапов

Демократия ва миллий демократик тараққиёт
масалалари

(ўқув- услубий қўлланма)

Наманган -2012

Ушбу ўқув-услугий қўлланмада демократия ва унинг фалсафий-ҳуқуқий масалалари, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ислохотлар, уларни амалга оширишда эришилган ютуқлар ва ҳал этилиши зарур муаммолар баён этилган. Асосий эътибор И.А.Каримовнинг миллий демократик тараққиёт концепциясига ва уни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнларини ўрганишга қаратилган.

Ўқув – услубий қўлланма илмий ходимлар, аспирантлар, талабалар ва демократия ва демократик тараққиёт масалалари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: В.А. Алимасов, фалсафа фанлари доктори

Тақризчилар: М. Нишонов, фалсафа фанлари доктори, профессор
О. В. Маматов, фалсафа фанлари номзоди

Ушбу ўқув- услубий қўлланма Наманган Давлат университети ўқув-услугий Кенгашининг 2012 йил июндаги сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Б. Талапов.
Демократия ва демократик тараққиёт масалалари
(ўқув- услубий қўлланма)

Наманган Давлат университети

КИРИШ

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга интилмоқда. Республикамизнинг ушбу стратегик мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга қаратилгандир. Бунинг учун демократик ислохотларда аҳолининг, фуқароларнинг фаол иштироки талаб этилади. Юртбошимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва

Сенатининг 2010 йил 27-январдаги қўшма мажлисида қилган маърузасида қуйидагиларни таъкидлади: «Мазмун-моҳиятига кўра, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини тадбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришини асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда».¹ Демак, Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий демократик тараққиёт аҳолининг, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш, бу борада, давр талабларига мос келадиган механизмлар яратишни тақозо этади. Ўзбекистон олимлари миллий демократик давлатни мустақамлаш масалаларига оид жиддий изланишлар олиб бормоқда. Уларда ретроспектив таҳлилдан, илғор давлатлар тажрибасини ўрганишгача фалсафий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар мавжуддир. Шу билан бирга ижтимоий ҳаёт, дунёда рўй бераётган глобал воқеалар кун тартибига янги-янги муаммоларни қўймоқда. Илмий тадқиқотлар гоҳо ушбу муаммоларни, уларни келтириб чиқарган жараёнларни хатто англаб, умумлаштириб, ҳал этиш йўллариини белгилаб олишга ҳам улгурмайди. Бироқ ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ўзининг юзага келиш сабаблари, ривожланиш хусусиятлари ва таназзулга ёки трансформацияга учраш қонуниятларига эгадир. Демократия ва демократик тараққиёт ҳам ушбу қонуниятларга бўйсунадиган воқелиқдир.

Ўзбекистон Республикаси амалга ошираётган демократик ислохотлар тоталитар тузумдан, сохта социалистик демократиядан ҳақиқий, миллий демократик тараққиётга ўтишга қаратилгандир. Мазкур ўқув-услугий қўлланмада Ўзбекистонда миллий демократик тараққиётга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари фалсафий-ҳуқуқий нуқтаи назардан баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил, демократик ҳуқуқий давлат сифатида шаклланиши муҳтарам И.А.Каримов номи билан боғлиқдир. Миллий демократик тараққиёт концепцияси Юртбошимизнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий таълимотининг инъикосидир. Ушбу таълимотнинг илмий ва амалий аҳамиятини битта асар ёки тадқиқотда тўлиқ ёритиш имкони йўқ. Муаллиф умид қиладики, И.А.Каримовнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий таълимоти, миллий демократик тараққиётни таъминлаш борасидаги амалий фаолияти хали кўп тадқиқотларга мавзу бўлади.

1- МАВЗУ: Демократия ва демократик тараққиёт: илмий-назарий концепциялар таҳлили

РЕЖА

- 1. Демократия тушунчаси, ушбу тушунчанинг ижтимоий – сиёсий адабиётлардаги талқини**
- 2. Демократия ва демократик тараққиётга оид концепциялар ва уларнинг мазмуни**

Бугун илмий адабиётларда, оммавий ахборот воситалари ва турли анжуманларда энг кўп ишлатилаётган тушунча «демократия» бўлиб қолмоқда. Демократиянинг этимологик ва семантик таҳлили кўрсатадики, у «сиёсий-демократия», «иқтисодий демократия», «демократик кадриятлар», «демократик давлат», «демократик жамият», «демократик бошқарув», «демократик тараққиёт» каби ранг-баранг ижтимоий соҳалар ва фаолият йўналишларига нисбатан қўлланилмоқда. АҚШлик сиёсатшунос Д.Хелданинг «Демократия моделлари» асарида қайд этилишича, бугун ижтимоий ва сиёсий-фалсафий адабиётларда демократиянинг ўнга яқин у ёки бу гуруҳ мутахассислар томонидан эътироф этиладиган моделлари мавжуд.²

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Халқ сўзи, 2010, 28 январь

² Қаранг: Held.D. Models of Democracy.-Oxford, 1987. P. 12.

Демократия назариясини яратишга интилан тадқиқотчиларнинг концептуал ғоялари қуйидагиларда кўзга ташланади:

-кўпчиликнинг ижтимоий-сиёсий воқеликда қатнашиши. Ушбу концепция Платон, Аристотель ва Африка демократиясига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам кўпчилик тадқиқотчилар «демократия» тушунчасини юнонча «demos»-халқ, «kratos»-ҳокимият сўзларидан келиб чиқишига урғу берадилар.

-вакиллик органлари ёки халқ вакиллари орқали давлат ва жамият ҳаётини бошқариш. Ушбу концепцияни инглиз файласуфи ва иқтисодчиси Д.С. Милль илгари сурган. Унинг фикрига кўра, капиталистик сиёсий иқтисод асосини рақобатга қодир вакиллар-ишлаб чиқаришда фаол иштирок этувчилар ташкил этади.¹

-тиймоқ ва қарама - қарши кучларни муросада ушлаб турмоқ. Ушбу концепцияни Европалик сиёсатшунос К. Мэдисон тақлиф этган. Унинг фикрига кўра, демократия сиёсий манфаатларига эга турли, гоҳо бир-бирига зид томонларни муросада ушлаб туриш воситасидир.²

-сиёсий етакчилар ва элит гуруҳлар ўртасидаги рақобат, конкуренция. Ушбу концепция немис социологи, сиёсатшуноси К.Шумпетер томонидан ишлаб чиқилган. Тадқиқотчи демократияни сиёсий ҳокимият ва мавқе учун элит гуруҳлар ўртасидаги рақобат, кураш - деб ҳисоблайди.³

-иқтисодий мусобақа, рақобат воситаси. Мазкур ғояни Р.Даль илгари сурган. Унинг фикрига кўра, демократия турли иқтисодий субъектлар ўртасида рақобатни, мусобақани юзага келтиради ва шу тарзда иқтисодий демократияга, полиархияга айланади.⁴

-марказлашган бошқаришни маҳаллий ва ўзини ўзи бошқаришга айлантириш. Ушбу фикрни француз социологи Алексис де Токвиль илгари сурган. Унинг ёзишича, «демократик халқларда давлат ичида бир-бири билан мулоқот қилувчи кўп сонли майда доиралар мавжуд бўлади.»⁵

-демократия-ижтимоий тенглик. Ушбу концепция А.Смит, Д.Рикардо, К.Маркс томонидан илгари сурилган. Уларнинг фикрига кўра, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тенгсизлик кишилар ўртасидаги низоларни, курашларни антогонистик воқеликка айлантиради, демократия эса жамиятда ижтимоий тенгликни шакллантиради. А.Смит билан Д. Рикордонинг «демократик ҳаёт» ғояси утопия эди, К. Маркснинг ёндашувида эса «социал революция» устун турган.

-демократия - шахс эркинлиги. Мазкур концепцияни Нобель мукофоти лауреати, таниқли иқтисодчи Ф.А.Хайек ва унинг сафдоши философ, социолог К. Поппер илгари суришган. Масалан, Ф.А.Хайек, жамият шунчалик ранг-барангки, инсон турли йўллар билан унга боғлиқдир. Демократия ушбу боғлиқликни қонунлар ва шахс қизиқишларини ижтимоий қизиқишлар билан мувофиқлаштириш воситасидир. Шахс «иқтисодиёт шахмат доскасини пешкаси эмас», балки ўз ҳуқуқларига эга «ижтимоий кучдир». «Одам, - деб ёзади у - ҳеч қачон ўз тақдирининг эгаси бўлмаган ва бўлмайди ҳам: унинг ақли идроки янги нарсаларга ўрганувчи номаълумга ва қутилмаганга интилиб мудом камол топиб боради».⁶ Инсоннинг ушбу интилишда эркин бўлишини демократия таъминлайди.

-демократия – давлат ва ижтимоий ҳаётни бошқариш шакли. Деярли барча ғарб давлатларининг Конституцияларида халқнинг қабул қилинадиган қонунлар ва қарорларга таъсири, ижтимоий ҳаётга, давлат ва жамиятни бошқариш жараёнларига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишдаги иштироки демократиянинг моҳияти сифатида талқин этилади⁷

¹ Қаранг: Милль Д.С. Основы политической экономии. -М: Политиздат, 1981-С.17-21.

² Қаранг: Social Science Concept: A Systematic Analysis-London. 1984-Р.146.

³ Қаранг: Globale Dynamik, lokale Lebenswelten: der schwierige weg in die weltg.-Muench, Richard, Aufl, Suhrkamp, 1998-Р.11.

⁴ Қаранг: Даль Р. Введение в экономическую демократию. -М.: 1991.

⁵ Токвиль де Алексис. Демократия в Америке. -М.: Прогресс, 1992-С.438.

⁶ Хайек Ф.А. Общество свободных .- London, 1994- С.259.

⁷ Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т.1 – М.: Юрид. Лит-ра, 1993.

-демократияни ижтимоий юридик воқелик сифатида қараш. Юриспруденцияда халқ ҳокимиятчилиги, парламентаризм, ҳокимиятнинг тақсимланиши, сўз эркинлиги, хусусий мулкка эга бўлиш, ҳурфикрлик, ўзини -ўзи бошқариш, дунёвий давлатчилик, фуқароларнинг сиёсий ва маданий эркинликлари, гендер тенглик, турар жойини эркин танлаши, митинглар ва уюшмалар фаолиятида қатнашиши кабилар демократик қадриятлар сифатида қаралади.¹

-социологик воқелик сифатида қараш. Социологлар фикрига кўра, демократия халқни давлат ҳокимиятининг манбаи сифатида тан олувчи ижтимоий ҳокимият, давлат шаклидир.² Шунинг учун социологик адабиётлар давлат ҳокимиятидаги лавозимларга сайловлар ўтказиш, мансабдор шахсларнинг сайловчиларга ҳисоб бериши, давлат бошқаруви органларининг жамоатчилик томонидан назорат қилиниши, сиёсий партияларнинг фаолияти, нодавлат ташкилотларининг мавжудлиги ва уларнинг тўлақонли ишлаши учун яратилган имкониятлар, оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги, ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли ҳаётидаги ўрни масалаларини ўрганади.

-демократияни ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида тадқиқ этиш, ўрганиш. «Демократия - мудом халқ ва унинг қизиқишлари билан боғлиқ, ўткинчи, тарихий характерга эга, ҳокимиятга, давлат ва жамиятни бошқаришга тааллуқли воқелиқдир. Таниқли сиёсатшунос Р.Ароннинг ушбу фикри³ у ёки бу ифодада деярли барча сиёсатшуносликка оид адабиётларда келтирилади.»⁴

-демократияни ижтимоий тараққиёт, социум орзу тилакларини рўёбга чиқариш, шахс ирода эркинчилигини таъминлаш воситаси сифатида қараш. Бу фалсафий ёндашишдир. Бизнинг асосий диққатимиз ушбу ёндашувни очиб беришга қаратилган, келгуси мавзуларда ҳам унинг хусусиятлари ҳақида батафсил тўхталамиз. Бу ўрнида шуни айтиб ўтишимиз зарурки, демократиянинг фалсафий талқини бошқа соҳалардаги таърифларни мутлоқ рад этмайди, балки уларни ижтимоий - фалсафа концепцияси нуктаи назаридан умумлаштиради ва уларга яхлитлик, кенг қамровлилик бахш этади.

Юқоридаги талқинлар ва ёндашувлар айрим олган ҳолда демократия концепциясининг маълум бир, ўзига хос жиҳатларини идрок этишга, очиб беришга қаратилган. Ушбу талқинлар ва ёндашувлар фақат ижтимоий фалсафа поғонасида яхлит концепция даражасига кўтарилади. Шундай ёндашувнинг йўқлиги сабабли тор соҳалар мутахассислари «нима демократия, нима демократия эмас деган саволга жавоб бериш хануз муаммолигича қолмоқда»,⁵ деб ёзадилар. Хатто демократия назариясини махсус тадқиқ этган Л.А.Нуденко ҳам, демократия ранг-баранг воқеликни ифода этгани, турлича талқин қилинаётгани учун унга «барчага маъқул келадиган таъриф ва тушунча бериш мумкин эмас»,⁶ деган хулосага келади. Бизнинг фикримизча, бу демократияга ижтимоий фалсафий ёндашувнинг йўқлиги оқибатидир. Мутахассислар ўзининг тор ғносеологик қизиқишларидан келиб чиқиб, аслида бу салбий ҳодиса эмас, демократияга кенг ёндашиш ҳам мумкинлигини эсга олмаганлар, натижада улар кенг ва ранг-баранг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий воқелик бўлган демократияни ўзларининг тор ғносеологик тасаввурлари ва қизиқишлари доирасида талқин қилганлар. Шу билан бирга улар демократик тараққиётнинг миллий хусусиятлари ҳам мавжудлигини умуман ҳисобга олмайдилар. Ваҳоланки, ҳар қандай ижтимоий воқелик маълум бир этномаданий ва этносоциал муносабатлар инъикоси, ифодасидир. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олмаслик демократияни мавҳум, хатто космополитик ғояга айлантиради, натижада демократиянинг умуминсоний моҳияти билан этномаданий, этносоциал борлиқ ўртасида зиддиятлар, қарама - қаршилиқлар келиб чиқади.

¹ Қаранг: Satori Q. The theory of democracy Revisited. Part. The Classical Issues. – Chatham. 1987;

Конституционное право. – М.: Юристъ. 1997; Ковлер А. И. Кризис демократии? Демократия на рубеже XXI века. – М.: Юристъ, 1997. Нуденко А.А. Теория демократии. – М.: Юристъ, 2001.

² Қаранг: Российская социологическая энциклопедия.- М.: Норма-инфра.- М.1998.-С. 117.

³ Қаранг: Арон Р. Демократия и тоталитаризм. – М.: АСТ., 1993. – С. 9.

⁴ Қаранг: Исаев Б.А. Теория политики. – СПб. «Питер», 2008; Салмин А.М. Современная демократия: Очерки становления. – М.: АСПЕКТ-ПРЕСС, 2004.- С.28-31.

⁵ Қаранг: Политология. Курс лекций.- М.: Изд.: Зеркало, 1999.- С.234.

⁶ Нуденко Л. А. Теория демократии.- М.: Юристъ, 2001.- С.5.

Демократиянинг давлат ва жамиятни бошқариш билан боғлиқ воқелик экани у ёки бу тарзда, ифодада барча тадқиқотчилар томонидан тан олинади. Демократия сиёсий тузум билан боғлиқ, айнан сиёсий тузум «шахснинг сиёсий эркинлигини ва демократик ҳуқуқларини, расмий конституцион ва ҳуқуқий нормаларнинг сиёсий реалликка мувофиқ келишини»¹ таъминлайди. Шу билан бирга сиёсий тузум кенг қамровли ва ранг-баранг сиёсий жараёнларни ифода этибгина қолмай, у, бир томондан, давлат, сиёсий тузум ва сиёсий гуруҳлар манфаатларини ифода этади, иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий воқеликни, реалликни, оммавий ҳаракатларни, фуқаролик институтларининг фаолиятини умумий демократик тараққиёт нуқтаи назаридан ташкил этади.² Демак, демократия ўзидан ўзи юзага келадиган, хатто кўпчилик хоҳишини ифода этишга даъвогар гуруҳлар ҳаракати эмас, у ижтимоий тараққиёт қонуниятларига риоя қиладиган ва ушбу қонуниятларни ўзининг фаолиятига сингдирган, анланган фаолият натижасидир. Ижтимоий-тарихий тараққиёт кўрсатадики, мазкур фаолият субъекти энг аввало давлат, сиёсий тузумдир. Чунки, давлат, сиёсий тузум хатто улар «тоталитар ёки монархия бўлганида ҳам у ёки бу даражада кишиларнинг институтлаштирилган жамоаси орқали амалга оширилади, давлат, сиёсий тузум тафаккури мудом жамоавийдир. Давлат ҳокимияти тизими ичидаги тафаккур жараёнлари тахминан бошқа антропомегамашиналарникига мувофиқ қурилгандир».³ Бироқ барча сиёсий тузум, давлат ҳам демократияга, жамоавий бошқаришга таянмайдими, лекин уларда ижтимоий тараққиётга интилувчи элементлар, кучлар мудом мавжуддир. Ушбу элементлар, кучлар назарда тутган ижтимоий тараққиётнинг назарий моделларини қўллаб-қувватланганида демократик тараққиётга реал имконият яратилади.

Тадқиқотчилар демократик ривожланишнинг хусусиятларини ўрганиб, уларни икки гуруҳга - иморалистик демократия ва интегралистик демократияга классификация қиладилар.⁴ **Интегралистик демократия марксизм назариясига асосланган социалистик, халқ, коммунитар демократияни ўз ичига олади.** Ушбу йўналиш, концепция тарафдорларининг фикрича, халқ ўзидан ўзи жамият ва давлатни бошқара оламайдими, уни етаклайдиган, қаерга боришини кўрсатиб сиёсий раҳномолик қиладиган куч керак. Бундай куч коммунистик партия ёки коммунистлардир. Аслида гап ким раҳномолик қилганида эмас, чунки жамият ва давлат бундай кучга имманент тарзда муҳтождир, балки у (куч) қандай сиёсий стратегияга, мақсадга эга, ушбу мақсадга қандай йўллар, воситалар билан эришишни кўзлаганидадир. Эксплуататорларни экспроприация қилиш, яъни ҳукмрон синфни синф сифатида тугатиш интегралистик концепциянинг мақсади эди. Ғайриинсоний ушбу ёндашиш XX аср охирига келиб инқирозга учради, плуралистик концепция эса турли синфлар, гуруҳлар ва шахслар манфаатларини уйғунлаштиргани, ҳисобга олгани учун ўзининг ижтимоий тараққиётга мос келишини тасдиқлади.

Бугунги демократия либерал, партиципатор, элитар, консоциал, делегатив, электрон демократик концепцияларга, вакиллик демократияси ва полиархияга бўлинади.⁵ Ушбу концепциялар юқоридаги йўналишларда қисман ўз аксини топган бўлса-да, лекин уларда демократиянинг ички имманент хусусиятлари очиб берилмайдими. Демократияни концептуал ғоялар сифатида таҳлил қилиш учун эса мазкур классификацияга таяниш ва ундан келиб чиқиш зарур.

Либерал демократия концепцияси. Мазкур концепциянинг фалсафий-ҳуқуқий асослари Гоббс(1588-1679), Спиноза(1632-1677), Локк(1632-1704), Бентам(1748-1832), Милль(1806-1873), Констан(1767-1830), Алексис де Токвиль(1805-1859), Гумбольд(1767-1835) каби мутафаккирларнинг ғносеологик ва сиёсий-фалсафий изланишлари билан боғлиқдир.

¹ Теория демократии. – М.: Юрист, 2001.- С. 7.

² Ўша жойда.

³ Дахин А.В. Альтернативные метафоры глобализации// Космополис, 2003, №3(5). – С. 153-154.

⁴ Қаранг: Эзенштадт. Ш.Н. Парадокс демократических режимов: хрупость и изменчивость// Полис, 2001, № 1.- С. 72-73.

⁵ Теория политики. Под. ред Б.А. Исаева. – СПб., «Питер» , 2008, - С. 144-160.

Либерализмнинг фалсафий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларга оид масалалари илмий адабиётларда етарлича ёритилган.¹

Шахс эркини юқори қўйиш, бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантириш, инсон ҳуқуқларини демократик тараққиёт мезони сифатида қараш, ушбу ҳуқуқларни давлат томонидан эмас, балки суд ҳокимияти томонидан ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, инсон эрки сиёсий ҳаётда эмас, балки давлатнинг шахс ҳаётига аралашмаслигида деб қараш, инсон ҳуқуқини таъминлаш учун фуқаролик институтлари ва уюшмаларини пайдо қилиш кабилар мазкур концепциянинг ички хусусияти, моҳияти ҳисобланади. Шахснинг эрки ва ҳуқуқлари либерал демократия тарғиб этадиган, ҳимоя қиладиган қадриятлардир.

Либерал демократия ғарб мутафаккирларининг назарий-фалсафий концепция сифатида қаралса-да, С.Адилходжаева ва Б.Умаровлар фикрига кўра, унинг Япония, Хитой ва Ўзбекистондаги каби шарқона кўринишлари ҳам мавжуддир.

«Тўғри, - деб ёзади фалсафа фанлари номзоди Б.Умаров,- кейинги вақтда либерализм таълимотининг инқирозга юз тутаётгани, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар йўлида ғов бўлаётгани ҳақида мулоҳазалар кўпайиб бормоқда. Айрим муаллифлар бу таълимотни маънавий қадриятлар ва оиланинг ахлоқий асосларига путур етказишда айблаётган бўлса, бошқалари унинг жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳолисона баҳо бера олмаётгани, мазкур жараёнларга икки хил андоза билан ёндашаётганини таъкидламоқда... Дарҳақиқат, либерализм замирида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг мутлақлаштирилиши, турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий ҳаёти фақат либерал ғоя ва қарашлар асосида баҳоланиши ўша давлатларнинг миллий қадриятлари, анъаналари, хатто мустақил ривожига путур етказиши мумкин. Бу ҳол ўтган асрнинг охирида мустақилликка эришган собиқ Иттифок республикалари иқтисодий , ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида, айниқса, яққол намоён бўлди».² Демак, либерал демократия ҳар доим ҳам миллий тараққиёт қонуниятларига мос келавермайди, хатто у шахсни ижтимоий тузумга, тарихий-маданий анъаналарга қарши қўйиши мумкин.

Партиципатор демократия . Демократия назариясида «партиципатор» тушунчаси қатнашиш, иштирок этиш маъноларида қўлланилади. Партиципатор демократия генезиси Афина ва «ибтидоий демократия» даврларига бориб тақалади. Ушбу концепция сиёсатшунослар К.Пейтман, Б.Барбер, П.Бахрах, Н.Боббио, К.Макферсон, Ж.Циммерман томонидан ишлаб чиқилган.

К.Пейтман фикрига кўра, кишилар демократик жараёнларда бевосита иштирок эта туриб, демократияга ўрганадилар.³ Давлат ва жамиятни бошқаришда бевосита иштирок этмаслик охир натижада айрим гуруҳлар ёки «камчилик тиранияси»га айланади.⁴ Шунинг учун ушбу концепция тарафдорлари демократиянинг ибтидоий ва Афина давридаги классик демократияга қайтиш ғоясини илгари сурадилар. Фақат партиципатор жамиятдагина кишилар сиёсий жараёнларда, жамият ҳаётига оид асосий масалаларни ҳал этишда бевосита иштирок этиб, ўзининг сиёсий фаоллигини, бошқариш ишларидан ва социум ҳаётдан хабардор эканини намоён қиладилар. «Тепанинг авторитар босқинига пастдаги кучли ҳокимият қарши туриши мумкин».⁵ Фақат шу тақдирдагина кишилар давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда тенг имкониятдан ташқари муҳим қарорлар қабул қилишда ҳар куни, мудом иштирок этадилар.⁶

¹ Қаранг: Arneson R. J. Liberalizm. // An Elgar Reference Collection. USA, 1992; Melhish K. J. Western liberalism – A history in documents from Locke Grone – London, 1078; История политических и правовых учений .- М.: Норма, 2000; Антология мировой политической мысли.- М.: Мысль, 1997. Т.1.; Nayek F.A. Law Legislation and Liberty. – Chicago. Chicago university press, 1962; Адилходжаева С.М. Либерализм: эволюция идей от прошлого до настоящего(теория и практика). – Т. ТГЮИ, 2002; Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий , ижтимоий ва маънавий жиҳатлари.- Т.: Маънавият, 2006 ва б.

² Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари...- Т.: «Маънавият», 2006.- 70-71б.

³ Қаранг: Теория политики. Под. ред. Б.А. Исаева.- СПб., «Питер», 2008.- с. 142.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Қаранг: Теория политики. Под ред. Б.А. Исаева. – СПб.- «Питер», 2008 – С.142.

⁶ Ўша жойда.

Партиципатор демократияни мавжуд жамиятларда амалга ошириш қийин, шунинг учун унга келажакдаги модель, идеал сифатида қараш мумкин. Шу билан бирга у шахс эркини, ҳуқуқларини чегаралаб қўйишга ҳам йўл очиб беради. Локал воқелик сифатида келадиган партиципатор демократиянинг ижтимоий, умумий тараққиётни таъминлашини тасаввур этиш ҳам мушкулдир.

Элитар демократия. Элитар демократияни маълум бир гуруҳлар, яъни давлат ва жамиятни бошқариш хусусиятларидан яхши хабардор, махсус билимга ва тайёргарликка эга кишилар шакллантиради. Ушбу концепция тарафдорлари ғарб сиёсатшунослари ва файласуфлари Й.Шумпетер, Т.Дай, Л.Зингер кабилардир. Масалан, Й.Шумпетернинг фикрига кўра, «демократия халқнинг бошқаришни амалга оширадиган кишиларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик имкониятидир».¹ Бироқ бошқариш жараёнини халқ, омма эмас, балки профессионал билим ва кўникмаларга эга элитар гуруҳлар амалга оширади. Элитар демократия пастдан тепага эмас, балки тепадан пастга қараб йўналтирилгани учун барча бошқариш механизмлари, восита ва усуллари элитар гуруҳ қўлида жамланади.

Давлат ва жамиятни бошқаришда профессионал билим ва кўникманинг ўрнини, аҳамиятини инкор қилиш мумкин эмас. «Кўп нарсани биладиган-ҳеч нимани билмайдиган кишидир», деган нақл бор. Бошқариш энг аввало маълум бир соҳани чуқур билишни тақозо этади, бошқариш ҳақида шунчаки қарашга, кўникмага эга бўлиш етарли эмас, юзлаб, минглаб кишилар тақдирига тааллуқли қарорлар қабул қилиш учун профессионал тажриба зарурдир.²

Шу билан бирга элитар демократияда кўпчилик хоҳиш, иродаларини менсимаслик, чеклашга интилиш учун имкон ҳам бор. Ижтимоий тараққиёт, бизнинг фикримизча, элитар демократияни плюралистик демократия билан уйғунлаштиришни тақозо этади.

Консоциал демократия концепциясининг тарафдори АҚШлик сиёсатшунос А.Лейпхартдир.

Мазкур концепцияга мувофиқ замонавий жамиятлар «сегментар фарқларга эга» турли гуруҳлар, уюшмалар, коалициялар, ассоциациялар, конфессиялардан ташкил топган. Шунинг учун консоциал демократия ушбу ижтимоий уюшмаларни бирлаштиришни, жамиятда барқарорлик, бағрикенглик, ҳамкорлик, куч ишлатмаслик каби кадриятларни қарор топтиришга ундайди. Шу билан бирга А.Лейпхарт консоциал демократияни элита ёки элитар гуруҳлар амалга оширади,- деб ҳисоблайди.³ Тўғри, у халқни, кўпчиликни демократик бошқаришдаги ўрнини инкор этмайди, балки халқни кўпчиликни сегментар фарқларнинг субъекти деб билади. Аммо, у муҳим қарорлар қабул қилиш ва демократик бошқаришни бевосита амалга оширишни элита билан чегаралаб қўяди. Халқни, кўпчиликни демократик бошқаришнинг қуйи поғонаси билан чегаралаб қўйиш демократик тараққиёт қонунлар ва эҳтиёжларига мувофиқ келмайди.

Плюралистик демократия жамиятдаги барча гуруҳлар, уюшмалар, партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг ҳуқуқли иштирок этишини назарда тутаяди. Ҳокимият учун сиёсий партиялар курашга киришади ва ҳар бир партия ўзининг сиёсий мақсади, программаси учун тарғибот ва ташвиқот олиб боради. Плюралистик демократия барча ижтимоий-сиёсий жараёнларда эркин қатнашиш имконини беради, ҳар бир фуқаро конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариши мумкин. Мазкур демократия полиэтник характерга эга давлат ва жамиятлар учун қулай, мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга ушбу концепцияни танқид қилувчилар ҳам бор, уларнинг фикрича, у, яъни концепция шахс эркини етарли эътиборга олмайди, манфаатлар кураши сиёсий тузумнинг тўлақонли яшашига зарар етказиши мумкин.⁴

Электрон демократия деганда кишиларнинг жамият ва давлат ҳаётида информацион-технологик воситалар орқали иштироки назарда тутилади. Компьютер,

¹ Шумпетер Й. Капитализм, социализм и демократия.- М.: Юристъ, 1995.- С.372.

² Қаранг: Дай Т., Зингер Л. Демократия для элит. Введение в американскую политику. – М.: Прогресс, 1984.- с.149.

³ Қаранг: Дай Т., Зингер Л. Демократия для элиты. Введение в американскую политику.- М.: Прогресс, 1984.- С.149.

⁴ Қаранг: Теория политики. Под ред. Б.А. Исаева. – СПб., «Питер», 2008.- С.154-155.

интернет орқали сиёсий мулоқот олиб бориш, сайловларда қатнашиш, у ёки бу сиёсий информацияларни тарқатиш бугун жамият ва давлат ҳаётига кенг кириб келмоқда.¹

Делегатив демократияни амалга оширувчи субъект халқ томонидан сайланадиган, ҳокимиятга йўлланма оладиган сиёсий лидердир. Бу вакиллик демократияси эмас, балки конституция асосида халқ иродаси ва хоҳиши билан ҳокимият тепасига чиқарилган, делегация (лотинча сўз бўлиб жўнатилган, тайинланган, юборилган деган маъноларни англатади) қилинган сиёсий лидер орқали жамият ва давлатни бошқариш усулидир.²

Вакиллик демократияси халқнинг депутатлари ёки сайланган раҳбарлари орқали жамият ва давлат ҳаётида, ижтимоий-сиёсий жараёнларда қатнашишини ифода қилади. Бунинг учун демократик жамиятларда сайлов институтлари ташкил этилган бўлиб, улар маълум бир даврда ва тартибда ўтказилиб борилади.

Полиархия (кўпчилик ҳокимияти) концепциясини АҚШлик сиёсатшунос Роберт Даль илгари сурган. Унинг фикрига кўра, кўпчилик сайловлар орқали раҳбарларни сайлаш ва лавозимидан бўшатиш имконига эга бўлиш зарур. Сайловлар жараёнида лавозимга даъвогарлар ва сайловчилар альтернатив манбалардан хабардор бўлиши, улардан эркин фойдаланиши мумкин. Кўпчиликнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда эркин қатнашиши жамиятни плюралистик йўналишида тараққий этишига ёрдам беради.³

Ижтимоий тараққиёт ҳеч қачон маълум бир назарий моделлар, концепцияларга мувофиқ кечмаган, жамият ҳаётида давлат бошқаришида кутилмаган ҳодисалар, корреактив ҳолатлар мудом, ҳар қуни учрайди. Шунинг учун ижтимоий тараққиёт ранг-баранг бошқариш усулларида фойдаланиш натижасидир, аммо бу жамиятни, давлатни маълум бир концепциялар нуқтаи назаридан тараққий этириш зарурлигини инкор қилмайди.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Демократия, либерал демократия, партиципатор, элитар, консоциал, делегатив, электрон демократия, вакиллик демократияси, полиархия, демократик тараққиёт, ҳукукий демократик давлат, фуқаролик жамияти, тотолитаризм, этномаданий ва этносоциал муносабатлар

Назорат саволлари

1. АҚШлик сиёсатшунос Д. Хелданинг қайси асарида демократиянинг ўндан яқин моделлари ҳақида ўз фикрларини баён қилган?
2. Демократиянинг қайси моделлари ижтимоий – сиёсий адабиётларда келтирилади, уларнинг мазмуни нималардан иборат?
3. Этномаданий ва этносоциал муносабатлар муносабатлар деганда нима тушунаси?
4. Иморалистик демократия ва интегралистик демократиянинг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Либерал, партиципатор, элитар, консоциал, делегатив, электрон демократик концепцияларнинг ва вакиллик демократияси ва полиархия мазмун-моҳиятини тушунтиринг.
6. Делегатив ва вакиллик демократияларининг мазмуни ва бир-биридан фарқлари қандай?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Демократия бу – кўпчиликнинг ижтимоий-сиёсий воқеликда қатнашишидир, – деган концепциянинг намоёндалари кимлар?
а) Платон, Аристотель, б)Х. Хельда, И. Кант, в) Алексис де-Токвиль, Д.С. Милль, г) К. Мэдисон, К. Шумпетер.

¹ Қаранг: Грачев М. Н., Мадатов А.С. Демократия : методология исследования, анализ перспектив.- М.: Интер-пресс, 2004.- С. 92-93.

² Қаранг: Теория политики. Под ред. Б.А. Исаева.- СПб., «Питер», - С. 159-160.

³ Қаранг: Даль Р. Демократия и ее критики. – М. Инфра.- М., 2003.- С.356-358.

2. Демократия бу - ижтимоий тараққиёт, социум орзу тилакларини рўёбга чиқариш, шахс ирода эркинлигини таъминлаш воситаси сифатида қараш. Бу демократияга қандай ёндашишни ифодалайди?

а) иқтисодий, б) сиёсий, в) ҳуқуқий г)фалсафий

3. Шахс эрки ва ҳуқуқларини юқори қўйиш, бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантириш, инсон ҳуқуқларини демократик тараққиёт мезони сифатида қараш кабилар қайси демократия модели мазмун-моҳиятини ташкил этади?

а) Партиципатор демократия, б)элитар демократия в) либерал демократия . г)делегатив демократия

4. Элитар демократия концепцияси тарафдорлари тўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг?

а) Платон, Аристотель, б) Й.Шумпетер, Т.Дай, Л.Зингер, в) Х. Хельда, И. Кант, г) К. Мэдисон, К. Шумпетер.

5. Жамиятдаги барча гуруҳлар, уюшмалар, партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг ҳуқуқли иштирок этишини назарда тутувчи концепция қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) Партиципатор демократия, б)элитар демократия в) либерал демократия . г)делегатив демократия

2-МАВЗУ: Демократия ва демократик тараққиётнинг Шарқона хусусиятлари

РЕЖА

1. Шарқона демократиянинг мазмун-моҳияти

2. Шарқона демократияга оид концепциялар ва уларнинг мазмуни

Халқлар, миллатлар ўртасидаги тарихий – маданий алоқалар, интеграция жараёнлари ҳеч қачон тўхтамаган, ҳар бир тарихий тараққиёт босқичи уларни янги поғонага кўтариб, инсониятни яхлит ижтимоий бирликка айлантирган. Демократия ва демократик тараққиётни умуминсоний воқеалик сифатида тадқиқ этган ғарб олимлари асосан ушбу принципдан келиб чиқадилад. Аммо ушбу принципга таянишда муҳим камчилик бор – у этномаданий ва этносоциал хусусиятларни назарга олмасликдир. Дарвоқе, Х. Сулаймонова ёзганидек: « Ҳеч қачон ҳеч қайси халқ, элат бошқа халқлардан узилиб, ўз ҳолича яшаган эмас, акс холда ҳеч қандай тараққиёт бўлмасди. Энг қадимий ва антик даврларда узоқ масофаларни от-уловда босиб ўтиш анча мушкул бўлган вақтларда аждодларимиз Миср, Бобил, Марказий Греция, Юнонистон каби минтақалар билан алоқа қилганлар. Ипак йўлининг кўп қисми мамлакатимиздан ўтиши ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг эрта ва кенг ривожланишига олиб келди. Аждодларимиз шунчалик ишчан ва уддабурон бўлганларки, Византия императорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига самарқандликларни, умуман, ватанимиз вакилларини

жалб этганлар.»¹ Интеграция объектив зарурият бўлса-да, тараққиёт негизда мудом эномаданий ва этносоциал омиллар ётган. Антропосоциогенез ҳам умумий негизга эга, лекин тарихий-маданий тараққиёт ҳарбир халқнинг, этноснинг ижтимоий тажрибаси натижасидир. Либерал демократиянинг шарқона ва ғарбона хусусиятлари, белгилари борлигини таъкидлаб Б. Умаров қуйидагиларни ёзади: «Таъкидлаш жоизки, сўнгги қирқ - эллик йиллик тараққиёт мобайнида либерал демократиянинг турли шакллари пайдо бўлди. Уларни асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бири инсон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфатларини маъмурий тизим тазйиқидан ҳимоя этадиган ғарбона либерал демократия шакли; иккинчиси – шахс ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этмаган ҳолда, унинг фаолиятини давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлаштиришга қаратилган японча ёки кенгроқ олганда, шарқона либерал демократия модели».² Демак, интеграция ва глобаллашув тарихий-маданий ўзига хосликни батамом йўқ қила олмайди, балки, аксинча улар миллий негизда қўллаб-қувватланса, эномаданий ва этносоциал парадигмалар билан уйғунлашса, ижтимоий тараққиётга хизмат қилади.

Демократиянинг Шарқона хусусиятлари фалсафа фанлари докторлари Ш.О. Мамадалиев, С. Аъзамходжаева ва Ф. Мусаевларнинг махсус илмий изланишларида тадқиқ этилган. Ш.О. Мамадалиев демократиянинг Шарқона белгиларини халқ ҳокимиятчилиги институтидан излайди. Бунинг учун у Шарқ халқлари онги, турмуш тарзи ва менталитетида чуқур ўрин олган ҳинд-буддавийлик, конфуцийлик, зароастризм ва ислом ижтимоий-диний концепцияларига мурожаат этади.³ Тадқиқотчининг келтиришича, Шарқда демократия элитар ва эстатистик характерга эга, яъни одил подшоҳ, давлат халқ фаровонлигини, маънавий – маданий тараққиётни таъминловчи институтдир. Шунинг учун Шарқ мутафаккирлари «Шарқона турмуш тарзига ва тафаккурига таяниб, одил подшоҳ, мурувватли ҳукмдор ва эзгулик жамияти ҳақида турли ғоялар, концепцияларни илгари сурганлар. Агар ушбу қарашларда теократик ёндашувлар устунлик қилган бўлса, XIX асрга келиб давлатни бошқариш ишларига дунёвий билим ва замонавий усуллар нуқтаи назаридан ёндашишлар кўзга ташланади, жаҳон, айниқса Европа тажрибаларига мурожаат қилиш пайдо бўлади.»⁴

С. Аъзамходжаева ижтимоий идеал муаммосини тадқиқ қилган. У ижтимоий идеални теократик концепциялар нуқтаи назаридан тадқиқ этади ва улардаги давлат ва жамиятни бошқариш усулларини ўрганиб, қуйидаги хулосага келади: «Энг муҳими шундаки, Шарқ ва Ўрта Осиё мутафаккирлари мавжуд тузумдаги нопоклик, зўравонлик ва адолатсизликларни танқид қила туриб, улар кишилар келажагини бахтиёр ҳаёт, адолатпарвар тузум, эзгу амалли ва ниятли ҳукмдор билан боғлаб тасвирлайдилар. Гуманизмга, тенгликка, меҳр-оқибатга, шахс билан жамият, давлат ўртасидаги алоқаларини умумхалқ манфаатларига қуришга интилиш уларнинг идеал жамият ва идеал давлат ҳақидаги қарашларининг моҳиятини ташкил этади.»⁵ Муаллиф демократик бошқариш муаммосини тадқиқ этмаса-да, унинг юқоридаги фикрлари Шарқ халқлари ва мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий ҳамда тарихий-маданий тажрибасини ифода қилади.

Шарқона демократиянинг ўзига хос хусусият ва белгилари Ф. Мусаев монографиясида морфологик тарзда очиқ берилган. У Шарқона демократиянинг қуйидаги белгиларини санаб кўрсатади:

- 1) субординация ва иерархик муносабатларда кам тажрибали ва кам билимли кишининг тажрибалироқ, билимлироқ кишига итоат этиши;

¹ Сулаймонова Х. Шарқ ва ғарб .- Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 36.

² Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари.- Т.: «Маънавият», 2006.- 526.

³ Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт.- Т.: ИИВ Академияси, 2003.- 25-476.

⁴ Ўша асар.- 476.

⁵ Аъзамходжаева С. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт.- Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр., 2007.- 296.

- 2) давлат ва жамиятни бошқаришда аввало ахлоқий, маънавий меъёрларга риоя этилиши;
- 3) аждодлар тажрибасига асосланган одатий ҳуқуқларнинг сақланиб туриши;
- 4) фикрда тарихий анъаналар(Қуръони карим, ҳадислар) ва аналогларга таяниб ҳуқуқий муаммолар эркин ҳал этилиши;
- 5) подшоҳ(монарх, шоҳ) саройида давлат ва жамият ишларини бошқаришга оид муаммоларни ҳал этишда иштирок қиладиган кенгаш(аъёнлар кенгаши, вазирлар кенгаши, олиму – фузалолар кенгаши) мавжуд бўлиши;
- 6) подшоҳ(монарх, шоҳ)нинг нафақат ўз ҳаёти, худди шунингдек, фуқароларнинг турмуши, маънавияти, ишончу эътиқоди учун Аллоҳ олдида жавобгарлигини ҳис этиши;
- 7) ижтимоий-сиёсий ҳаётни тадрижий ривожлантиришга мойиллик;
- 8) инсон ва жамият ҳаёти сиёсий мафкуралар тазйиқидан холи тарзда кечишининг таъминланиши;
- 9) инсоннинг маънавий ҳаётини, маънавий дунёсини бойитиш, такомиллаштириш бошқарув ишларидаги асосий вазифа сифатида қаралиши;
- 10) инсон-жамият – давлат силсиласи уйғунликда қаралиши;
- 11) жамоа ҳаёти ва манфаатларининг устуворлиги¹

Ушбу белгиларни классификация қилган ҳолда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

I. Этатизм концепцияси

Мазкур ёндашувга мувофиқ ижтимоий муносабатлар ва шахс ҳаёти давлат манфаатларидан келиб чиқади. Давлат энг йирик сиёсий институт сифатида нафақат ижтимоий, шунингдек шахсларо муносабатлар моҳиятини белгилаб беради. Масалан, қуйидаги кишиларнинг юқори поғоналарга сўзсиз итоат этиши норма ҳисобланади. Юқоридагиларга, давлатга хизмат қилиш қаҳрамонлик сифатида қаралади.²

Этатизм айрим олган гуруҳ ёки ҳукмдорнинг хоҳиши, иродаси эмас, у ижтимоий-тарихий ва маданий тараққиёт маҳсули эди. Шарқда кўплаб этник конгломератлар, халқлар яшаган, иссиқ ўлкаларда аҳолининг тез кўпайиши кузатилган. Ушбу ранг-барангликни уйғунлаштириш, маълум ижтимоий институт, яъни давлат атрофида бирлаштириш мудом давр талаби бўлиб қолган.

Ҳукмдор бир уруғдан бўлса-да, у мавжуд номзодлар ичидан танланган. Танлаш аслида демократия усулидир. Ушбу усулга кўра, уруғ ичида тахтни эгаллашга лойиқ кишилар келтирилиб, уларнинг ижтимоий-ахлоқий, шахсий ва давлат ишларига мувофиқ келадиган фазилатлари ўрганилган. Шундан кейин ҳукмдори тахтга ўтказилган.

Баъзи муаллифлар Осиёда ҳукмдорнинг хоҳиш ва истаклари барча учун ҳукм эди, моҳиятан бу деспотиядир, деган қарашларни билдиришади.³ Баъзи тадқиқотчилар эса этатизм ижтимоий-тарихий ва маданий-маънавий ҳаёт илгари сурган талаблар, ҳатто улар ўртасида очик тўқнашувларгача бориб етиш ҳоллар натижасидир деган фикрни билдиралар.⁴ Лекин уларнинг ҳеч бири этатистик ёндашувнинг мутлақ салбий ҳодиса сифатида қарамай, балки уни ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида, ички омиллар натижаси сифатида юзага келган сиёсий воқелик эканини эътироф қилади.

Этатизмга тарихий эсхатологик қарашлар нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш мумкин. Рус файласуфи Н.А.Бердяев, тарихни «фожевий жараёнлар» сифатида қараш мумкин, шу

¹ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.- Т.: «O'zbekiston», 2007.-376.

² Фадеева И.А Концепция власти на Ближнем Востоке.- М.: «Восточ. лит-ра»,2001.- С.4.

³ Қаранг: Васильев Л.С. Феномен власти-собственности. Типы общественных отношений на Востоке в средние века.- М: Восточ. лит-ра.1982. -С.48-51.

⁴ Қаранг: Желтяков А.Д, Иванов С.М. Исторические корни политики этатизма в Турции (постановка проблем). Туркологический сборник, 1978-М:1978.-С. 42-48.

нуктаи назардан у қандайдир марказни, бутун тарихий воқеликни ўз атрофида бирлаштирувчи кучни тақозо этган,¹ деб ёзади. Тўғри ушбу, кучни, марказни у, ўзининг диний-фалсафий ёндашувидан келиб чиққан ҳолда, динда кўради. Аслида шундай марказ Шарқда ҳам, ғарбда ҳам давлат институти бўлган.

Этатизмнинг ижтимоий моҳиятини кучли ҳокимият, давлат тарафдори бўлган Қадимги Хитой сиёсий трактати «Шан вилояти ҳукмдори Китоби» аниқ ифода қилади. «Кучли ҳокимият, -деб ёзади фаласафа фанлари доктори А.С.Панарин мазкур ёндашувни шарҳлаб - қонунга итоаткор ва содиқ фуқароларига, заиф ҳокимият эса ўз уйида агрессив, аммо ташқи душман олдида кўрқоқларга эга бўлади. Шунинг учун Осмон остидаги ҳукмдорнинг бошқариш усуллари жамоалар ўртасидаги низоларни келтириб чиқаришдан халқни кўрқитишга, аммо уни ташқи душман билан жангда ботирлик кўрсатишга ундаши керак».² Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий-тарихий жараёнлар давлат институтини ўта мураккаб, гоҳо бошқарилиши қийин сиёсий ва геосоциал муносабатлар, алоқалар марказида бўлиб келганини, халқнинг, этноснинг тақдири унинг ҳаракатларига, стратегик мақсадини дадил амалга оширишга боғлиқ бўлганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Шарқда ғарбдагидек давлат институтини заифлаштиришга, ҳатто уни йўқ қилишга қаратилган анархистик ғоялар учурамайди. Шарқона бошқариш, демократия ушбу сиёсий анъанага, этатизмни қўллаб-қувватлаш тажрибасига таянади.

II. Теократия концепцияси.

Шарқ халқларида диний-спиритуалистик ғоялар жуда ранг-баранг, ҳеч бир халқ, миллат ўзини диндан ташқари қарамайди. Жаҳон динларининг ўзи ҳам Шарқда пайдо бўлган, кейинчалик ғарб дунёсининг диний-мафкуравий ва маънавий меросига айланган.

«Тео»-дин, «кратия»-ҳокимият деган маъноларни англатади. Демак, теократия динга, диний тасаввурлар ва догмаларга асосланган ёки таянадиган бошқариш усули, давлат шаклидир.

«Биз Шарқдаги сиёсатни ҳам, Шарқона давлатчиликни ҳам ҳалоскор ғояси билан йўғрилган диний-мистик томонига эътибор бермай англай олмаймиз,- деб ёзади файласуф А.С.Панарин -ғарбдаги технократия ва эмансипацияга асосланган утопиялар қандай муҳим аҳамиятга эга бўлса, Шарқ сиёсий ҳаётида шарқона ҳалоскорлик утопияси ҳам шундай муҳим аҳамиятга эга».³

«Шарқда давлат ва жамиятни бошқариш тамойиллари илоҳийлаштирилган. Бир қарашда диний догмани тан олиш демократия тамойилларига зид кўринади. Аммо худони тан олиш ижтимоий-сиёсий ва этник-маданий ҳаётдаги ранг-барангликни, у ёки бу оқимга хайрихоҳ бўлишни тақиқламаган. Масалан, ислом динида турли мазҳаб ва оқимларнинг мавжудлиги унда ўзига хос хурфидорлик, демократия мавжудлигини кўрсатади».⁴ Мазкур фикрини Моварауннаҳр фикҳ таълимотига тадбиқ этиб Ф.Мусаев ёзади: «Моварауннаҳр фикҳ таълимоти намояндалари ўлка халқларининг ҳуқуқий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумларини умумисломий нуктаи назардан таҳлил қилганлар. Шу тариқа Моварауннаҳр халқларининг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий анъаналари ислом маданияти ва шариат аҳкомларида ўз аксини топган. Бу эса ўз навбатида муайян бир тарихий шароитда ўзига хос, яъни шарқона демократия тамойилларига мос муҳитга сингиб кетган».⁵

Демократия, эркинлик барчани ҳам ўзидаги ижобий-ахлоқий фазилатларини намоян қилишга ундайвермайди. Баъзан киши ҳис-туйғуларга, деструктив таъсирларга берилади, ўз манфаатларини қондиришга интилиш эса уни очкўзликка, куч ишлатишга, рикорликка ундайди. Ушбу салбий иллатлардан ҳукмдор ва сиёсий институтлар ҳам

¹ Бердяев Н.А. Смысл истории. –Paris, YMCA-Press, 1969-С.44.

² Панарин А.С. Политология. О мире политики на востоке и на западе.-М: «Книжный дом Университет», 1999.- С.267.

³ Ўша жойда - С.274.

⁴ Мусаев Ф. Демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг фалсафий ҳуқуқий масалалари.-Т.: O'zbekiston,2007.- 426.

⁵ Ўша жойда

холи эмас. Шунинг учун ҳам Шарқона давлатчиликда худодан кўркиш ғояси илгари сурилган. Худодан кўркиш ва худо олдида ўзини масъул сезиш кишини ёмонлик, зўравонлик, нафс ва фахш каби иллатларга берилишдан сақлаб туради. «Аллоҳ таоло олдида, - деб ёзади Низомулмулк, -подшоҳларнинг гуноҳидан кўра каттароқ гуноҳ йўқ. Уларнинг ҳақ ишлари Аллоҳ таоло неъматларини қадрлаб, раиятни ҳимоя этиб, ситам етказувчи қўлларни адл била қисқартиришдан иборатдир. Ким худодан кўркмаса, давлатдан, подшоҳдан ҳам кўркмайди, кимки худодан кўркса, унга муносиб инъом бор.» Бу теократик ёндашув аслида борлиқдаги тартиб-қоидаларни, гармонияни, боғлиқликни, яхлитликни сақлашга қаратилгандир. Шарқона демократия бу яхлитликни, умумийликни рад этмайди, аксинча, ушбу гармония қонунларига мувофиқ ранг-баранглик бўлишини ёқлайди. ғарбда демократия, айниқса либерал демократия, индивид манфаатларини умумманфаатларга қарши қўяди, шахс эркини, кишилар ўртасидаги рақобатни, ҳар ким ўз дини улуғлайди».¹ Демак, теократия фақат худонинг яқкалигини, улуғлигини тан олишга қаратилган бошқариш эмас, у худо, илоҳий образ орқали ҳукмдорни, сиёсий институтларни ва ниҳоят шахсни ғайриинсоний ва ғайриахлоқий иллатлардан халос этиш, барча кишиларнинг яратган олдида тенглигини эътироф қилиб муросада, аҳилликда яшашга ундаш усули ҳамдир.

III. Коммунитаризм концепцияси.

Қадимдан Шарқда жамоа бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, умумманфаатларга риоя этиб яшаш ҳаёт тарзи, халқларнинг тарихий-маданий хусусияти ҳисобланган. Илмий-назарий адабиётларда ушбу хусусият коммунитаризм деб аталади.² Айнан коммунитар ҳаёт тарзи, менталитет Шарқ демократиясидаги мафтунокор томонлардан биридир.

Коммунитар уюшмаларга маҳалла,овул бўлиб яшаш, маълум бир қизиқишлар атрофида бирлашиш (ижодий, диний, мазҳабий, сиёсий ва б.), жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок қилиш учун ихтиёрий ташкилотлар тузиш, биргалашиб маҳаллий муаммоларни ҳалқилишни кўзлаган қисқа муддатли гуруҳлар, комиссиялар тузиш кабилар киради. Ушбу ихтиёрий уюшмаларнинг мақсади жамоа бўлиб, бирлашиб у ёки бу муаммони ҳалэтишдир.

«Шарқ тафаккури ва ҳаёт тарзида – деб ёзади Ф.Мусаев, коммунитар (жамоавийлик) ғоялар, тасаввурлар устун туради, шахснинг ўзини намоён этиши, ҳаётий мақсадларига эришиши, давлат ва жамиятга қарши чиқиши, уларни инкор этувчи ғояларни илгари суриши мумкин, лекин Шарқда бундай ҳаракатлар такаббурлик, жамоавий анъаналарни ва манфаатларни менсимаслик деб қабул қилинади. Шарқда «ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» тамойили амал қилади».³

Ҳақиқатан ҳам Шарқ коммунитаризми ғарб индивидуализмидан кўра ижтимоий, демократик тараққиётга хизмат қилишини асослади. АҚШлик тадқиқотчилар А.Этциони, М.Кастельс, Ф.Фукуяма индивидуализм ижтимоий бирликка, тараққиётга хавф солади деб ҳисоблайдилар, шунинг учун индивидуализмни коммунитаризм билан уйғунлаштириш ғояларини илгари сурадилар. Хатто социолог ва назариётчи Ф.Фукуяма «АҚШ аввал бошда индивидуалистик жамият бўлмаган»⁴ деб ёзади. Шунинг учун у, посиндустриал жамият, демократик тараққиёт учун «рационал ҳисоб-китоб» эмас, балки коммунитар анъаналарга асосланган ахлоқий бурч, мажбурият, масъулият кабилар билан бойитилиши зарур⁵, деб ҳисоблайди.

¹ Ўша жойда . 43-44б.

² Қаранг: Etziona. The Spririt of Comminity:Rights and Responibilities and the Communitarian Agenda.- London,1995.

³ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқийасослари.-Т.:О`zbekiston, 2007-45б.

⁴ Fukuyama F. Trust. The social Virtines and the Greation of Prosperity.-N.Y.1996-P.29.

⁵ Ўша асар.-P.11.

Коммунитар уюшмалар фуқаролик жамиятининг бошланғич институтлари сифатида демократик кадриятларни шакллантиришга ва қарор топишига ёрдам беради. Улар давлатни аҳолининг реал манфаатларига хизмат қилишга ундайди ва демократияни марказлашган бошқариш принциплари билан уйғунлаштиришга ёрдам беради. Коммунитаризм ўзини - ўзи бошқаришга таянади, хурфикрлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш орқали бошқаришнинг самарали амалга оширилишига эришади. Коммунитар институтлар тарқоқ, фақат ўз манфаатларини қйловчи индивидларни маълум бир ижтимоий мақсадлар атрофида бирлаштиради ва ўзининг дастурлари, фаолияти, даъватлари билан ҳокимият диққатини жалб этади.

IV. Этикократия концепцияси.

Ушбу концепцияда давлат ва жамиятни бошқаришда маънавий-ахлоқий, ҳукмдорда ҳам, оддий фуқарода ҳам гуманистик қарашларни ривожлантиришга эътибор берилади. Агар ғарбда прагматизм улуғланса, демократик тараққиёт воситаси сифатида қаралса, Шарқ ижтимоий-ахлоқий фазилатларни юксалтиришни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун, Шарқдаги бирорта кратеологик таълимот маънавий-ахлоқий масалаларни четлаб ўтмаган, балки у ижтимоий тараққиётни маънавий-ахлоқий баркамоллик маҳсули деб қараган.

Немис файласуфи К.Г.Баллестр ғарб кратеологиясида этикократик ёндашиш ҳайрат уйғотиш ҳақида ажаланиб ёзади: «Президент Картернинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш америка ташқисиёсатининг асосий мезони, бундесканцлер Коллнинг сиёсатда маънавий-ахлоқий ўзгаришлар қилиш ҳақидаги фикрлари ушбу муаллифларнинг ё соддалиги ёки сохта авлиёлиги боис шубҳаларга дуч келган. Сиёсатчилар эса тутиши зарурки, бекусур авлиёлар эмас, балки уларни мудом турли жирканч ишларда шубҳага олувчи кишилар ўраган бўлади».¹ Италиялик сиёсатшунос Н.Макиавеллига бориб тақалувчи ушбу фикр ғарбда ахлоқий кадриятлар сиёсатдан аллақачон сиқиб чиқарилганидан гувоҳлик беради. Ушбу соҳада Шарқ бошқача, яъни ғарбнинг Макиавеллизмидан фарқ қилувчи маънавий-ахлоқий кадриятларга таянади. Шарқона демократия ижтимоий тараққиёт манфаатларига ва жамиятда аҳиллик, иноқлик, муросани таъминлашга қаратилган этикократик кадриятларга асосланади. Ушбу кадриятларни Шарқона сиёсий этика дейиш ҳам мумкин.

Ўз пайтида Монтескье сиёсат ва ахлоқ бир-бирига қарши воқеликлар эканини таъкидлаган эди.² Сиёсат мудом аниқ хати-ҳаракатларни, ёндашувларни тақозо этади, этика, ахлоқий тасаввурларда эса мавҳумлик, амалиётдан узоқлик бор. Айнан ушбу фарқлар сиёсат ва ахлоқни бири-бирига зид воқеалар сифатида қарашга ундаган. Тқғри, айрим файласуфлар сиёсат ва ахлоқни уйғунлаштириш ҳақидабошқотирганлар. Масалан: Аристотель ёзади: «Инсоннинг фаровонлиги билан боғлиқ интилиши давлатнинг мақсади бўлса, унда сиёсат ва ахлоқ уйғунлашади»³ Лекин ушбу фикр кейинчалик ривожлантирилмади, балки маънавий-ахлоқий кадриятлар, қонунлар ва прагматизм билан алмаштирилди, шахснинг ички руҳий бойлиги эмас, балки ишчанлиги, нормалар доирасидаги эгоизми ижтимоий, демократик тараққиёт мезонига айланди. Шарқда, масалан, Форобий таълимотида, ҳар қандай зўравонлик рад этилади ва табиий эҳтиёжлар ҳақидаги ғоялар илгари сурилади. «Табиий эҳтиёж кишиларни бир-бирлари билан бирлаштиришга, жамоа сифатида уюшишга, ўзаро ҳамкорликка олиб келади. У давлатга – ўз аҳолисини бахт-саодатга етакловчи восита сифатида қарайди ва бундай восита инсон, жамоа эҳтиёжи билан боғлиқ ахлоқий омилларни очиб беради».⁴ Форобийнинг ўзи ёзади: «Кишиларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқ ҳокими мутлақ бўлмайди, улар одамлар ичидан қўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка

¹ Власть мораль (основная проблема политической мысли), Философские науки, 1991. № 8. -С.84.

² Ўша жойда. - С.85.

³ Аристотель. Соч. в 4-х т. Т. 4.- М.: «Мысль», 1984.- С. 55

⁴ Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ.- Т.: Фан, 2005.- 30-31б.

чиқарадилар, уларни ташкидушмандан муҳофаза қиладилар. Бундай раҳбарлар ҳаммага баробар муносабатда бўладилар, хаттоҳамманинг манфаатини ўзларининг манфаатидан ортиқ кўрадилар, умумнинг манфаати учун ўзларининг шахсий манфаатларидан кечадилар...».¹ Аммо баъзи давлатларда ҳукмдорлар ўз манфаатларини қйлайди. Шунинг учун улар қўл остида ишлаган кишилар «турли бузуқ одатлар, шахвоний нафс, бир-бирларини кўролмаслик, бир-бирини талаш, душманлик, низо-жанжаллар пайдо бўлади, Ана шундай шаҳархалқларидан хислатлари, майллари турлича бўлган авлод туғилади.»² Ушбу фикрларда Шарқона демократиянинг маънавий –ахлоқий фазилатлар билан чамбарчас боғлиги очиб берилган.

Шарқона демократиянинг у ёки бу белгилари ва хусусиятлари «Авесто», Юсуф Хос Хожиб, Беруний, Ибн Сино, Ғаззолий, Ибн Ирид, Жалолиддин Румий, Низомулмулк, Алишер Навоий, Бобур, Кошифий, Давоний, Хжа Самандар Термизий, Аваз Ўтар, Бедил, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фитрат каби ижодкор-мутафаккирлар томонидан очиб берган. Ўзбекистонда замонавий демократик кадриятларни шакллантириш халқни фалсафий-ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий нуқтаи назарида маърифатли қилишда жадидчиларнинг ққшган ҳиссаси каттадир. Демак, Шарқона демократия ва демократик тараққиёт масалаларини махсус тадқиқ этиш учун бизда манбалар ҳам етарлидир. Муаммони фалсафий ретроспектив тадқиқ этиш демократия назариясининг этномаданий ва этносоциал жиҳатларини тўла тушунишга ёрдам беради.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Ғарбона либерал демократия, Шарқона либерал демократия , Этатизм концепцияси, теократия концепцияси, коммунитаризм концепцияси, этикократия концепцияси, менталитет.

Назорат саволлари

1. Шарқона демократия тушунчасини мазмунини ва асосий белгиларини айтиб беринг.
2. Этатизм концепциясининг мазмун –моҳиятини тушунтиринг.
3. Теократик концепция шарқ халқлари ҳаётида қандай ўрин тутган?
4. Коммунитаризм концепциясининг моҳиятини қандай тушунаси?
5. Этикократия концепцияси қандай мазмунга эга?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Қадимдан Шарқда жамоа бўлиб бир-бирини қўллаб-қувватлаб, умумманфаатларга риоя этиб яшаш ҳаёт тарзи, халқларнинг тарихий-маданий хусусияти ҳисобланган. Ушбу таъриф демократия ҳақидаги қайси концепцияга оид?
а) Этикократия, б) Коммунитаризм, в)Теократия , г) Этатизм.
2. Демократия бу - ижтимоий тараққиёт, социум орзу тилакларини рўёбга чиқариш, шахс ирода эркинлигини таъминлаш воситаси сифатида қараш. Бу демократияга қандай ёндашишни ифодалайди?
а) иқтисодий, б) сиёсий, в) ҳуқуқий г)фалсафий
3. Шахс эрки ва ҳуқуқларини юқори қўйиш, бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантириш, инсон ҳуқуқларини демократик тараққиёт мезони сифатида қараш қайси демократия модели мазмун-моҳиятини ташкил этади?
а) Партиципатор демократия, б)элитар демократия в) либерал демократия . г)делегатив демократия
4. Элитар демократия концепцияси тарафдорлари тўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг?

¹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри.- Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашр.,1993.- 190б.

² Ўша жойда - 192 б.

а) Платон, Аристотель, б) Й.Шумпетер, Т.Дай, Л.Зингер, в) Х. Хельда, И. Кант, г) К. Мэдисон, К. Шумпетер.

5. Жамиятдаги барча гуруҳлар, уюшмалар, партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг ҳуқуқли иштирок этишини назарда тутувчи концепция қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) Партиципатор демократия, б) элитар демократия в) либерал демократия . г) делегатив демократия

3-МАВЗУ : Ғарбона демократия: ютуқлари ва зиддиятлари

РЕЖА

- 1. Ғарбона демократия моҳияти, унинг ўзига хос жиҳатлари**
- 2. Ғарбона демократия соҳасидаги илмий ёндашувлар ва уларнинг мазмуни**

Ғарбона демократия генезиси антик даврларга бориб тақалади. Космологик, мифологик тасаввурлардан аста-секин давлат ва жамиятни бошқаришда дунёвий тасаввурларга ўтилиши, оламни идрок этишда ҳаётий тажрибага, рационалга таянилиши антик дунё кишиларининг тасаввурларини ўзгартириб юборган. Айниқса, эр. авв. 431-404 йилларда рўй берган Пелопоннос уруши Афина ва Спартадаги полис ижтимоий-сиёсий тузумини, давлат ва жамиятни бошқариш ҳақидаги қарашларни, ахлоқ, тартиб, фуқаролар ўртасидаги муносабатларни таназзулга олиб келган. Мавжуд полис тузumi, унинг идора усуллари, ахлоқий тушунчалари танқидий, рационал фикрловчи кишилар томонидан қайта баҳоланди. Жамият бир босқичдан иккинчи босқичга ўтаётганида янги фикрларга ва ёндашишларга бўлган эҳтиёж кучайди, нафақат мавжуд тузумни ва муносабатларни танқид қилиш, шунингдек, янги қадриятларни, ижтимоий тараққиёт моделларини таклиф этиш муҳим аҳамият касб этади. Эллада дуч келган таназзулдан чиқиш йўллари излашда Сукротнинг ўрни катта бўлди. Сукрот «қатъий ва изчил тарзда ўз изланишларининг гуманистик йўналишда эканини таъкидлади, у жамият камолотини, антик давр рационализи усулида ва йўналишида, инсон камолотини, антик давр рационализи усулида ва йўналишида, инсон камолотини билан бевосита боғлаб қўйди.»¹

Антик даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, полислар ва фуқаролар ўртасидаги кураш, бойлар билан камбағаллар, демократлар билан олигархлар, кулдорлар билан қуллар

¹ Фролов Э.Д. Огни диоскуров. Античные теории переустройства общества и государства. - Ленинград, изд. Ленинградского ун-та, 1984.- С.4.

ўртасида давом этган курашлар охир натижада бирор якунга, жамият тараққиётини янги бир моделга олиб келиши шарт эди. Айнан ана шу даврда идеал давлат, идеал жамият, идеал ҳукмдор ва идеал шахс ҳақидаги ғоялар пайдо бўлган. Ижтимоий-сиёсий фикр, кратеологик изланишлар жамият ва давлат бошқаришининг идеал моделини яратишга интилан.¹ Ушбу изланишлар натижаси сифатида Афина демократияси юзага келган. Ушбу ўзгаришни қайд этиб Х.Муҳамедов ёзади: «Афинада халқ мажлислари томонидан янги демократик қонунларнинг қабул қилиниши тартиби милоддан аввалги VI асрда Солон ва Клисфен ислохотлари билан жорий қилинган. Римда эса анъанавий ҳуқуқий одатлар қайта ишланиб, XII жадвал қонунларида ёзиб қўйилган. Мазкур қонунлар, шунингдек, халқ мажлисларининг қарорлари қонун ҳисобланади, деган қоида назарда тутилган.»²

Антик давр демократияси кескин тўқнашувлар, курашлар натижаси сифатида шаклланишини айтиб ўтиш зарур, у ҳаёлараст кишилар ўйлаб топган назария, модел, таълимот эмас эди. Хатто Платон ва Аристотель демократия ҳақида сўз юритганларида Эллада кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ахлоқий, фалсафий ва ҳуқуқий изланишларни ўз асарларида тасвирлаганлар. Шунинг учун уларнинг асарларидаги ғоялар, моделлар Элладада кечган ўзгаришлар ва изланишлар инъикосидир.

Полис ўз атрофига бир неча қишлоқларни бирлаштирган, ўзини-ўзи бошқариш принципига қурилган, бой-бадавлат фуқаролар ўз мулкидан солиқ тўлаши, қолганлар эса ижтимоий-ҳарбий ишларда иштирок қилиши, ишлаб бериши шарт бўлган бирлик эди. Бу ҳар бир шаҳарни республика хусусиятига эга бошқариш усуллари билан яшашини таъминлаган. Полис ҳаётида майда корпоратив гуруҳлар, уюшмалардан ташқари бутун полисга тааллуқли «полис фуқароси» тушунчаси муҳим ўрин тутган. Ушбу «бош белги» атрофига фуқаролар бирлиги, уюшқоқлиги, исономия (қонунлар олдида тенглик), исегория (сўз эркинлиги) ва «полис ватанпарварлиги» ҳам қўшилиб, ҳарбир фуқаронинг полис ҳаёти билан алоқаларини, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш имкониятларини белгилаб, характерлаб берган.³ Айнан полис демократияси, бошқариш усуллари кейинчалик ижтимоий-сиёсий институтларнинг йирик идора субъектлари сифатида шаклланишида, кратеологик таълимотларнинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қилган.

Афина демократиясининг ички зиддиятларга тўла воқелик сифатида шаклланишини Перикл мисолида кўришимиз мумкин. Машҳур тарихчи Фукидиднинг ёзишига кўра, Периклни нафақат халқ бошқарди, шунингдек, у халқни бошқарди. «Сўзда бу демократия эди, аслида эса ҳокимият биринчи фуқаро-Перикл қўлида эди.»⁴ Баъзи тадқиқотчилар Периклни автократизм, хатто монархияга мойилликда айблашга интилишади, бироқ уруш, очарчилик, танқислик шароитида халқни душманга қарши сафарбар этишни кимдир ўз устига олиши керак эди-да. Айнан ушбу омиллар боис Афинада ижтимоий-сиёсий тузум алмашиб, гоҳ монархия, гоҳ автократия, гоҳ демократия кўринишига ўтиб турган. Шунинг учун ҳам, ушбу ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан келиб чиқиб, қадимги юнон шаҳар-давлатларини Платон:

1) монархия-бир кишининг ҳукмронлиги ёки унинг ашаддий кўриниши тирания; 2) аристократия-айрим, жамият ва давлат ишларини бошқаришдан хабардор кишилар бошқаруви ёки унинг ашаддий кўриниши-олигархия; 3) демократия-халқ томонидан бошқарилиши кабиларга классификация қилади. Энг муҳими шундаки, Платон демократияга паст назар билан қараган ва уни бошқаришнинг «энг ёмон кўриниши» деб

¹ Қаранг: Колоба М.К, Из истории раннегреческого общества.- Л.: ЛГУ, 1951; Утченко С.Л. Идеино-политическая борьба в Риме накануне падения республики.- М.: Наука, 1952; Кошеленко Г.Г. Греческий полис на эллинистическом Востоке.- М.: Наук, 1979; Муҳаммедов Х. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи.- Т.: Адолат, 1999.

² Муҳаммедов Х. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи.- Т.: Адолат, 1999.- 191б.

³ Қаранг: Кошеленко Г.А. Греческий полис на эллинистическом Востоке.- М.: Наука, 1979.-12-14; Фролов Э.А. Огни диоскуров . Античные теории переустройства общества и государства. Ленинград, Изд. Ленинградского ун-та, 1984.-С. 13-14.

⁴ Қаранг: Фролов Э.А. Огни диоскуров... С.16.

атаган.¹ К. Поппер фикрларига таяниб фалсафа фанлари доктори В. Алимасов ёзади: «Демократия –деб ёзади Платон йўқсиллар ғолиб чиқиб, улар ўзининг баъзи душманларини йўқ қилган, бошқаларни бадарға этиб, қолганларини ҳуқуқий тенглаштиргач, лавозимлардагини алмаштиргач юзага келади.» Ажабланарли ҳол шундаки, Платоннинг умумий-назарий қарашларидан юлиб олинган ушбу сўзлар учун асрлар давомида файласуфлар, ёзувчи аҳли уни «демократ» атаб келади. Аслида Платон демократиянинг ашаддий душмани бўлган. Буни унинг демократларни «ахлоқсиз, зикна, безбет ва шармсизлар, қутирган ёввойи ҳайвонлар, нопок ҳавасларини қондириш учун яшайдиган нафс қуллари» деб атаган таърифларидан билиш мумкин. Ҳатто, Платон Афина демократияси қулликни бекор қилишга бориб етганини ҳам ҳисобга олмай, халқ ҳокимиятини энг қабих иборалар билан ҳақоратлашдан қайтмайди.²

Ушбу танқидий фикр К. Попперни, «Платон демократиянинг ашаддий душмани»,³ деган хулосага олиб келади. Баъзи мутахассисларга, айниқса Платондан «ҳаёт ҳикмати» ва «идеал жамият» ҳақидаги догмалар изловчи файласуфларга жавобан айтиш ўринлики, ғарб фалсафаси, ижтимоий-сиёсий таълимотлари бир-бирига танқидий ёндашиб, бир-бирини назарий бойитиб ривожланиб келади. К. Поппернинг ўзи ҳам ҳар қандай фикр танқид қилиниши, ижтимоий-сиёсий ва гносеологик тажрибалар нуқтаи назаридан қайта баҳоланишини зарурлигини уқтиради: «биз ўз хатоларимиздан ўрганишга қодирмиз».⁴

Аристотелнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари устози Платонникига яқин бўлган. «Аристотель устозининг етук давлат ва уни файласуфлар бошқариши ҳақидаги назарларини ҳам давом эттиради. Тўғри, у ибтидоий даврга қайтишни талаб этмайди, аристократия, феодал ва демократия идора усулларини муроасага келтириш тарафдори сифатида фикр юритади. Кўпроқ эса феодал идора усулига ён босади. Бу борада у Платоннинг айрим назарларини танқид қилади, аммо Аристотель ҳеч қачон демократ бўлмаган.»⁵ Аристотелнинг аёллар ва ҳунармандларга паст назар билан қарагани⁶ ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

«Агар Гесиод тарихни «олтин», «кумуш», «мис», «ярим худо-қаҳрамонлар» ва «темир» босқичларига бўлиб, ҳарбир даврга хос бошқарув усуллари бўлганлигини ва фақат «олтин давр»гина демократияга мойил бўлганлигини таъкидласа, «етти донишманд» (Фалес, Питтак, Периандр, Биант, Солон, Клеобул ва Хилон) қарашларида ҳамманинг қонунларга бирдек итоат этиши зарурлиги ғоялари илгари сурилган. Солон (мил.авв. VI аср) эса фуқаролар ҳуқуқини камситувчи ва қулликни ёқловчи Драконт («Дракон» ҳам дейилади) қонунларини бекор қилиб, Афина фуқаролари давлатнинг идора ишларида қатнашиш ҳуқуқини, суд ишларини эса халқ йиғини олиб боришини таъкидлади ҳамда Халқ Кенгашини эса қонунлар қабул қилувчи олий ҳокимият деб эълон қилди. Бироқ қулар, хотин-қизлар ва метек (келгинди) лар бу органлар фаолиятида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас эдилар».⁷

Ш.О.Мамадалиев антик даврдаги Элладада юзага келган ижтимоий-сиёсий тузумларни, жамият ва давлат бошқариш усулларини, халқ ҳокимиятчилигининг генезиси билан боғлиқ институтлар фаолиятини таҳлил қилган, ўрганган концепциялар борасида қуйидагиларни дейди: «Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги хурфикрлик давлат, ҳокимият ва жамият ҳақида турли назарий концепцияларни юзага келтирди. Агар Халкедоналик Фалей ер-мулкка эгалик қилишда тенгликка эришиш ғоясини илгари сурса, Гипподам (мил.авв. V-асрнинг 2 ярми) давлат ҳудудларини илоҳий, ижтимоий ва шахсий кўринишларга ажратиб, уларнинг ҳар бирида ўзига хос идора усуллари бўлиши зарурлигини айтади.

¹ Платон.Сочинения. т.4.- М: Мқсль, 1994.-С.74.

² Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи.- Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр.,2007.-126.

³ Ўша жойда.

⁴ Қаранг: Поппер К. Предложения и опровержения. – М.: АСТ, 2004.-С.11.

⁵ Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи.- Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр., 2007.-16 б.

⁶ Аристотель . Сочинение в 4 т. Т.4. – М.: Мысль, 1983.-С.272.

⁷ Қаранг: Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт.- Т.: ИИВ Академия, 2003.- 48-49 б.

Мегаралик Феогнид (мил.авв VI-V асрлар) эса демос ҳокимиятини инкор этиб, бундай давлатни «худди бошқариб бўлмас кема»га ўхшатиб, олижаноб (аристократ) кишилар бошқарадиган давлатда яшашни бахт-саодат деб ҳисоблайди. Демокрит (милл.авв. 470-360 йиллар) кул учун озодлик қандай қимматли бўлса, халқ учун демократия ҳам шунчалик зарур, аммо давлатни юксак ақл ва ахлоқ эгалари бошқаргани афзал, деган фикрни билдирса, Пратогор (мил.авв. 481-411 йиллар) ҳамма нарсанинг меъёри, ўлчови-инсон; деб ҳисоблаган».¹ Демак, антик давр демократияси замонавий талқиндаги демократик эмас эди. Унда конституция, давлат ҳокимиятининг тақсимланиши каби фундаментал аҳамиятга эга юридик нормалар амал қилмаган.² Шунинг учун ҳам, «юнон мутафаккирларининг давлатни мустаҳкамлаш, бошқаришни ахлоқ, ақл, билим билан уйғунлаштириш ҳақидаги қарашлари реал ҳаётда ўз ижросини топавермади. Бунга нафақат давлат, бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳам тайёр эмас эди».³

Афина демократияси ва Рим республикаси анъаналари тахминан мил. I-асргача давом этди, Юлий Цезарь диктатураси даврида эса бутунлай барҳам топди. Шу даврдан бошлаб Европада ўз мавқеини мустаҳкамлашга, фуқароларни ўзининг манфаатларига хизмат қилдиришни мақсад қилиб қўйган давлат институтлари юзага келди. Фақат VII асрга келиб аввал Скандинавия ва Швейцарияда, кейинчалик Венеция, Флоренция, Исландия, Англия, Нидерландия, Бельгия каби мамлакатларда халқ ҳокимиятчилиги институтлари пайдо бўла бошлайди. XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошига келиб Европада замонавий демократияга асос бўлган сиёсий-фалсафий ва ҳуқуқий ғоялар шаклланади. Ушбу ғояларда, давлат, ҳокимият «кишилар билан муроса қилиши ва уларнинг ёрдамига муҳтож»,⁴ деган фикр илгари сурилди. Демак, ҳокимиятни халққа яқинлаштириш, улар ўртасида ҳамкорликни шакллантириш зарур. Шундай ҳамкорлик, яқинлик бўлмаса, давлат, ҳокимият, зўравонлик институти сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётни мутлақ ўзига тобе этади, фуқароларнинг эркин яшашига, охир натижада ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлади. Бу борада Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, Г.Гроций, Э.Ваттель, Гельвеций, Дидро, Гольбах, Мелье, Г.Бабеф, А.Гамильтон, Т. Жеферсон, Т.Пэн, XIX-асрда Кант, Фихте, Сен-Симон, Фурье, Оуэн, Б.Констан, И.Бентам, О.Конт, Л.Штейн, К.Маркс, Ф.Энгельс, Алексис де Токвиль, И.Г.Гердер, Ницше XX-асрда эса Р.Штаммлер, В.Дильтей, В.Виндельбанд, Р.Кронер, Б.Кроче, У.Спирито, Г.Кельзен, Й.Месснер, Э.Вольф, К.Ясперс, Р.Марчич, Г.Харт, П.Штрассер, Н.А.Бердяев, Б.Рассел, Э.Гибон, К.Поппер, Ф.А.Хайек, Р.Арон, Р.Даль, А.Арендт, Т.Адорно, Г.Альмонд каби тадқиқотчиларнинг илмий-назарий ва фалсафий-ҳуқуқий концепцияларини эслаш ўринлидир. Улар шунчалик ранг-баранг ва гоҳо бир-бирига зидки, мазкур мавзуда уларни очиб беришнинг имкони йўқ. Шундай бўлсада, биз тадқиқотимиз концепциясидан келиб чиқиб улардаги энг муҳим ғояларни қуйидаги йўналишларга ажратиб, қисқача бўлсада, тўхталиб ўтишимиз мумкин.

I. Жамият ва давлат ишларида, бошқаришда, фуқаролар билан муносабатларда, адолатни таъминлашда қонунларга риоя этиш.

Ушбу ёндашув, ғоя табиий ва ирода ифодаси бўлган ҳуқуқ тарафдорлари бўлган Г.Гроций, Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, Т.Жеферсон томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган. Масалан, Г.Гроцийнинг фикрига кўра, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар фуқаролар томонидан ишлаб чиқилиши ва улар томонидан қабул қилинган нормалар (фуқаролик ҳуқуқи) билан белгиланиши мумкин. Бу ўринда давлат «эркин кишиларнинг етук иттифоқи»⁵ сифатида келади, бундай иттифоқни кишилар умумий фойда ва ҳуқуқларга риоя этиш учун зарурдир.⁶ Энг муҳими шундаки, Г.Гроций

¹ Ўша асар.- 50 б.

² Гаджиев К.С. Политическая философия.- М.: Экономика, 1999.- С.18.

³ Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт.- Т.: ИИВ Академия, 2003.- 52-53б.

⁴ Теория политики. Под ред. Б.А. Исаева.- СПб., Питер, 2008.- С.146.

⁵ Гороцкий Г. О праве войны и мира.- М.: Изд. юрид. лит.-ры, 1956.-С.74.

⁶ Ўша асар.- С. 48.

ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий таълимотлар ичида биринчи бўлиб «халқ ҳуқуқини» ўрганди ва уни давлат ҳуқуқи, илоҳий ҳуқуқ, табиий ҳуқуқлар билан бир қаторда қаради. Унинг давлат ва фуқаролар ўртасида тузиладиган «шартнома концепцияси» давлат институтини, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, демократлаштириш томон ташланган йирик қадам эди.

II. Давлат институтининг фуқароларнинг шахсий ҳаётига, айниқса иқтисодий фаолиятига аралашшини чеклаш, либерал-иқтисодий демократияни қўллаб-қувватлаш ва шакллантириш.

Ғарбона демократия давлатнинг шахсий ҳаётга, фуқароларнинг иқтисодий фаолиятига, айниқса хусусий мулкни шакллантириш билан боғлиқ фаоллигига аралашмаслигининг тарафдоридир. Ушбу фикрини А.Смит, И.Бентам, Ж.С.Милль, Б.Констан каби тадқиқотчилар ҳимоя қилиб чиққан.

Ушбу ғояни тарих саҳнасида чиқаётган буржуазия қўллаб-қувватлади. Эркин савдо-сотиқ, товар ишлаб чиқариш, меҳнат жараёнларини ташкил этиш, хусусий мулк дахлсизлигига эришиш каби тартиблар буржуазия манфаатларига ва жамият тараққиётига мос келарди. Масалан, К.Бентам фикрига кўра, давлатнинг иқтисодиётга аралашини номақбул ҳолдир, «чунки у салбий оқибатларга олиб келиши мумкин».¹

Ушбу ғоянинг ижтимоий тараққиётга таъсирини ўрганиш кўрсатадики, у «давлат ва жамиятни бошқариш тамойиллари сифатида шаклланиб, ҳокимиятни тақсимлаш, парламентаризм, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг конституцион асосларини яратишга олиб келди. Натижада давлатнинг, айниқса маъмурий идораларнинг фуқаролар ҳаётига, ташаббусига бўлар-бўлмас аралашини чеклаш, кишиларнинг ҳукумат фаолияти устидан назоратини ўрнатиш имкони яратилди. «Иқтисодий эркинлик инсон (шахс) нинг сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари заминидир. Шунинг учун ҳам мумтоз либерализм хусусий мулкни ҳимоя қилишни, унинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратишни ўзининг бош вазифаси деб билади.»²

Ҳозирги пайтда ушбу ғоядаги индивидуализм ва утилитаризм танқид қилинмоқда, уларнинг жамиятда кескин табақаланишга олиб келиши қайд этилмоқда. Шунинг учун Нобель мукофотининг лауреати Ф.А.Хайек давлатнинг иқтисодиётга, ижтимоий бойликларни адолатли, қонуний ва умумий тараққиёт нуқтаи назаридан тақсимлашга аралашини зарур деб ҳисоблайди. Чунки хусусий сектор барча ижтимоий эҳтиёжларни қондириш имконига эга бўла олмайди.»³

III. Сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ихтиёрий, ижодий уюшмалар-фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг кенг тармоқларини шакллантириш.

Демократияни фуқароларнинг сиёсий ва маданий-ижодий фаоллигисиз тасаввур этиш қийин. Уни сиёсий маданият ҳам дейишади. Ушбу ғоя XIX асрдан бери сиёсий-фалсафий адабиётларда учраб келсада, уни илмий концепция, назария сифатида ишлаб чиқиши Алексис де Токвиль, Г.Алмонд, С.Верби, Р.Инглхарт, У.Розенбаум каби тадқиқотчилар номи билан боғлиқдир.

Г.Алмонд ва С.Вербининг фикрига кўра, фуқароларнинг сиёсий маданияти, фаоллиги демократик жамиятнинг бош кўрсаткичи ва мезони ҳисобланади. Улар «когнитив йўналтирилганлиги», «аффеktiv йўналтирилганлиги» ва «баҳолаш нуқтаи назаридан ёндашини» каби компонентларни киритишади.⁴

Россиялик А.И.Соловьев, Б.А.Исаев, Р.Т.Мухаев, К.С.Гаджиев, Э.Хейвуд, Г.Г.Дилигенский, А.Рамазанов, А.В.Глухова, И.Хакамада, М.М.Лебедева, М.Г.Анохин, В.В.Ильин, Л.А.Нуденко, К.Костюк, А.И.Денисов, Н.М.Кейзеров, Л.Тихомиров каби

¹ Адилходжаева С.М. Либерализм: эволюция идей от прошлого до настоящего(теория и практика). Т.: ТГЮИ, 2002.- с.18.

² Алимасов В.. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр., 2007.- 159-160 б.

³ Ўша жойда -159-161 б.

⁴ Қаранг: Антология мировой политической мысли. В 5 –ти т. Т.2.- М.: Инфра, М., 1997.- С.594-595.

тадқиқотчилар¹ сиёсий маданиятга тааллуқли муаммоларнинг у ёки бу қирраларини ўрганишган. Улардаги асосий фикр, концепция шундаки, ғарб демократияси ҳам, Россия сиёсатшунослиги ва кратеологияси ҳам фуқаролик жамиятида сиёсий партиялар-давлат-жамият ўртасидаги муносабатлар қайси-ғарб демократиясига мос индивидуал-либерализмми ёки автократизм, монархияга олиб келувчи коммунитарпатернализм йўналишида кечади деган саволга ҳали жавоб топгани йўқ. АҚШ ўзининг глобал лидерлик функциясини бажаришга интиляётган бўлса-да, ундаги демократия усуллари, сайлов жараёнида олиб бориладиган кўзбўямачилик, фирромлик ва лақиллатишлар, кескин табақаланиш² мазкур тузумнинг етук эмаслигидан далолат беради. Лекин барча тадқиқотчилар фуқаролик институтларини кенгайтириш, сиёсий фаоллик орқали кишиларни демократик ўзгаришларга жалб этишнинг илмий, шу жумладан, этномаданий механизмларини яратиш зарур деган фикрда бир-бирини қўллаб-қувватлайдилар.

Тажриба кўрсатадики, сиёсий маданияти ва фаоллиги паст ҳудудда, аҳоли қатламида демократик ўзгаришлар қизиқиш уйғотмайди. Шунинг учун ушбу «жараёнларнинг ким (шахс, жамият, халқ, давлат) томонидан, қандай усуллари (авторитар, демократик ва бошқа) билан бошқарилишига қараб, жамиятнинг стратегик мақсадини, тараққиёт моделини аниқлаш мумкин.»³

IV. Кучли давлат яратиш ва миллий давлатларнинг кучли бўлишини қўллаб-қувватлаш

Демократия шароитида давлатнинг кучли бўлиши эътироз уйғотиши мумкин. Аммо ушбу ғояни сиёсий-фалсафий концепция сифатида асосланишини АҚШлик машҳур файласуф, социолог ва футуролог Ф. Фукуяма амалга оширган.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, кейинги ўттиз йил ичида давлат институтини заифлаштиришга интилишди. Бу демократия, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти куриш, бозор иқтисодиёти, либерал кадриятларни шакллантириш, тоталитар тузумларни йўқ қилиш каби шиорлар, даъватлар, фикрлар остида амалга оширилди. Натижада заиф давлатларда инсоният ҳаётига хавф солувчи-терроризм, ОИТС, қашшоқлик, экстремизм каби глобал иллатлар пайдо бўлди. АҚШда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган машъум ҳужум заиф давлат глобал иллатларни бартараф этишга қодир эмаслигини кўрсатди. «Фақат давлат, - деб ёзади Ф.Фукуяма - фақат кучли давлат тартибни таъминловчи кучларни бирлаштириши ва мақсадга мувофиқ жой-жойига қўйиши мумкин. Бундай кучлар мамлакат ичида қонунлар бошқаришини ва халқаро тартибни сақлашни таъминлаши мумкин.»⁴ Шунинг учун янги пайдо бўлган миллий давлатларга ва муаммоларни ҳал этишга заиф давлатларга етук давлатлар, энг аввало АҚШ, демократияни шакллантиришга ёрдам бериши зарур. Тўғри, Ф.Фукуяма АҚШ демократияни ушбу давлатларга жорий этиши керак деган фикрни билдирмайди, аммо унинг «етук демократик давлатлар» деганида энг аввало АҚШни назарда тутаётганини сезиши қийин эмас. Бироқ файласуфнинг миллий давлатларни кучайтиришни нафақат халқаро тартибни, хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, миллий давлатларда демократик кадриятларни шакллантириш шарти сифатида қарагани ижобий ҳолдир. Айниқса айрим тадқиқотчилар, сиёсатшунослар АҚШни глобал лидер, демократик кадриятларни умумпланетар миқёсда шакллантиришга қодир ягона давлат сифатида қараётганида,

¹ Ушбу тадқиқотчиларнинг асосий асарлари китоб охиридаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

² Қаранг: Флинт Л. Секс, ложь и политика. Голая правда.- М.: АСТ, 2006

³ Мусаев Ф. Демократик ҳуқуқий давлат куришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.- Т.: O'zbekiston, 2007.- 250 б.

⁴ Фукуяма Ф. Сильное государство: Управление и мировой порядок в XXI в. – М.: АСТ, ХРАНИТЕЛЬ, 2006.- С.199.

миллий давлатлар устидан АҚШ гегемонлигини ўрнатишга даъват этаётганида¹ Ф.Фукуяманинг концепцияси маътовга лойиқдир.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ғарбона демократияга оид концепцияларда ижобий томонлар билан бирга зиддиятли фикрлар ҳам мавжуд. Лекин уларда ҳам демократия ва демократик тараққиётнинг этномаданий ва этносоциал жиҳатлари эътибордан четда қолади. Айнан ушбу камчилик «цивилизациялар тўқнашуви» ни келтириб чиқараётган бош сабаблардан биридир.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Космология, мифология, полис тузуми, рационализм усули, идеал давлат, идеал жамият, идеал ҳукмдор ва идеал шахс ғоялари, кратеологик изланишлар, полис демократияси, монархия, тирания, аристократия, олигархия,

Назорат саволлари

1. Ғарбона демократиянинг генезиси қайси даврларга бориб тақалади?
2. Полислардаги бошқарувнинг мазмун-моҳиятини айтиб беринг.
3. Қадимги юнон шаҳар-давлатларидаги бошқарув тизимини моҳиятини тушунтиринг.
4. Платоннинг демократия ҳақидаги фикрларининг мазмунини тушунтиринг.
5. Кучли давлат ва фуқаролик жамияти тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ва зиддиятлари масаласини тушунтиринг.

Мавзу юзасидан тестлар

1. Қайси файласуф демократларни «ахлоқсиз, зикна, безбет ва шармсизлар, кутирган ёввойи ҳайвонлар, нопок ҳавасларини қондириш учун яшайдиган нафс қуллари» деб атаган ? а) Демокрит б) Демосфен, в) Платон г) Аристотель
2. Ўз атрофига бир неча қишлоқларни бирлаштирган, ўзини-ўзи бошқариш принциpigа қурилган, бой-бадавлат фуқаролар ўз мулкидан солиқ тўлаши, қолганлар эса ижтимоий-ҳарбий ишларда иштирок қилиши, ишлаб бериши шарт бўлган бирлик қандай номланган? а) антиохия, б) полис, в) г) фалсафий
3. Айрим, жамият ва давлат ишларини бошқаришдан хабардор кишилар бошқаруви қандай номланган? а) монархия, б) аристократия, в) либерал демократия . г) делегатив демократия
4. Давлатнинг шахсий ҳаётга, фуқароларнинг иқтисодий фаолиятига, айниқса хусусий мулкни шакллантириш билан боғлиқ фаоллигига аралашмаслигининг тарафдори бўлган файласуфлар тўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг. .? а) Платон, Аристотель, б) Й.Шумпетер, Т.Дай, Л.Зингер, в) А.Смит, И.Бентам, Ж.С.Милль, Б.Констан г) К. Мэдисон, К. Шумпетер.

¹ Қаранг: Сорос Дж. О глобализации.- М.: ЭКСМО,2004; Флинт.Л. Секс, ложь и политика. Голая правда.- М.: АСТ,2006.

4- МАВЗУ : Сохта социалистик демократиядан ҳақиқий миллий демократик тараққиётга ўтиш-объектив ижтимоий зарурият

РЕЖА

- 1. Социалистик демократиянинг мазмун-моҳиятига ёндашувлар**
- 2. Миллий демократик тараққиётга ўтишнинг объектив ижтимоий заруриятлиги**

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида муҳим ижтимоий-тарихий ўзгаришлар рўй берди - коммунистик догмага қурилган, СССР деб аталган тоталитар тузум тарқатилиб, унинг ўрнига мустақил миллий давлатлар юзага келди. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда: «Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг юзага келиши, ягона халқаро меъёрлар (нормалар), қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир.»¹ Ушбу фикрларини давом эттириб И.А.Каримов қайд этади: «СССР парчаланиб кетгани, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубини тарғиб этувчи ва юқоридан кўрсатма билан (директив) режалаштиришга ҳамда ресурсларни марказлаштирилган тартибда, ўзбошимчалик билан тақсимлашга асосланган социалистик ҳўжалик юритиш усулининг тарихий тажрибаси барбод бўлди.»²

Тоталитар тузумнинг барбод бўлгани ижобий ва қонуний ҳол, албатта. Чунки у миллий давлатларнинг ички эҳтиёжлари, этномаданий ва этносоциал талабларига мувофиқ ривожланишига йўл очиб беради. Бироқ ақлу идрок, айниқса илму тафаккур

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.- 274 б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.- 275 б.

ушбу фикрни шунчаки қабул қилмайди, у бутун инсониятни, ижтимоий борлиқни ларзага ва ҳайратга солган емирилишнинг сабабларини, этнологиясини билишни, англашни истайди. Бу шунчаки гносеологик қизиқиш ёки ўткинчи хоҳишни қондириш учун эмас, балки мураккаб муносабатларга қурилган динамик тизимларнинг юзага келиши, юксалиши ва ривожланиши қонунларини англаш, келгусида шундай емирилишлар, фожеалар юз беришининг олдини олиш учун зарурдир. Бусиз жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳам, давр талабларига мувофиқ демократик ўзгаришларни амалга ошириш ҳам қийин.

Шўролар ҳукумати, коммунистик мафкура жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун ҳарбий қудратини ошириш билан бирга социалистик демократия ғоясини жамиятга сингдиришга интилди. Шу мақсадда у умуминсоний демократиянинг, ўзининг синфийлик концепциясига мувофиқ, иккига - тарақийпарвар ва халқпарвар социалистик демократия ҳамда ғайриинсоний буржуа демократиясига ажратди.

Марксча-ленинча назарияга кўра, социализмда кишилар асосий меҳнат фаолиятидан кейин бўш вақтларида, ихтиёрий тарзда жамият ва давлатни бошқариш ишлари билан шуғулланадилар. Ушбу вазифани аҳолининг фаол, онгли қисмиишчилар (пролетариат) амалга оширади. Шунинг учун ҳам шўролар даврида вакиллик органларидагиларнинг 70-75%ни ишчилар ташкил этган.

Лениннинг «ҳар бир кухарка давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этади» деган башоратининг тўғрилигини тасдиқлаш учун давлат ҳокимиятининг қуйи органларидан тортиб то олий органларгача бошқариш ишларидан беҳабар, гоҳо унга ҳеч қандай кўникмаси йўқ КПСС аъзоси, слесарлар, механизаторлар, партиясиз, аммо кўп болали уй бекалари тортилган. Ҳар бир партия съездларида партия сафига, бошқарув идоралари ва вакиллик органларига қанча ишчи -деҳқон тортилгани эълон қилиниб, бу билан социалистик демократиянинг афзаллиги, ютуқлари кўз-кўз қилинган. Шўролар амал қилган ҳуқуқий нигилизм, «давлат ва ҳуқуқий ҳаётни ташкил этишда чуқур демократик анъаналарнинг йўқлиги, давлат органларидаги масъул шахсларда сиёсий ва ҳуқуқий онг ҳамда маданиятнинг юқори эмаслиги, жойларда сиёсий ҳаётнинг ривожланмагани, жаҳон революцияси натижасида коммунизмга ўтишда давлат ва ҳуқуқнинг амал қилиши ҳақидаги қарашлар, барчани тенглаштириш, ишлаб чиқаришни ва тақсимлашни марказлаштириш» ўзбек халқи ва жамиятини демократик талабларга мувофиқ ташкил этиш ҳақда давлатини бошқаришга салбий таъсир кўрсатди.¹ Демак, СССР- нинг емирилиши фақат ижтимоий-иқтисодий омиллар билангина боғлиқ эмас, у системали характерга эга. Инқироз бутун тузум, системани, бутун тизимларни қамраб олган эди.

СССР қўллаб-қувватлаган социалистик демократия, жамиятни муқим, барқарор, текис ишлаб туришга қаратилган. Ижтимоий тараққиёт таҳлили шуни кўрсатадики, мудом муқим, барқарор, текис ҳаёт кечирадиган система ўзидаги ривожланишга, ўзгаришга мойил кучларни босиб туришга мажбур. Ўта муқим система ривожланиш қонунларига зид, у хатто эволюцион ўзгаришларга тоқат қилолмайди.² Бундай система тоталитар бошқариш усуллари маъқуллайди, ва айни вақтда қатъий нормалар, тартиблар, ташқи ва ички омиллар талабларини тан олмайди.. Шўролар ҳукуматининг хурфикрликни, эркинлик севадиган, ўзининг ақлу идрокига ижодий ва интеллектуал кучига ишонадиган кишиларни, зиёлиларни қатоғон қилгани тоталитар тузумнинг ижтимоий ўзгаришларни ёқтирмаслигининг яққол натижаси эди. Халқларни ташқи оламдан, бошқа халқлар, миллатлар билан интеграцияга киришиб яшайдан маҳрум қилиш ҳам ана шу сиёсатнинг маҳсулидир. Демак, ижтимоий тараққиёт мутлақ қотган, мутлақ муқим системани, айниқса жонли муносабатларга асосланадиган динамик системани, яъни мутлақ

¹ Халилов Э. Высший законодательный орган Республики Узбекистан: от формального представительства до реального парламентаризма.- Т.: Ўзбекистон, 2001.- С.34.

² Қаранг: Переходы и катастрофы: опыт социально-экономического развития.- М.: Экономика, 1994.- С.11-14.

барқарорлигини рад этади. Фақат ташқи муҳит ва ички омиллар динамикаси, ўзаро таъсири системанинг яшовчанлигини таъминлайди. Шўролар ҳукумати ижтимоий - динамик системага хос бўлган ушбу қонуниятни рад этди, жамиятни ижтимоий тараққиёт қонунларига мувофиқ эмас, қотиб қолган, кабинетда яратилган социалистик демократия ғоясига мувофиқ яшадини таъминламоқчи бўлди.

Динамик системалар бир-бирлари билан тўқнашиб, рақобатга, мусобақага киришиб турадиган, ички ижодий кучларни изланишга ундайдиган қисмлардан иборат бўлади. Натижада система ичида системани шакллантирувчи ва системани ўзгартирувчи жараёнлар кечади.¹ Агар кейинги жараён биринчисидан устун келса, системада уларни уйғунлаштирувчи «интегратив импульс», куч бўлмаса, система бир кунимас бир куни ўз мувозанатини, барқарорлигини йўқотади.² Агар ушбу ижтимоий тараққиёт қонуни шўролар даврига тадбиқ қилсак қуйидаги ҳолни кузатамиз.

Шўролар ҳукуматининг ғайри миллий ва ғайри инсоний сиёсатига онгли, маърифатли, эрқпарвар ва халқпарвар кишилар мудом қарши чиққанлар, улар ҳукуматни инсонийлаштириш ва демократлаштиришга даъват этганлар. Бу ўринда жадидларни эслаш мумкин. Аммо шўролар ҳукумати маърифатпарвар, тараққиётпарвар жадидларнинг даъватларига эмас, балки уларни «халқ душманлари» деб атаган сталинистларни қўллаб-қувватлади. Жадидлар жамиятни динамик тарзда ўзгартиришга, мавжуд ижодий кучлардан унумли фойдаланишга даъват этдилар, бироқ турғунлик, муқимлик, ўта барқарорлик тарафдорлари бўлган, аммо ҳокимиятни ўз қўлига тўплаган сталинистлар уларни жисмонан йўқ қилиш билан ўз ниятларига эришдилар. Аммо бу муваффақият пировард натижасида сароб, вақтинча бўлиб чиқди.

Динамик системалардаги «беқарор мувозанат» асосан адаптация-мослашишнинг уч тури орқали рўй беради:

- 1) қисмлар (подсистемалар) нинг бир-бирига мослашуви;
- 2) қисмларнинг алоҳида ёки уйғун, бирлашган ҳолда кенг система талабларига, ривожланиш йўлларига мослашиши;
- 3) кенг системанинг ўзидан кенг системалар талабларига ёки тараққиёт йўлларига адаптацияси, мослашиши.³

Агар адаптация қонунлари бузилса ёки ўзгаришлар бошқа тизим (подсистема) лар ёки умумий тизим (система) талабларига мос келмаса, ўзининг очиқлигини, динамик ҳодиса эканини намоён қила олмаса тўқнашувлар, низолар, норозиликлар, охири, натижасида эса инкироз юзага келади. Адаптация жараёнларининг тузилиши ёки адаптация қонунларининг бузилиши тараққийпарварлар ёки деструктив кучларнинг норозилигига ёки бош кўтаришига сабабчи бўлади.

Шўролар даврида сиёсий соҳа (тизим, подсистема) иқтисодий соҳа (тизим, подсистема) талабларига, улар эса маънавий-маданий соҳа (тизим, подсистема) талабларига мос келмаган. Масалан, сиёсий система дунёда тезроқ коммунизм қуришни, социалистик демократияни шакллантиришни истаган. Шунинг учун, у ҳарбир фаррошни сиёсий фаол қилишга, давлат ишларини бошқаришга жалб этишга интилган. Ушбу ғайриҳаётий талабни у маъмурий йўл билан, йўқ нарсани бор қилиб кўрсатиш, сохта демократия яратиш билан амалга оширди. Бошқариш ишларига жалб қилинганларнинг вазифалари эса тепадан туширилган қарорларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлашда уларга бир овоздан овоз беришларида ҳам кўзга ташланади. Сурхондарё ёки Қорақалпоғистондаги чекка бир қишлоқ ёки овулдаги кишилар номини ҳам эшитмаган,

¹ Галкин А.А. Стабильность и изменения сквозь призму культуры мира // Полис, 1998, №5. - С.84-86.

² Володенков С.В. Модели динамики политических процессов в условиях переходного периода // Вестник Моск.ун-та, 1999, №6. - С.37.

³ Украинцев В.И. Самоуправляемые системы и причинность. - М.: Мысль, 1972; Пригоровин и., Стенгерс И. Порядок из хаоса. - М.: Прогресс; Галкин А.А. Стабильность и изменения сквозь призму культуры мира // Полис, 1998, №5

кўрмаган аммо марказда ишлайдиган, политбюро аъзосини партия съездларига, олий вакиллик органларига сайлашга мажбур қилинган. Бу сиёсий тизим (соҳа, подсистема) нинг бошқа соҳа (тизим, подсистема) қизиқишларини, талабларини менсимаганига, улардан ўз қизиқишларини устун қўйганига мисолдир. Сиёсий, ҳарбий соҳаларга ажратилган маблағлар йилдан йилга ошгани ҳолда, маданиятга, маорифга ажратиладиган маблағ камайтирилган, атиги миллий даромаднинг 2,3-3% ни ташкил этган. Сиёсий, ҳарбий соҳага ажратилган маблағлар эса улар 3-4 баробар зиёд эди. Хуллас, шўролар ҳукумати соҳалар (тизим, подсистема) ўртасидаги мувозанатни ҳисобга олмаган, уларни қўллаб-қувватловчи стимуллари ўзбошимчалик билан ўзининг стратегик мақсади - дунёда коммунизм қуриш, капиталистик тузумни, буржуа демократиясини енгишга қаратган.

Соҳа (тизим, подсистема) лар алоҳида ёки уйғун ҳолда умумий тизим, кенг система билан муносабатларга киришиб, ижтимоий ҳаётни динамик тарзида ўзгартириб, бойитиб, ранг-баранглаштириб туради. Шунинг учун ушбу муносабатлар паралел ҳолда, яъни кенг системадан соҳаларга, соҳалардан кенг системага юз беради. Тоталитар тузумда ушбу муносабатлар кенг системадан, яъни тепадан пастга, ички қисмларга юборилади. Бу аслида маъмурий-буйруқбозлик бошқариш усулидир.

Сиёсий тизим, маъмурий бошқариш усули системага ҳос бўлган адаптация қонунларини ҳисобга олмайди, балки унинг ўзи адаптация қонунлари яратади. Шунинг учун у КПСС съездлари қабул қилган дастурлар ва резолюцияларни, сиёсий бюро тасдиқлаган кўрсатмалар ва режаларни, марказий идора ишлаб чиққан нормаларни тепадан пастга юбориб, сунъий адаптация механизмларидан фойдаланган. Миллий ўлкалар ва Республикалар билан марказ ўртасидаги тўқнашувлар аслида ана шу адаптация қонунларини бузилиши, яъни ички қисм (тизим, подсистема) ларга ўз тасаввурларини, қарашларини, нормаларини зўрлаб сингдириш сабабли юзага келган.

Адаптациянинг учинчи тури динамик системалар моҳиятан очик эканини ифода этади. Дунё, инсоният, халқаро алоқалар адаптацияни энг юқори босқичга кўтаради. Яъни алоҳида олган (халқ, давлат) бошқа система (халқ, давлат)лар билан интеграцияга киришмай, умумжаҳон тараққиёти талабларига мослашмай яшай ва тараққий эта олмайди. Шўролар тузumi тор система эди, у ўз лагеридаги системалар билангина алоқа ўрнатган. Капиталистик йўлдан бораётган тузумларнинг ўзининг душмани деб билган, шунинг учун улар билан алоқа қилган ёки чет мамлакатларга бориб келган, чет тиллардаги ОАВ ларини оладиган, улардаги ахборотлардан фойдаланадиган кишиларни алоҳида назорат остида ушлаган. Хуллас, жамиятнинг барқарор ривожланиши система ичидаги «беқарор мувозанат»га, яъни ички ва ташқи омиллар таъсирига мувофиқ системанинг динамик ўзгаришига, ранг-баранг интеграция талабларига мослашишига боғлиқдир.¹ Мутлақ барқарор, мутлақ муқим, мутлақ ўзгармас система йўқ, эволюцион ўзгариш динамик системаларнинг ички қонунидир. Социумнинг ички ва ташқи таъсирларга муносабатида системанинг тараққиётга ёки турғунликка, таназул мойиллиги акс этади.² Шуни ҳам эсда тутиш керакки, ўзгаришга, нотекис ривожланишга мойил динамик система (жамият, давлат) ўтиш даврига дуч келади. Айниқса, ижтимоий ҳаётга мутлақ янги қадриятларни қарор топтириш, тараққиётнинг янги моделини жорий этиш объектив заруриятга айланганида система революцион, туб ислохотларни ўтказишга мажбурдир.

Илмий адабиётларда тоталитар тузумдан миллий тараққиётга ўтиш, илғор давлатларда қарор топган демократик бошқаришни жорий этиш транзитология номини олган. Транзитологияни гоҳо автократизмдан демократизмга ўтиш деб ҳам талқин қилишади, хуллас, «демократик транзит» атамаси бугун илмий иборага кирган.³ Тўғри,

¹ Шабров О.Ф. Политическое управление: проблема стабильности и развития.- М.: ЭКСМО – ПРЕСС, 1997.- С.18-21.

² Қаранг:Сергеев В.М., Бирюков Н.И. В чем секрет «современного общества» //Полис, 1998, №2.- С.46-47.

³ Қаранг: Мельвиль А.Ю. Демократические транзиты (теоретико-методологические и прикладные аспекты).- М.: АСТ-РИПОЛ, 1999.- С.3-5.

баъзи муаллифлар ва тадқиқотчилар «янги демократия», «шаклланаётган демократия», «тақлидона демократия», «инфантил демократия», «глобал демократия» каби атамаларни ҳам ишлатишади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонга нисбатан, унинг этномаданий ва этносоциал ўзига хослигини ҳимоя қилаётганидан келиб чиқиб, «миллий демократия» ёки «миллий демократик тараққиёт» атамасини қўллаш тўғридир.

Мустақилликка эришган давлатлар сохта демократиядан бирданига воз кечиш имконига эга эмас, чунки мавжуд социалистик анъаналар ва шакллантирилган институтлар ижтимоий ҳаётда мустаҳкам ўрнашиб олган эди. Бу эса қатор муаммоларни, миллий демократик тараққиётга ўтишнинг стратегик мақсадлари аниқ белгилаб олиш билан боғлиқ зиддиятларни келтириб чиқарди. Ушбу муаммолар ва зиддиятларни мавзу доирасида санаб ўтиш, кўрсатиш ва қисқа бўлсада, улар моҳиятини очиб бериш лозим. Ана шунда демократик транзитнинг сохта социалистик демократиядан фарқли жиҳатлари ва аҳамияти ёритилади. Улар қуйидагиларда акс этади:

Биринчиси, шундаки, янги демократияга ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маънавий ва сиёсий соҳада туб ўзгаришлар ўтказиш жамиятда барқарорликни, бирликни, интернационал алоқаларни сақлашга тўғри келди. Бир томондан, ижтимоий ҳаётни тубдан ўзгартириш, ислохотлар ўтказиш, иккинчи томондан, турли низолардан жамиятни асраш, мавжуд позитив алоқаларни, ижтимоий бирликни сақлаш лозим эди. Ушбу вазифанинг ниҳоятда мураккаб қалтис эканини Россия, Тожикистон, Қирғистон, Грузия, Украина каби давлатларда юзага келган ички низоларни, сиёсий гуруҳлар ўртасида кечаётган курашлардан сезиш мумкин. Улар бозор демократиясига ўтиш ва ижтимоий-сиёсий борликни бирданига ўзгариши хом хаёл нарса эканини кўрсатди. Бир-бирига зид бўлган, юқоридаги икки йўналиш демократик ўзгаришлар қилиш учун маълум ва аниқ субъект зарурлигини, ушбу субъект, куч ижтимоий ҳаётга таъсир эта олиш қудратига, имконига ва салоҳиятига эга бўлиши зарурлигини кўрсатди. Табиий равишда, бундай куч давлат бўлиши мумкин эди. Бироқ, юқоридаги ўлкаларда давлат мавқеини пасайтириш, уни оддий, хатто ихтиёрий, ҳаваскорлик уюшмаси даражасига тушириб қўйиш, заифлаштириш анъанаси юзага келди. Мустақиллик барча муаммоларни ўзидан ўзи ҳал қиладигандек туюлди, кўтаринлик, ҳис-ҳаёжонга берилиш, ўтмишни ва ўтмиш яратган институтларни, кадриятларни нигилистча рад этиш оғир фожеаларга олиб келиши англаб етилмади. Жамиятларни, ижтимоий ҳаётни бош-бошдоқлик, бузғунчилик, бир-бирини талаш, бошқаришда эса хаос юзага келдики, мустақилликнинг дастлабки пайтларида юзага келган кўтаринчилик, қувонч ва умидлар ўткинчи туйғулар экани, реал демократия, туб ўзгаришлар мутлақ янгилик, воқелик экани аён бўлди. Мустақилликни, у туфайли уйғонган эзгу, олижаноб мақсад ва туйғуларни реалликка айлантирувчи субъект, куч, институт-давлат керак эди. Жаҳонда юз берган «демократлаштириш тўлқинлари» кўрсатадики, давлатнинг заифлиги, унинг сиёсий кучлар ўртасидаги курашлар манбаига айланиши, туб ўзгаришлар ўтказишга қодир кучларнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги ҳар қандай эзгу, олижаноб мақсад ва туйғуларни йўққа чиқарган.¹ Демак, сохта социалистик демократиядан ҳақиқий плюралистик демократияга ўтиш ўзидан ўзи рўй бермайди, ушбу жараёни амалга оширишга тайёр ва муносиб сиёсий куч-уюшган, тўлақонли ишлайдиган, ижтимоий тараққиёт манфаатларига хизмат қилишни ҳаётий мақсадига айлантирган давлат даркор.

Иккинчиси, социалистик демократия ижтимоий тенглик ғоясини ўзига шиор қилиб олган эди. Содда кишилар учун бу ғоя мафтункор, жозибали ва адолатли кўринади. Азалдан оддий халқ, кишилар ижтимоий тенгликни орзу қилиб келган. Марксча-ленинча фалсафа эса ижтимоий тенгсизликни юзага келтирган «адолатсизликни» куч билан бартараф этиш ғоясини қўллаб-қувватлади ва социалистик демократияни ушбу қарашига асос қилиб олди. Ҳа, ижтимоий тенгликдан, адолатдан ҳеч ким, ҳеч бир давр воз кечмаган, кишилар адолатсизликни тийиш, жиловлаш ва бартараф этиш учун жонини тикканлар.

¹ Қаранг: Теория политики. Под ред. Б.А. Исаева.- СПб., «Питер», 2008.- С. 292-296.

Бироқ социалистик демократия ўзига асос қилиб олган ижтимоий адолат жамиятнинг онгли, ўқимишли, ижтимоий ҳаёт қонуниятларидан хабардор қатламни, буржуазияни йўқ қилишга, уни синф сифатида тугатишга, бир синф, яъни пролетар демократиясини ўрнатишга қаратилди. Ижтимоий қатламлар, синфлар, гуруҳлар ўртасидаги фарқларни бўрттириб, уларни бир-бирини йўқ қилишга даъват этган демократияни англаш, тушуниш қийин. Миллий демократик тараққиёт бундай ёндашишни рад этади, ҳар қандай ижтимоий муносабатлар инсонни улуғлашга, унинг шаъни ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилиши зарур деб билади.

Шунингдек, мутлақ ижтимоий тенглик йўқ. Чунки кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларда, моддий ва маънавий бойликлар яратишдаги иштироки, қўшадиган ҳиссаси ва ниҳоят қобиляти, кўникмаси, фаоллиги ҳархилдир.¹ Шунинг учун ижтимоий адолат ҳамма учун баробар, тенг «мутлақ адолат» бўлиши мумкин эмас.² Социалистик демократия ушбу «мутлақ адолат» ни ўрнатмоқчи бўлди, бу эса уни юқоридагидек репрессив чора-тадбирлар кўришга, инсоннинг хусусий мулкка эга бўлиш хоҳишини, иқтисодий демократик ҳуқуқларини паймол қилишга олиб келди.

Миллий демократик тараққиёт эса инсоннинг хусусий мулкка эга бўлиш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда эркин ва фаол қатнашиш ҳуқуқини тиклайди. Меҳнат нафақат ижтимоий, шунингдек, хусусий мулк, бойлик яратиш манбаидир. Кишини ушбу стимулдан маҳрум қилиш уни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилиш демакдир; бундай кишида яратишга, қуришга, ишлашга қизиқиш бўлмайди.

Учинчиси шундаки, ўтиш даврини бошидан кечираётган барча давлатлар, халқлар бир томондан, ижтимоий ҳаётини демократлаштириш, либераллаштириш ва модернизациялашни кўзласа, иккинчи томондан, ўзининг тарихий-маданий анъаналарини, маълум бир сабаблар билан унутилган ёки четлаб ўтилган сиёсий, иқтисодий, диний-маънавий қадриятларини қайта тиклашга интилади. Баъзи тадқиқотчиларда бундай тажриба эътироз уйғотади, чунки традиционализм билан модернизацияни уйғунлаштириш қийин.³ Ҳақиқатан ҳам, ушбу ёндашишда эътироз уйғотадиган жиҳатлар мавжуд. Традиционализм жамиятни орқага тортмайдими? Жамиятни ўз анъаналари қобиғида яшашга олиб келмайдими? Модернизациялаш ижтимоий муносабатларни, ҳаётни мутлақ янги, замонавий усуллар ва технология асосида қайта қуриш бўлса, традиционализм бундай ўзгаришларга ғов бўлмайдими?

Ўтиш даврининг барча халқлар, давлатлар учун бир хилдек маъқул келадиган шаклини топиш, яратиш қийин. Бироқ, бизнинг фикримизча, ҳеч бир халқ, миллат ўзининг этномаданий ва этносоциал тажрибасидан воз кечган ҳолда, мутлақ янги, хатто у бошқа ўлкаларда, давлатларда ижобий натижаларга олиб келган, ижтимоий ҳаётини ўзгартирган бўлса-да, парадигмани тўла қабул қилолмайди. Эволюцион тараққиётга этномаданий ва этносоциал тажрибаларга таяниш орқалигина эришиш мумкин, демократия экспорт қилиш нафақат халқлар бошига кулфатлар келтиради, шунингдек, демократиянинг ўзини ҳам қадрсизлантиради.

Социалистик демократияда маълум бир ижобий томонлар мавжудлигини унутиб, рад этиб бўлмайди. Масалан, халқ вакилларининг таклифлари ижройи ҳокимият томонидан шу заҳоти эътиборга олинаиб, бажарилган. Депутатларнинг ташаббускорлиги, фаоллиги ватанпарварлик, халқпарварлик ва адолатпарварлик тимсоли сифатида кўпгина ёшларда ҳавас уйғотган, уларга ҳаёт йўлини танлашда ибрат, идеал бўлиб хизмат қилган. Ушбу ижобий жиҳатларни миллий демократик тараққиёт унутиши мумкин эмас.

¹ Қаранг: Хайек Ф.А. Общество свободных.- London,1990.- С.105-107.

² Қаранг: Гаджиев К.С. Политическая философия .- М.: «Экономика», 1999.-С.388.

³ Қаранг:Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию.- М.: АСПЕКТ-ПРЕСС, 1999.- С. 427-429.

Тўртинчиси ҳукукий давлат барпо этиш билан ҳокимиятни персонализациялаштириш анъанасининг юзага келаётганида кўзга ташланади.¹

Ўз пайтида Н.Макиавелли, янги давлат шаклланаётганда кучли шахсга, ҳукмдорга эҳтиёж сезилади, деган эди. Тоталитар тузумдан мустақил ривожланишга, айниқса сохта социалистик бошқаришдан ҳақиқий, миллий демократик давлат барпо этишга ўтиш кучли иродали, ислохотларни дадил амалга оширадиган ва ўз атрофига тараққийпарвар кучларни йиғиб, бирлаштириб, ижтимоий ҳаётни тараққиёт сари етаклайдиган сиёсий лидерга эҳтиёж пайдо бўлади. Кучли давлатсиз янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш ва янги демократик қадриятларни қарор топтириш мумкин бўлмаганидек, кучли сиёсий лидерсиз ҳам кучли давлатни тасаввур қилиш қийин. Демак, янги ижтимоий демократик тараққиёт қандай кучли давлатга эҳтиёж сезса, у кучли сиёсий лидерга ҳам шундай эҳтиёж сезади. Кучли давлат энг аввало кучли сиёсий лидер ёки лидерлар фаолиятида намоён бўлади.

Юқоридаги мулоҳаза ва фикрлардан маълум бўладики, Ўзбекистоннинг сохта социалистик демократиядан ҳақиқий, халқимизнинг этномаданий ва этносоциал анъаналари, тажрибаларига мос келадиган миллий демократик тараққиётга ўтиши объектив зарурият эди.

Мавзуга оид таянч иборалар:

умуминсоний демократия, социалистик демократия, буржуа демократияси, ҳукукий нигилизм, тоталитар бошқариш, сиёсий тизим, маъмурий бошқариш, транзитология

Назорат саволлари

1. Социалистик демократия ва буржуа демократиясини мазмун моҳиятини тушунтиринг.
2. Тоталитар бошқарув тизимини моҳиятини тушунтиринг.
3. Транзитология тушунчасини мазмунни айтиб беринг.
4. Ижтимоий тенглик ғоясини мазмунни ва бу тушунчага нисбатан турли ёндашувларни моҳиятини тушунтиринг.
5. Кучли сиёсий лидер ва кучли давлат тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тушунтиринг.

Мавзу юзасидан тестлар

1. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубини тарғиб этувчи ва юқоридан кўрсатма билан (директив) режалаштиришга ҳамда ресурсларни марказлаштирилган тартибда, ўзбошимчалик билан тақсимлашга асосланган хўжалик юритиш усули бу –?
а) Социалистик б) Капиталистик, в) Монархистик г) Республика
2. Шўролар ҳукумати ўзининг синфий концепциясига мувофиқ умуминсоний демократияни қандай турларга бўлади?
а) либерал демократия, б) социалистик демократия ва буржуа демократия, в) консоциал демократия, г) этатистик демократия
3. .Тоталитар тузумдан миллий тараққиётга ўтиш, илғор давлатларда қарор топган демократик бошқаришни жорий этиш қандай ном билан аталади? а) миллий демократия б) инфантил демократия, в) глобал демократия г) транзитология
4. Айрим, жамият ва давлат ишларини бошқаришдан хабардор кишилар бошқаруви қандай номланган?
а) монархия, б) аристократия, в) либерал демократия г) делегатив демократия

¹ Қаранг: Васович В. Переход к демократии в посткоммунистических странах (парадоксы перехода - демократизации) // Вестник . Моск. ун-та, 1998, №2.- С.31.

5- МАВЗУ: Ўзбек давлатчилиги: тарихи, назарияси ва қайта тикланиши

РЕЖА

а. Ўзбек давлатчилиги шаклланишига оид ёндашувларнинг мазмуни

б. Ўзбек давлатчилигининг қайта тикланиши

Президент И.А.Каримовнинг ўзбек давлатчилигини қайта тикланишдаги ўрни бекиёсдир. Буни ҳатто унинг мухоллифлари ҳам очик тан олишади. Аммо унинг ушбу бекиёс хизмати ҳали илмий, айниқса фалсафий-ҳуқуқий адабиётларда етарлича ёритилмаган.

“Ўзбекистон тарихида, – дейди мустақилликнинг илк кунларида Юртбошимиз И.А.Каримов, – янги давр бошланади. Биз мустақилликни қўлга киритиб, эндиликда уни мустаҳкамлаш ва шунинг асосида янги, адолатли жамият қуриш йўлига ўтдик. Тарих шуни кўрсатдики, истиқлолнинг қадри доимо баланд бўлган. Бугунги шароитимизни осон деб бўлмайди. Биз жуда катта қийинчиликларни бошдан кечирдик. Олдинда яна қанчадан-қанча синовлар турибди. Бугунги мураккаб вазиятда танлаб олинган ва азалий миллий манфаатларимизга, халқимизнинг табиатига, онгига маъқул бўлган йўлдан адашмаслик чоралари ҳақида, Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболга етиш йўли хусусиятлари тўғрисида гаплашиб олишимиз зарур деб ўйлайман”¹. “Ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозирда яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг ҳам тақдири, келажак авлодларнинг тақдири ҳам шунга боғлиқ бўлади. Республика танг ҳолатларни қай даражада тезроқ бартараф этиши, яққаҳокимлиқ тизимининг иллатларини батамом тугатиши, ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши шу нарса билан белгиланади. Биз ҳозир узок йўлнинг бошида турибмиз”². Шундай “мураккаб ва масъулиятли паллада” Юртбошимиз миллий мустақил давлатни шакллантириш учун ўзбек давлатчилигининг генезисини ўрганишни ва унинг шакл-шамойилини, тўлақонли ишлашини таъминлайдиган замонавий институтларини ҳамда механизмларини яратишни кун тартибига қўйди. Янги ўзбек давлати шўролар томонидан ташкил этилган, марказ амрини бажаришга қаратилган, миллий манфаатларидан узоқлаштирилган республикадан фарқ қилиши шарт эди. Янги ўзбек давлати ҳам моҳиятан, ҳам шаклан эски сиёсий тузумдан, институтдан фарқ қилиши керак эди.

Тарихий-археологик топилмалар кўрсатадики, Ўзбекистон ҳудудида илк одамлар милоддан 500-400 минг йиллар илгари пайдо бўлган. Тош даврига оид энг қадимий манбалар Тошкент вилоятидаги Кўлбулоқ макони ва Фарғона водийсидаги Селенгур қишлоғидан топилган³.

А.Сагдуллаевнинг ёзишича, ўрта тош (мезолит) ва янги тош (неолит) даврларида овчилик, балиқчилик, деҳқончилик юзага келди, натижада ўша даврлардан бошлаб “Марказий Осиё тарихида янги маданий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, пахса ва хом ғишт қурилишда ишлатилди, қишлоқларда бинокорлик ишлари, кўчалар, майдонлар, гузарлар барпо этиш, кўп хонали уйлар ва катта-катта иншоотлар қуриш ишлари амалга оширилди. Суғорма деҳқончилик вужудга келиб ариқлар очилди, унумдор ерлардан кенг фойдаланиб турли ўсимликлар (арпа, буғдой, жавдар) экилди, сабзавот экинлари етиштириш ва мевачилик ривожланди, кулолчилик ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. - 200 б.

² Ўша асар. – 39 б.

³ Қаранг: Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларида. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –56.

темирчилик вужудга келди, заргарлик, тўқувчилик, йигириш ҳамда тўқимачилик ривожланди”¹. Бу ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мулкый муносабатларнинг келиб чиқишини, сиёсий институтларнинг пайдо бўлишини тезлаштирган. Ота уруғи – патриархат даврида “уруғ жамияти ичида мулкый табақаланиш жараёни бошланади. Кулолчилик ва темирчилик буюмлари айирбошлаш савдо маҳсулотига айланади. Баъзи оилаларнинг қўлларида хунармандчилик буюмлари, дон ва чорва молларидан иборат бойлик тўплана боради. Шу жараёнларнинг ўсиб бориши ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида шаҳар ва давлатлар пайдо бўлади”². А.Сагдуллаевнинг қайд этишича, ўлкамиздаги халқларнинг ижтимоий-сиёсий бирлик сифатида ажралиши, вилоятларнинг маъмурий, ҳудудий чегараланиши аҳмонийлардан анча олдинги даврларда рўй берган³.

Мазкур фикрларга Геродот Страбон, Периэгит, Александрийский, Элиан, Эфор, Диодор, Курций Руф, Арман ва Я.Ғуломов, В.М.Массон, Е.А.Мончадская, И.В.Пьянков, Э.В.Ртвеладзе, Исо Жабборов каби олимлар ўрганган тарихий-археологик манбалар⁴ асос қилиб олинган. Бироқ европоцентризмга мойил тарихчилар, мутахассислар ўзбек давлатчилигини XV асрнинг 20-йилларида Дашти Қипчоқнинг Шарқий ҳудудларида ташкил топган кўчманчи ўзбеклар давлати билан чегаралайдилар. Натижада, ўзбек давлатчилиги ҳақида ва ўзбек халқининг шаклланиши, генезиси ҳақида ҳам тарихий ҳақиқатга тўғри келмайдиган, нотўғри қараш юзага келган⁵.

Ўзбек давлатчилигини махсус тадқиқ этган А.Зиё тарихимизга нотўғри ёндашиш сабабларини европоцентризм, ўлкамизни Чор Россияси томонидан босиб олиниши билан боғлиқ “буюк давлатчилик шовинизми” ва коммунистик мафкуранинг тазйиқи ва миллий халқлар ўтмишининг сохталаштирилиши билан боғлайди⁶. У коммунистик мафкуранинг давлат феноменига синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилганини танқид қилиб ёзади: “Давлатчилик тараққиёт ва босқичларига ҳам баҳо беришда синфийликдан келиб чиқилган, яъни “қулдорлик” давлати, “феодал” давлат, “капиталистик” давлат, “социалистик” давлат. Коммунизмга бориб эса давлат деган тушунча гўё йўқолиб кетади. Хуллас, бундай қарашларда ҳамма нарса бор, аммо энг асосийси, давлатчиликнинг манбаи халқ эканлиги тушунчаси йўқ. Натижада ўзбек давлатчилиги милоддан аввалги VII асрдаёқ қарор топган бўлсада, аммо марксизм-ленинизм таълимоти бўйича юртимиздаги ижтимоий-сиёсий тузум мелодий VI асрга қадар қулдорлик, 1924 йилга қадар феодал, 1991 йилгача эса социалистик мазмунга эга бўлиб келганлиги совет тарихшунослигида доимо уқтириб борилган”⁷. Ушбу негатив ҳолни, сохта ёндашишни бартараф этиш учун янги тарихий тафаккур зарур эди. Ўзбек давлатчилигига объектив ёндашмай, европоцентризм ва шовинизмни миллий демократик тараққиёт концепцияси билан

¹ Ўша асар. –8 б.

² Ўша асар. –5 б.

³ Ўша асар. –11. б.

⁴ Қаранг: Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. – III в. н.э.) Хрестоматия. –Т.: Госиздат, 1940; Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. –Т.: Ўздаврнашр, 1959; Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. –М.-Л.: Госиздат, 1964; Мончадская Е.А. О правителях Бактрии и Согдианы VI-IV вв. до н.э. –М., 1961; Ртвеладзе Э.В. Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси. –Т.: Адолат, 2001; Жабборов Исо. Антик маданият ва маънавият хазинаси. –Т.: Ўзбекистон, 1999 ва б.

⁵ Мазкур муаммо Б.Аҳмедовнинг “Ўзбек улуси” тадқиқотида батафсил муҳокама қилинган, “Ўзбек давлати”, “Ўзбек” атамалари этиологияси ва генезиси борасида зарур маълумотлар берилган. Қаранг: Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1992.

⁶ Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш масалаларига доир // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2. –Т.: “Шарқ”, 1999. –6-8 б.

⁷ Ўша асар –9 б.

алмаштирмай, хуллас, мустақил Ўзбекистон Республикаси куруқ ерда пайдо бўлмаганини, ўзбек халқи бой давлатчилик тарихига ва ижтимоий-сиёсий тажрибасига эга эканини очиб бермай янги давлат қуриш амри маҳол эди. Шунинг учун гап европоцентризм ва шовинизмни танқид қилишдангина иборат эмас, тарихий ҳақиқатни билиш янги жамият барпо этиш учун лозим эди. Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг ушбу қонуниятини тўғри ва ўз вақтида илғаган И.А.Каримов халқимизни, миллатимизни ҳаққоний тарихимиз билан қуроллантириш концепциясини ишлаб чиқди. Бу ўринда энг аввало унинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарига мурожаат этиш лозим.

Мазкур асарда ўзбек халқининг тарихий ўтмишини, маънавиятини, давлатчилигини ўрганишга қаратилган яхлит илмий концепция ишлаб чиқирилиши зарурлиги қайд этилади. Шу мақсадда Юртбошимиз тарихчи олимларга, ижод аҳлига мурожаат этади: “бир савол туғилади: давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз керакми-йўқми? Яъни, юртимизда фаол меҳнат қилаётган мухтарам академиклар, олимлар, адиблар, ноширлар, авваламбор тарихчиларимиз биргалашиб, мана шу саволларга жавоб топиши керакми-йўқми?...”¹

Халқ тарихининг, давлатчилигининг яхлит концепциясини яратиш объектив заруриятдир. Халқ, миллат янги жамият яратишни мақсад қилиб кўяр экан ўзининг ижтимоий-сиёсий ва тарихий-маданий тажрибаларига мурожаат этиши, улардаги позитив жиҳатлардан ибрат, андоза олиши табиийдир. Машҳур тарихчи ва файласуф А.Тойнби таъкидлаганидек, “тарихий фактлар ушбу фактларга бўлган қизиқишни қондириш учун эмас, балки охир натижада ижод учун ўрганилади”². Бу ўринда “ижод” сўзини кенг “ижтимоий ижод” маъносида талқин қилиш лозим. Демак, ўзбек халқи янги жамият қуришга киришган, “ижтимоий ижод” билан шуғулланишга аҳд қилган экан ўзининг этномаданий, этносоциал ва этносиёсий тажрибасига мурожаат қилади. Чунки, “Ўтмиш уни англагангагина хизмат қилади, келажак эса унинг ҳақиқий бунёдкоригагина тегишлидир”³. Шунинг учун ҳам тарихчилар олдидаги вазифа “давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир”.

Ушбу фундаментал аҳамиятга эга фикр тарихчиларимиз ва бутун ижод аҳлини халқимиз ўтмишига, унинг ижтимоий-сиёсий тажрибасига, айниқса эр.авв. II-I мингинчи йилликлардаги Бактрия, Суғдиёна, Хоразм давлатлари тарихини, Амир Темурнинг марказлашган кучли давлат ташкил этишига оид эътиборли илмий тадқиқотлар олиб боришга ундади. Бу борада Б.Аҳмедов, А.Асқаров, Э.В.Ртвеладзе, Т.Маҳмудов, А.Х.Саидов, Ҳ.Б.Бобоев, И.Жаббаров, А.Отахўжаев, Р.Муқминова, С.Ҳасанов, Ш.Ўлжаева, А.Зиё, Т.Каримов каби тадқиқотчиларнинг изланишларини⁴ эслаш мумкин.

И.А.Каримов ўзбек давлатчилиги тарихи тўғрисида гап кетганда энг аввало “Авесто”ни, ушбу ўлмас асарда илгари сурилган ғояларни эсга олади. Бу бежиз эмас, чунки “Авесто” мўътабар, қадимги қўлёзмамиз сифатида XXX аср муқаддам ўлкамизда

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999. –133 б.

² Тойнби А.Дж. Постигение истории. Сборник. –М.: Прогресс, 1991. –С.634.

³ Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Тушунча, моҳият ва сиёсат. –Т.: “Маънавият”, 1999. –22 б.

⁴ Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1992; Уники. Амир Темур. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1998; Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси. – Т.: Адолат, 2001; Асқаров А. Амир Темур ва Хоразм. –Т.: Ўзбекистон, 1996; Бобоев Ҳ.Б. Амир Темур ва теурийлар салтанати. –Т.: Камалак, 1996; Жаббаров И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. –Т.: Ўзбекистон, 1999; Муқминова Р. Ўзбек давлатчилиги тарихига оид айрим маълумотлар. –Т.: Шарқ, 1999; Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. –Т.: Адолат, 2001 ва б.

“буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик беради”¹. У Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган деб ташвиқот қилувчи Ғарб адибларига қарата дейди: “...Бирон-бир хорижий журналистнинг, умуман Ғарб адибларининг “Авесто”ни эслашганини билмайман. Хулоса шуки, олис-олис жойларда халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми сохта, ғайри илмийдир”². Ҳақиқатан ҳам Ҳ.Б.Бобоев ва С.Ҳасановларнинг қайд этишича, “Авесто”да ўлкамизда ўн олтита давлат – Сўғд, Хоразм, Балх, Нисол, Ҳирот, Парфия, Ийрон-Виж, Ванта Гирта, Аврава, Хнинта, Хараваята, Ҳийрманд, Рай, Чапра, Варина, Ҳафтруд, Панжоб ёки Еттисув бўлгани тилга олинади³. Ушбу манбанинг ўзи ўзбек давлатчилигининг негизи қаерга ва қандай бой ижтимоий-сиёсий тажрибага бориб тақалишидан гувоҳ беради.

Юртбошимиз давлатчилигимизнинг асосини яратишда жаҳон тарихига, айниқса креатологиясига бекиёс ҳисса қўшган буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темурнинг номини ва у қолдирган тарихий-маданий меросни алоҳида қайд этади. У Амир Темурни, комил инсон, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган шахс, деб атайди. Шунинг учун у, “давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат номуси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз”⁴.

Махсус тадқиқотлар кўрсатадики, Амир Темур бир ярим аср давомида мўғуллар зулмидан ҳолдан тойган, пароканда юртда озодлик байроғини кўтариб, тарқоқ Мовароуннаҳрни бирлаштирди ва қисқа вақтда йигирма етти давлатни ўз ичига олган улкан салтанат тузди... Қисқа вақт ичида Мовароуннаҳрни катта салтанатга айлантиришнинг ўзиёқ миллат тарихимиздаги энг катта бурилишини бошлаб берди. Амир Темур нафақат буюк давлат тузди, у аввало қонунлар ва адолатга асосланган давлат бошқарув асосларини қуриб, унинг яхлитлигини сақлаш билан бирга кучли мудофаа тизимини яратди... Ягона макон ғояларини илгари сурди”⁵.

Ҳукуматимизнинг 1994 йил 29 декабрда “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”, 1995 йил 26 декабрдаги “1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиши тўғрисида”ги қарорлари, 1996 йил мартада “Темурийлар тарихи” давлат музейини ва “Амир Темур” орденини таъсис этиш тўғрисидаги фармонлари нафақат буюк бобомиз хотирасини улуғлаш, худди шунингдек, унинг образи, ҳаёти ва фаолияти орқали ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, кучли давлат барпо этиш, адолатли жамиятни шакллантириш қаратилган ҳамдир. Соҳибқироннинг давлатчиликка оид қарашларини, бошқариш усулларини, марказлашган идорани маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ишлари билан уйғунлаштириш борасидаги сиёсий тажрибаларини кенг ўрганиш йўлга қўйилдики, улар⁶ И.А.Каримов давлат асосларини яратиш мамлакатимизда

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. —: Ўзбекистон, 1999. — 138 б.

² Ўша жойда.

³ Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. —Т.: Адолат, 2001. —48-51 б.

⁴ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. —Т.: Ўзбекистон, 1999. — 142 б.

⁵ Ўлжаева Ш. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. —Т.: Фан, 2005. —4 б.

⁶ Қаранг: Азамат Зиё. Амир Темур даврида давлат бошқаруви. —Т.: Ўзбекистон, 1996; Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. —Т.: Ўзбекистон, 1996; Азимов Э. Амир Темур салтанати. —Т., 1996; Каримов С.К. Амир Темур: дин ва тасаввуф. —Т.: Фан, 1997; Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой науки. —Т.: Мир, экономика и право, 1999; Муқимов З.Ю. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). I-қисм. —Самарқанд, 1998; Мухаммаджанов А.Р. Темур ва темурийлар салтанати.

яшовчи турли миллатларни, халқларни бирлаштиришга, марказлашган бошқариш билан маҳаллий бошқаришни уйғунлаштиришга бевосита боғлиқ эканини жуда яхши билади. Унинг бирорта асари ёки маърузаси йўқки, унда аҳилликка, биродарликка, мустақилликни мустаҳкамлашга даъват этилмаган бўлсин. У ўзбек давлатчилиги тарихига назар ташлаганда ҳам ушбу ғоядан келиб чиқади. Бу ўринда уни Хўжа Аҳрор ва ислом дини, буюк алломалар, фикшшунослар ҳақидаги фикрларини келтириш мумкин. Аслида бу халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий-маданий тажрибасини, улардаги позитив жиҳатларни мустақил давлат қуришга проекция қилиш, яъни йўналтиришга интилишдир.

“Яқинда телевидениеда, – дейди Президентимиз, – Хожа Аҳрор Вали ҳақида кўрсатув берилди. Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. “Шайхлар шайхи” деб ном олган бу улуг зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шахзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аجدодларимизни бошимизга кўтаришга тайёرمىз”¹.

Жамият бир босқичдан иккинчи, айниқса мутлақ янги, қарама-қарши парадигмага асосланган босқичга ўтаётганида, ижтимоий-иқтисодий инқирозлар ва сиёсий, маънавий иккиланиш одатий ҳол бўлганида кишиларни, халқларни бирлаштириш кечиктириб бўлмайдиган бош вазифага айланади. Миллий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган позитив тажрибалар ва изланишларга эҳтиёж уйғонади. Хожа Аҳрор Вали ҳаёти ва фаолияти халққа, ватанга, маънавий гўзаликка интилиш ва хизмат қилиш тимсоли сифатида ўз даврида буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва Бобур юқори баҳоланганлар. Хожа Аҳрорнинг биргина Самарқанд вилоятида 35 минг, Қарши воҳасида 28 минг гектар ери ва миллионлаб чорваси бўлгани ҳолда ўзи жуда камтар яшаган, топган нарсаларини муҳтож халққа сарфлаган. Ўз ҳисобига у Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Қобул каби шаҳарларда мадраса ва мачитлар қурдирган. Унинг сўзларига, халқнинг оғирлигини енгиллаштириш ва ўзаро низоларни тўхтатиш ҳақидаги даъватларига нафақат Мовароуннаҳр, шунингдек Мисрдан то Хитой ва Ҳиндистон ҳукмдорларигача кулоқ тутган².

И.А.Каримов тарих фани ва сиёсат чамбарчас боғлиқлигини уқтириб, ушбу қонуниятни унутиш миллий тараққиётга хизмат қилмаслигини, давлатимизни бошқа сиёсий кучлар тазйиқига тушиб қолиши мумкинлиги қайд этади. Чунки тарих фани шунчаки қизиқиш маҳсули эмас, у охир натижада кишиларда ўзлигини англаш, халқи тарихини яхши билиш, ташқи мафкуравий ҳужумдан миллий истиқлол ғоясини, миллий демократик тараққиёт мақсадини ҳимоя қилишга ўргатади. “Тарих тарих учун” даъвати “санъат санъат учун” даъвати каби бемаънидир, ҳар қандай билим, илмий тафаккур, айниқса тарихий илм ва тафаккур борлиқни объектив ўрганиш, кишида ҳаёт, ўтмиш, жамият тараққиёти ҳақида тўғри хулоса чиқариш кўникмасини шакллантириши лозим³. “Зеро, фан, – дейди Президентимиз, – масалан, тарих фани ўз йўлига, сиёсат ўз йўлига, уларнинг бир-бирига алоқаси йўқ, дегувчилар ҳам топилади. Ўйлаб кўрайлик, тарих фани маҳсули – унинг хулосаларидан аввало ким фойдаланади? Сиёсатчилар эмасми? Ўз сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини кўтариш учун улар тарих фани хулосаларига мурожаат этади... Фан давлатга, халққа,

–Т.: Фан, 1996; Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 2001 ва б.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –148 б.

² Қаранг: Березиков Е. Святке лики Туркестана. –Т.: Камалак, 1992. –С. 132-135.

³ Қаранг: Тойнби А.Дж. Пережитое. Мои встречи. –М.: Айрис-Пресс, 2003. С.130-141.

жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳақимиз йўқ”¹. Демак, ҳар бир сиёсатчи, жамият ва давлат ишларини бошқариш билан шуғулланадиган киши, ижтимоий тараққиёт масалалари билан қизиқувчи фуқаро ўз давлатининг, халқининг тарихини билиши шарт. Чунки ижтимоий-сиёсий ва тарихий-маданий тажрибадан яхши хабардор киши, сиёсатчи халқи манфаатларини тўғри англайди, ижтимоий тараққиёт қонунларига амал қилади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, жамият ва давлатни бошқаришда уч омил муҳим роль ўйнайди, улар – ҳокимият, мулк, ғоядир².

“Ҳокимият – одамларни бўйсундириш ва улар устидан ҳукмронлик қилиш муносабатларидир. Бироқ, унинг бўлиши объектив заруриятдир, шунинг учун ҳам кўпинча ижобий тусга эга бўлади. Чунки, жамиятни барқарорлаштириш, унинг ташкилий уюшқоқлигини таъминлашга хизмат қилади”³. Албатта, ҳеч бир уюшма, кишилар бирлиги ташкилотчисиз, ядросиз узоқ яшай олмайди, шундай кучга эга бўлмаган уюшма тезда тарқаб кетади. Жамият, айниқса ўтиш даврида ана шундай ташкилотчи, ядрога ўта муҳтож бўлади. Ижтимоий тараққиётнинг ушбу талабини тўғри англаган Юртбошимиз ёзади: “Айни замонда, агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эрklarини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини қучайтиришни тақозо этади”⁴.

Ўзбекистон президентлик бошқарувига асосланган давлатдир. Кучли президентлик ва ижроия ҳокимиятининг зарурлиги, М.Мирхамидов кўрсатганидек: а) халқ ўзининг орзу тилақларини давлат билан боғлаши ва унинг кишилар манфаатларига хизмат қилишига ишониши; б) тоталитар тузумдан ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш хусусиятлари; в) бозор иқтисодиётига ўтишни жамиятда барқарорликни таъминлаш зарурияти билан боғлиқлиги; д) халқимизнинг менталитети, демографик хусусиятлари, ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги; жамиятни эволюцион ривожланишга мойиллиги кабилар билан боғлиқдир⁵.

“Айни пайтда, ҳокимият салбий хусусиятларни ҳам ўзида мужассамлаштириши мумкин. Зеро, унинг табиатида ўз-ўзини ўстириб бориш, қатъий марказлаша бориш ва ҳатто зўравонликка интилиш майллари бўлади”⁶. Шундай салбий ҳоллар маҳаллий ҳокимият органларида тез-тез кўзга ташланиб туради. Бу масала тез ва адолатли ҳал этилишини талаб қилгани учун Президентимиз томонидан муносиб қораланиб келинади. Масалан, унинг 1993 йил 3 апрелда Жиззах, 1993 йил 13 апрелда Сурхандарё, 1995 йил 21 ноябрда Самарқанд, 1995 йил 29 ноябрда Қашқадарё, 1996 йил 16 мартда Хоразм вилоятлари депутатлари кенгашларида билдирган эътироз ва фикрларини эсга олиш мумкин. Мазкур вилоятларда раҳбар ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, уқувсизлиги, халқ манфаатларини менсимаслиги каби иллатлар сабабли бошқариш ишлари яхши олиб борилмади, давлат маблағаларини талон-тарож қилиш, уруғчиликни қўллаб-қувватлаш, кишиларнинг шикоят ва аризаларини тингламаслик, ислохотларга турли тўсиқлар уюштириш ҳоллари учраган. Шунинг учун ҳам Президент уларда қатъий чоралар кўришга мажбур бўлди. Агар ушбу иллатларга чек қўйилмаганида улар янада

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –150 б.

² Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: ТДЮИ, 2000. –40 б.

³ Ўша жойда.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –15 б.

⁵ Мирхамидов М. Институт президента Республики Узбекистан. –Т., 2007. –С.26-28.

⁶ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: ТДЮИ, 2000. –40 б.

чукур илдиз отарди. Натижада кишиларнинг янги давлатга, у амалга ошираётган ислохотларга ишончи қолмасди.

“Мулк – нарсаларга бўлган муносабат, нарсалар устидан ҳукмронликдир. Бирок, мулк хусусий бўлганидагина жамият учун биринчи даражали аҳамият касб этади”¹.

Бу ўринда шуни айтишимиз мумкин, И.А.Каримов мулкчилик шакллари ривожлантиришни иқтисодий ислохотлардан кўзлаётган бош мақсадлардан бири деб билади. У иқтисодий ислохотлар ҳақида тўхталиб таъкидлайди: “Мулкчиликнинг барча шакллари эрк берилади, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка кенг йўл очилади”². Ушбу ўзгаришлар пировард натижада иқтисодий демократияни қарор топтиришга ва халқнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга олиб келади.

Ғоя жамиятни бирлаштириш, кишиларнинг онги ва қалбини маълум бир идеаллар билан тўлдиришга хизмат қилади. Президентимиз дейди: “Миллий ғоя, миллий ифтихор машақатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат кўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат кураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилади.

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади”³. миллий ғоядаги ушбу позитив куч, қувват давлатчиликни мустаҳкамлашга, кишилар қалбида миллий демократик тараққиётга ишонч уйғотади. И.А.Каримов илгари сурган Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш миллий ғоямизнинг бош мақсади сифатида ижтимоий тараққиёт қонунлари ва талабларига мувофиқдир.

Мавзуга оид таянч иборалар:

1. Ўзбек давлатчилиги генезиси, европоцентризм, буюк давлатчилик шовинизми, этносиёсий жараёнлар, ҳокимият, Президентлик бошқаруви, халқ менталитети, жамиятнинг эволюцион ривожланиши, миллий ғоя.

Назорат саволлари

1. Миллий мустақил давлатни шакллантириш, ўзбек давлатчилигининг генезисини ўрганиш борасидаги Президент И. Каримовнинг фикрларини мазмунини тушунтиринг.
2. Ўзбекистон ҳудудида илк одамлар пайдо бўлган давр ва маконлар, турмуш ва ҳўжалик тарзи, маданияти ҳақидаги фикрларингизни ифодаланг.
3. Европоцентризмга мойил тарихчилар, мутахассислар ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ҳақидаги фикрларининг мазмун моҳиятини тушунтиринг.
4. Давлатчилигимиз асосларини яратишдаги Амир Темурнинг ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги ҳақидаги фикрларингизни ифодаланг.

Мавзу юзасидан тестлар

1. Пахса ва хом ғишт қурилишда ишлатилди, қишлоқларда бинокорлик ишлари, кўчалар, майдонлар, гузарлар барпо этиш, кўп хонали уйлар ва катта-катта иншоотлар қуриш ишлари амалга оширилди. Суғорма деҳқончилик вужудга келиб ариқлар очилди, унумдор ерлардан кенг фойдаланиб турли ўсимликлар (арпа, буғдой, жавдар) экилди, сабзавот экинлари етиштириш ва мевачилик ривожланди, кулолчилик ва темирчилик вужудга келди, заргарлик, тўқувчилик, йигириш ҳамда тўқимачилик ривожланди. Мазкур жараёнлар қайси даврда амалга ошган?

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: ТДЮИ, 2000. –42 б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –23 б.

³ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –92 б.

а) Палеолит даврида б) бронза даврида в) ўрта тош (мезолит) ва янги тош (неолит) г) темир даврида

2. Уруғ жамияти ичида мулкий табақаланиш жараёни бошланади. Кулолчилик ва темирчилик буюмлари айирбошлаш савдо маҳсулотига айланади. Баъзи оилаларнинг қўлларида ҳунармандчилик буюмлари, дон ва чорва молларидан иборат бойлик тўплана боради. Шу жараёнларнинг ўсиб бориши ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида шаҳар ва давлатлар пайдо бўлиш жараёнлари қайси даврдан бошланди?

а) Ота уруғи – патриархат даврида б) Она уруғи – матриархат даврида
в) Сўнги палеолит даврида г) Мезолит даврида.

3. Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, “Шайхлар шайхи” деб ном олган шахс ким?

а) Нажмиддин Кубро, б) Баховуддин Нақшбандий, в) Хўжа Ахрор Вали. г) Нажмиддин Кулол.

4 “Тарих тарих учун” даъвати, “санъат санъат учун” даъвати каби бемаънидир, ҳар қандай билим, илмий тафаккур, айниқса тарихий илм ва тафаккур борлиқни объектив ўрганиш, кишида ҳаёт, ўтмиш, жамият тараққиёти ҳақида тўғри хулоса чиқариш кўникмасини шакллантириши лозим.- деган фикрлар қуйида келтирилган қайси шахсга тегишли?

а) Ислон Каримов, б) Арнольд Тойнби, в) А.Смит г) К. Шумпетер.

6-МАВЗУ: Ўзбекистон Конституциявий давлат яратилиши: фалсафий-ҳуқуқий таҳлил

РЕЖА

- 1. Демократия ва Конституция: уйғунлик ва зиддиятлар**
- 2. Демократия ва Конституционализм**

Фалсафий-ҳуқуқий таълимотларда демократия ва конституция уйғунликда қаралади, давлатнинг вазифаси эса ушбу уйғунликни, қабул қилинадиган қарорлар, қонунлар ва режаларда халқ манфаатларининг ифода этилишига эришишни

таъминлашдан иборатдир¹. Демократия ва конституциянинг уйғунлиги йўқ жойда ижтимоий тараққиёт ҳақида сўз юритиш қийин, чунки умуминсоний демократия миллий конституцияларнинг шаклланишига қандай таъсир қилса, миллий конституциялар ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашга, халқнинг қонунлар қабул қилиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокига эришишга шундай замин яратади.

Шу билан бирга сиёсий-фалсафий адабиётларда демократия ва конституционализм ўртасида маълум бир зиддиятлар борлиги, агар давлат бошқаришида улар ҳисобга олинмаса, ғайридемократик ҳоллар юзага келиши, охир натижада жамиятда сохта демократик қарашлар, кадриятлар шаклланиши қайд этилади². Демократик тараққиётнинг мураккаб, зиддиятли шаклланишини, мавжуд қарама-қаршиликларини ўз пайтида илғаб, уларни конструктив воқеликка айлантиришни таъминлаш учун ушбу муаммолардан хабардор бўлиш даркор.

Демократия, мумтоз таърифга кўра, халқ ҳокимиятчилигидир, аммо конституцион тартиб давлатни, ҳокимиятни аниқ шахслар бошқаришини тақозо этади. Қабул қилинадиган қарорлар, режалар, дастурлар ва уларнинг бажарилиши учун аниқ шахслар жавобгардир. Ҳокимият учун жавобгарлик ушбу шахс хатти-ҳаракатларини персонализациялаштиради, халқ эса қабул қилинган қарорлар, режалар, дастурлар учун жавоб бермайди. Тўғри, халқ мазкур хатти-ҳаракатларда иштирок этади, лекин у уларнинг бажарилиши учун жавобгар эмас. Бизнинг фикримизча, бу ўринда демократия ва конституционализмни бир-бирига қарама-қарши воқелик сифатида эмас, балки жамият ва давлатни бошқариш талабларига мос келувчи бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирини қўллаб-қувватловчи ҳодисалар сифатида қараш тўғридир.

Демократия барчанинг иқтисодий ҳаётда тенг ҳуқуқли иштирок қилишини, хусусий мулкка эга бўлишини назарда тутати. Бозор демократиясида қатнашиш ҳар бир шахснинг ҳуқуқидир. Аммо конституция ҳаммага ҳам бундай ҳуқуқ бермайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддасига мувофиқ “Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин эмас”³.

Демократик тамойилга кўра, жамиятнинг ҳар бир аъзоси жамият ва давлат ишларини бошқаришда эркин иштирок этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ сайловда 18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга⁴. Шунингдек, Конституциянинг 77-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши учун фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш йил муқим яшаётган ва сайлов куни йигирма бешга тўлган бўлиши лозим⁵. 90-моддада эса “Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас”, деб кўрсатилган⁶. Агар шахс 14 ёшдан меҳнат қилиш ва иқтисодий демократик жараёнларида қатнашиш, 16 ёшдан фуқаролик ҳуқуқига эга бўлса, унинг сайловда қатнашишини 18 ва 35 ёшда қилиб

¹ Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т.1. –М.: Юристъ, 1993. –С.177.

² Қаранг: Wolin S.S. The Presence of the Past. Essays on the State and the Constitution. – Baltimore, 1990; Лэйн Я.Э. Демократия и конституционализм //Полис, 1998, №10. –С.32-42.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. –23 б.

⁴ Ўша асар. –32 б.

⁵ Ўша асар. –15 б.

⁶ Ўша асар. –22 б.

белгилаш ўринлими? Бир ҳудудда 5-10 йил яшаётганлигидан келиб чиқишни демократик тамойилларга мос келади дейиш қийин. Бундан ташқари Президентликни икки муддат билан чегаралаб қўйиш ҳам демократик тамойиллар нуқтаи назаридан саволлар уйғотади. АҚШда Т.Рузвельд президентликка уч марта сайланган, ваҳоланки, АҚШ Конституциясига кўра у икки марта сайланиши мумкин эди. Республикамиз аҳолиси И.А.Каримовнинг ҳам учинчи муддатга ваколатини чўзишга овоз берди. Бизнинг фикримизча, агар халқ қўллаб-қувватласа, олиб бораётган сиёсий фаолиятини демократик тараққиёт талабларига мос келади деб билса, президентлик муддатини чегаралаш лозимми? Ахир сайлаш-сайламаслик халқ хоҳиши, иродаси эмасми? Агар президентликка даъвогарнинг соғлиги лавозимни керакли савияда олиб боришга монелик қилмаса, икки-уч муддат қўйилиши зарурми? Шунини алоҳида қайд этишимиз зарурки, давлат бошлиғининг алмаштирилиши жамиятда, бошқариш ишларида безовталиқ, иккиланиш, ҳатто баъзи деструктив кучларда ҳокимият алмашишидан фойдаланиб қолиш истагини кучайтиради. Бундан халқ ҳам безовта бўлади. Президентнинг узоқ, муқим фаолият кўрсатиши ижтимоий ҳаётда барқарорликни, кишилардаги келажакка умидни мустаҳкамлайди. Ушбу ижтимоий-руҳий ва сиёсий омил ўтиш даври учун муқим аҳамиятга эгадир.

Бизнинг фикримизча, демократиядаги “мутлак”қа интилишни конституция, қонунлар ёрдамида чеклаш ижтимоий тараққиёт талабидир. Конституционализмдан энг аввало демократиянинг ўзи ютади, қонунлар демократик кадриятларни ижтимоий ҳаётдан чуқур жой олишига ёрдам беради, барчани бир-бирининг инсоний ҳуқуқларини ҳурмат қилишга ўргатади ва охир натижада эса демократиянинг ҳаёт тарзига айланишига ёрдам беради. Я.Э.Лэйннинг таъкидлашича, конституциявий давлат ижтимоий қарорларнинг барқарорлигини таъминловчи иммунитет (қайта кўриб чиқилмайдиган, ўзгартирилмайдиган, “юридик догма”га айланган қонунлар мажмуаси) ва инерция (қонунларни қабул қилишда кўпчиликнинг, масалан қуйи ва юқори палаталар, халқ муҳокамаси, президент тасдиғи ва б.) механизмларига эга бўлгани учун демократияни тор доираларга тааллуқли воқеликка айланишига йўл қўймайди¹. Кучли давлат ушбу механизмлардан кенг фойдаланади, заиф давлатда инерция механизми кўпроқ амал қилади, бу эса жамиятда беқарорликни, сиёсий кучлар ўртасида, масалан, Россия, Тожикистон ва Қирғизистондагидек, ҳокимият учун курашни авж олдиради. Эсада тутиш лозимки, конституцион давлатлар ва конституциялар демократик давлатлар ва демократик кадриятлардан олдин пайдо бўлган, уларда ижтимоий демократик тараққиётга хизмат қиладиган позитив жиҳатлар кўп. Шунинг учун “конституцион давлат демократик бўлиши лозим бўлганидек”², демократик давлат ҳам конституциявий бўлиши керак. Аммо демократиянинг “мутлак”қа интилиши конституционализмни мудом изланишлар олиб боришга ундашини унутиб бўлмайди.

Мустақил Ўзбекистон давлат тизимининг асосларини яратиш “узоқ ва мураккаб иш эди. Унга охириги йиллардаги конституцион тажриба асос қилиб олинди. Аста-секин тажрибада синаб кўриш орқали ҳаракатдаги конституцион институтлар (Президент, ҳокимлар, Конституцион назорат қўмитаси ва бошқалар) ташкил этилди”³.

Янги Конституция яратиш ғояси Олий Советнинг 1990 йил мартдаги ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясида тилга олинганди. Академик Ш.З.Ўразаевнинг ёзишича: “Ўша пайтда мустақил давлатнинг биринчи Конституциясини яратиш зарурлиги ҳали кўпчиликнинг ҳаёлига келмаганди”⁴. 1990 йил июнида Республика Олий Совети ўзининг

¹ Лэйн Я.Э. Демократия ва конституционализм. //Полис, 1998, №10. –С.45.

² Лэйн Я. Э. Демократия ва конституционализм// Полис , 1998. №10 – С. 45

³ Мирхамидов М. Государственнқй суверенитет и становление современной узбекской национальной правовой государственности. –Т.: Фан, 1994. –С.19.

⁴ Уразаев Ш. Как создавалась Конституция независимого Узбекистана //Человек и демократия, 1992, №1. –С.4-5.

иккинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов раҳбарлигидаги Конституция комиссиясини ташкил этиб мамлакатимизда конституциявий демократик давлат куришга қадам ташлади. Аслида, деб ёзади М.Мирхамидов, Ўзбекистонда конституцион давлат куришга киришиш анча олдин, яъни Ўзбекистон Олий Советининг ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясида республика Президенти лавозимини жорий этиш ва унинг конституциявий-ҳуқуқий статусини белгилаб беришга қаратилган норматив ҳужжатлар қабул қилиш билан бошланган эди. Ушбу қадам кетидан ижроия ҳокимиятини, маъмурий идораларини, Вазирлар Маҳкамасини қайта тузиш, вилоят ва туманларда ҳоким лавозимларини жорий этиш каби янгиликлар амалга оширилди¹. 1991 йил 31 августда эса Ўзбекистон мустақил Республика деб эълон қилинди ва ушбу мустақилликни қонуний тарзда мустаҳкамловчи Конституцион қонун қабул қилинди.

Турли ёндашувлар ва лойиҳалар қиёслангач, улардаги миллий демократик тараққиёт талабларига мос келувчи жиҳатлар умумлаштирилгач Конституция лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ушбу муҳокама жараёнида халқдан 6 мингдан зиёд таклиф ва мулоҳазалар тушди. 1992 йил 8 декабрда Республика Олий Совети мустақил давлатимизнинг янги Конституциясини қабул қилди. Энг муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ўзбек халқининг мустақилликка эришганини юридик мустаҳкамлаб демократик ҳуқуқий давлат куриш, мамлакатимизни илғор маданиятли давлатлар даражасига кўтаришнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асосларини белгилаб берди². Шунинг учун ҳам Ўзбекистон янги Конституциясини қабул қилиши орқали “ўз ҳаётини рационал ташкил этишга биринчи қадам ташлади”³.

Конституциямизнинг яратилиши тарихи, И.А.Каримовнинг қўшган ҳиссаси, турли муҳокамалардан ўтиб сайқаллашиб боргани, ҳар бир сўз, модда, таъриф учун баҳс, фикр алмашиш кетгани адабиётларда кенг ёритилган⁴. Шунинг учун биз уларни такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ деб биламиз. Конституциямизнинг миллий демократик тараққиётга қўшаётган илмий-фундаментал аҳамиятга эга жиҳатлари, И.А.Каримов асарларидаги қарашлар, илмий адабиётларда ва чет эл мутахассисларининг чиқишларида билдирилаётган фикрлар биз учун қизиқарли, муҳимдир.

Фалсафий-ҳуқуқий нуқтаи назардан Конституциямизда ҳал этилган муаммоларни уч – давлат (ҳокимият), шахс (инсон) ва ҳуқуқ йўналишида қараш, тадқиқ этиш мумкин. Айнан ушбу уч объект барча ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосини ташкил этади ва баҳс, мулоҳаза, тортишув улар ўртасидаги алоқаларга бориб тақалади.

Платон даврдан бери давлат (ҳокимият) масалалари ижтимоий-сиёсий таълимотлар, креатологик изланишлар марказида бўлиб келади. Шунингдек унинг шакллари ва кўринишлари ҳақидаги баҳс, тортишувлар ҳали тугамаган⁵. Бироқ,

¹ Мирхамидов М. Государственный суверенитет и становление современной узбекской национальной правовой государственности. –Т.: Фан, 1994. –С.21.

² Уразаев Ш. Как создавалась Конституция независимого Узбекистана //Человек и демократия, 1992, №1. –С.4-5.

³ Мирхамидов М. Государственный суверенитет и становление современной узбекской национальной правовой государственности. –Т.: Фан, 1994. –С.21.

⁴ Қаранг: Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. –Т.: Адолат, 1993; Адилқориев Ҳ. Новая Конституция – великий символ суверенитета Узбекистана. –Т.: Адолат, 1993; Уники. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2002; Раҳимов Ф. Истиқлол яралиб, мустақилликни мустаҳкамлаган Асосий Қонун. –Т.: Адолат, 1994; Шарифхўжаев Н., Шодиев Н. Ўзбекистон – конституциявий давлат. –Т.: Ўзбекистон, 2003 ва б.

⁵ Қаранг: Хропонюк В.Н. Теория государства и права. Хрестоматия. –М.: Интерстиль, 1998. –С.231-271; Власть: очерки современной политической философии Запада. –М.:

Ўзбекистон халқи учун эски тоталитар давлатдан янги, миллий демократик манфаатларга хизмат қиладиган давлат шаклига ўтиш муҳим аҳамиятга эга эди. Ушбу давлат шакли Конституциямиз муқаддимасида “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат” деб белгиланган. Бу ўринда янги давлатга инсонпарварлик, демократия ва ҳуқуқа асосланиш хослиги қайд этилмоқда. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов ушбу конституцион тамойилдан келиб чиқан ҳолда давлатнинг туб вазифаларини қуйидагича белгилайди: “...Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак”¹. “Ушбу танланган йўлимиз, – деб кўрсатади Юртбошимиз, – конституцион асосга эга. Бу йўл Ўзбекистондаги барча аҳоли манфаатларига ҳар жиҳатдан мос тушади. Айнан шундай йўл ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечириши учун кафолат бўла олади, миллий анъаналар ва маданиятнинг ривожланишини, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қайта тикланишини таъминлайди”².

Албатта, давлат (ҳокимият)нинг ижтимоий тараққиётдаги ролини қайд этиш билан муаммо тўла тадқиқ этилмайди. Давлатнинг бутун ижтимоий ўзгаришлардаги ўрнини, у амалга оширган ислохотларнинг кишилар, халқ ҳаётида акс этишини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги янгиликларни ҳам очиб бериш даркор.

Фалсафий-ҳуқуқий ва сиёсий адабиётларда демократик давлат қуйидаги белгиларга эга эканлиги қайд этилади:

- давлат–ҳокимият бошқаруви барча афзалликларининг давлат институтлари тизимида уйғунлашуви;
- ҳокимият ваколатларининг бўлиниши ва амалда уларнинг бир-биридан мустақиллиги;
- фуқаролик жамиятининг мавжуд эканлиги;
- ҳокимият ваколатларининг у ёки бу жабҳада ёхуд институтда тўпланиб қолишига йўл бермайдиган антимонопол механизмларни яратиш;
- конституциявий қонуннинг устунлиги ва бевосита фаолияти;
- қонунларда давлатнинг мустақиллигини расмийлаштириш ва уни амалий таъминлаш;
- сайлаш ҳуқуқи нормалари асосида қонун чиқарувчи органларни шакллантириш ва қонунларда давлат иродасини шакллантириш ҳамда ифодалаш;
- ички қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқнинг умум тан олган нормалари ва принципларига мослигини таъминлаш;
- ижтимоий муомала субъектларининг ҳаммасини у ёки бу шахс тазйикидан ҳуқуқий ҳимоя қилиш;
- ҳуқуқий давлатнинг намунаси, андозаси ва барпо этиш воситаси бўлмиш суднинг мақомини кўтариш;
- қонунларнинг ҳуқуқийлигини таъминлаш, давлат ҳокимиятлари тизимларини ҳуқуқий ташкил этиш;
- фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг муштараклиги;
- давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги³.

Наука, 1989; Гаджиев К.С. Политическая философия. –М.: Экономика, 1989; Исламов З.М. Общество. Государство. Право. –Т.: Адолат, 2001 ва б.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996. –177 б.

² Ўша асар. –176 б.

³ Қаранг: Шарифхўжаев М., Шодиев Н. Ўзбекистон – конституциявий давлат. –Т.: Ўзбекистон, 2003. –81-82 б.; Шунингдек қаранг: Латфуллин Г.Р., Новичков Н.В. Политическая организация. –СПб.: Питер, 2007. –С.296-327; Апресян Р.Г. Гражданское участие: ответственность, сообщество, власть. –М.: Аслан, 1997; Атаманчук Г.В. Теория

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва мустақиллик йилларида ўтказилган ислохотлар натижаларига назар ташласак, ушбу белгилар ижтимоий ҳаётда, бошқариш тизимида, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида акс этишига гувоҳ бўламиз. Бу ўринда И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг 16 ва 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимлардаги маърузаларини кузатиш етарлидир. У дейди: “Конституциямиз юртимизда демократик давлат қуриш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича энг муҳим тамойиллар, қоида ва меъёрларни ўзида мужассамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда”¹. Президентимиз Конституциямизни фалсафий-ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан таърифлар экан, унинг ижтимоий демократик тараққиётга кўрсатиб келаётган таъсирини юқори баҳолайди. “Асосий қонунимизнинг – дейди у, – негизини ташкил этадиган қоида ва талаблар асосида мамлакатимизни туб ислох қилиш ва модернизация қилишнинг ўзбек модели қабул қилинди. Бу моделнинг мазмун-моҳиятини ифода этадиган бешта асосий тамойил ҳозир ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Бугун, вақт ўтиши билан, ҳаётнинг ўзи, мамлакатимиз эришаётган юксак марралар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган, халқимизнинг орзу-умидлари, бугунги ва келажак манфаатларига жавоб берадиган қоида ва принципларнинг нақадар тўғри эканини исботламоқда”².

Шу билан бирга Юртбошимиз шакллантирилаётган фуқаролик жамиятида халқимизнинг, кишиларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошган ҳолда аста-секин давлат ролини камайтириб бориш лозимлигини уқтиради. “Хусусан, бу мақсад-вазифаларни амалга ошириш йўлида давлатнинг ролини изчил равишда камайтириб бориш ва айти пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалланинг фаолият кўлами ҳамда ваколатларини кенгайтириш, аҳоли турли қатлам ва гуруҳларининг туб манфаатларини ифодаладиган ва ҳимоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат, ноҳукумат тузилмалар ролини кучайтириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади”³. Аммо фуқаролик институтларининг ривожланиши давлат (ҳокимият) мавқеини, унинг оммавий ташкилотлардан тубдан фарқ қилувчи, кучли сиёсий ташкилот бўлишини инкор қилмайди. Бу энг аввало одамзоднинг хатти-ҳаракатлари эгоизм, куч ишлатиш – агрессия, бузғунчиликка, ахлоқсизликка мойиллик сақланиб қолаётгани билан изоҳланади⁴. Бундан ташқари, ёш, заиф давлатларни, халқларни ўзига бўйсундиришга интилаётган ташқи кучлар ҳам бор эканини унутиб бўлмайди. Юридик фанлари доктори, профессор З.М.Исломов ёзганидек, “фуқаролик жамияти институтлари ҳам порахўрлик, сансоларлик иллатларига дучор бўлиши, пул бўлган жойларга эса жиноятчилик кириб бориши мумкин”⁵. Ушбу иллатлардан кучли давлатсиз (ҳокимиятсиз) қутулиш қийин. Шунинг учун ҳам Президентимиз таъкидлайди, “...ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин –

государственного управления. –М.: Юрид. лит-ра, 1997; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалари (давлат назарияси). –Т.: Адолат, 1997 ва б.

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2209. –29 б.

² Ўша асар. –30-31 б.

³ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2209. –32 б.

⁴ Қаранг: Назоретян А.П. Агрессивная толпа, массовая паника, слухи. –СПб.: Питер, 2004; Лебон Г. Психология народов и масс. –СПб.: Питер, 1995 ва б.

⁵ Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Т.: ТДЮИ, 2002. –36 б.

барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади”¹.

Шахс (инсон) манфаатлари Конституцияда бош мақсад, бутун ижтимоий-сиёсий воқеликнинг тўлақонли ишлаши ва мавжудлигининг шартини қилиб қўйилган. Маълумки, шўролар даврида қабул қилинган Конституциялар синфий-гуруҳий ва социалистик давлат манфаатларига хизмат қилишни бош мақсад қилиб қўйган, бутун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий-маданий институтларни ушбу мақсадга хизмат қилишга қаратган эди. Шахс (инсон) социалистик давлат деб аталган машинанинг бир “винти” эдики, унинг шахсий ҳаёти ва манфаатлари ушбу “машина”нинг тўхтовсиз, кечаю кундуз ишлашига қаратилган. Бу борада у “Социалистик меҳнат қаҳрамони”, “Коммунистик бригада”, “Меҳнат қизил байроқ ордени”, “Стахановчи”, “Беш йиллик илғорлари” каби кўплаб унвонлар, сохта қаҳрамонлар, меҳнат илғорлари кашф этган. Сиртдан қараганда ушбу саъй-ҳаракатлар шахс (инсон) манфаатлари учун, уни улуглаш ўз фаоллигини муносиб тақдирлаш учун қилингандек кўринади. Ваҳоланки, шахс (инсон) меҳнатининг асосий маҳсули, яратган бойликлари дунёда коммунизмни қарор топтиришга сарфланган. Халқ бойликларини КПСС нимага сарфлаганини Игорь Бунич “Партия олтинлари” китобида асосли далиллар ва мисоллар билан очиқ берган². Шўролар Конституцияларидаги қусур ва иллатларни қайд этиб М.Шарифхўжаев ва Н.Шодиев ёзади: “Ўзбекистонга партаппарат мустақил сиёсий куч сифатида мутлақ ҳукмга эга собиқ тоталитар ўтмишдан бирон-бир қонун билан боғлиқ бўлмаган, тамаддун демократик ривожланишга, фуқаролик жамиятига, миллатнинг демократик кайфиятдаги илғор вакиллари қарашларига, яхлит миллий маданиятга зид, кўпгина ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидан ҳам паст иқтисодиёт, аҳоли қашшоқлиги мерос қолди”³. Шахс (инсон) манфаатлари шўролар ҳукуматининг қонунларининг бош мақсади бўлганида бундай аянчли аҳвол юзага келмасди.

И.А.Каримов Асосий қонунимизнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида дейди: “Энг муҳими, ислохотларнинг асосий субъекти бўлмиш инсон мамлакатда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларнинг зарурлигига, улардан аниқ манфаат топишига ўз ҳаётий тажрибаси мисолида ишонч ҳосил қилиши зарур”⁴.

Ҳуқуқ, қонун устуворлигини таъминлаш фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Шунинг учун ҳуқуқ ва қонун устуворлигини таъминламай миллий демократик тараққиёт га эришиш қийин. Илғор давлатларнинг тажрибаси ва демократик тараққиёт йўли кўрсатадики, улар икки-уч юз йилдан бери ҳуқуқ ва тенглик учун тинмай кураш олиб борганлар, ҳатто қон тўкканлар. Давлат, ғайридемократик кучлар халқа эркинлик беришни, уни ўзи билан тенг ҳуқуқли кўришни, жамият ва давлат ишларини бошқаришга жалб қилишни лозим деб билмаган. Бу ғайриҳаётий ва ғайриинсоний ҳол гоҳо революцияларни, кўзғолонларни келтириб чиқарган. Ўзбекистон давлати эса, аксинча, фуқароларининг тенг ҳуқуқлигини тан олади, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини мудом юксалтириб боришни асосий вазифаси деб қарайди. Асосий қонунимиз ана шу ҳуқуқларни таъминлаш учун барчага тенг имконият яратиб берилишини кафолатлайди. “Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, – деб таъкидлайди И.А.Каримов, – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –325 б.

² Қаранг: Бунич И. Партия олтинлари. Озод Шарофиддинов таржимаси. –Т.: Маънавият, 1999. –230-240 б.

³ Муродхўжаев М., Шодиев Н. Ўзбекистон – конституциявий давлат. –Т.: Ўзбекистон, 2003. –13 б.

⁴ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –34 б.

ва қонунларнинг устунлигини таъминланишидир. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасида Конституцияда талайгина ижобий жиҳатлар мавжуд. Бу борада лойиҳа Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципиал қоидаларини ўзига сингдирган. Инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлиги дахлсиздир”¹.

Давлат (ҳокимият) – шахс (инсон) – ҳуқуқ (қонун) бир-бирига боғлиқ субъект ва объект сифатида демократик тараққиётнинг нафақат мақсад ва механизмларини белгилаб, таъминлаб келади, шунингдек, улар уйғунлиги ижтимоий ўзгаришларга, ривожланишга импульс, туртки беради, охир натижада эса демократик тараққиёт кўрсаткичи сифатида намоён бўлади. Улардан бирортаси ҳам эътибордан чеккада қолмайди, улар ўртасидаги уйғунлик, диалектик боғлиқлик, бир-бирини мудом тақозо этиб келиш демократик жамиятни жонли, динамик ривожланишга мойил қилади. Ушбу ривожланиш мудом давом этадиган жараёндир, жамият бир жойда муқим, турғун тўхтаб қолмаганидек демократик тараққиёт ҳам давр талабларига мувофиқ ривожланиб, ҳаётий, сиёсий тажрибалар билан бойиб боради. Демократик тараққиётнинг тугал шакли йўқ, у жамиятнинг қисмлари бўлган давлат (ҳокимият) – шахс (инсон) – ҳуқуқ (қонун)нинг ўзаро муносабатларининг ифодаси, инъикосидир. Ушбу муносабатлар қанчалик конструктив, ижодий ва мақсадли бўлса демократик тараққиёт ҳам шунчалик юқори, ибратли, етук бўлади.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Конституционализм, демократия ва конституциянинг уйғунлиги, демократия ва конституционализм ўртасидаги зиддиятлар, демократик тараққиётнинг мураккаблиги, конституциявий давлат, конституцион институтлар, конституцион қонун, ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили

Назорат саволлари

1. Демократия ва конституциянинг уйғунлиги тамойилини мазмун-моҳиятини тушунтиринг.
2. Демократиянинг мумтоз таърифи ҳақидаги фикрларингизни ифодаланг.
3. Демократия барчанинг иқтисодий ҳаётда тенг ҳуқуқли иштирок қилишини, хусусий мулкка эга бўлишини назарда тутати. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддасига мувофиқ “Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин эмас” – деган қондан қандай тушунаси?
4. Конституциямиз муқаддимасида Ўзбекистон Республикаси “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат” деб белгиланган. Ана шу таърифнинг мазмун – моҳиятини тушунтиринг.

Мавзу юзасидан тестлар

1. Қандай шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин? а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш йил муқим яшаётган ва сайлов куни йигирма бешга тўлган фуқаролар, б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш йил муқим яшаётган ва сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар, в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида ўн йил муқим яшаётган ва сайлов куни ўттиз бешга тўлган фуқаролар, г) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш йил муқим яшаётган ва сайлов куни йигирма уч ёшга тўлган фуқаролар,
2. Синфий-гуруҳий ва давлат манфаатларига хизмат қилишни бош мақсад қилиб қўйган Конституцияларни аниқланг.
а) Социалистик давлат Конституцияси б) Монархистик давлат Конституцияси в) Ҳуқуқий демократик давлат Конституцияси г) Теократик давлат Конституцияси
3. “...ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин – барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –125-126 б.

ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади”- деб таъкидланган Президентмиз асари тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

а) Биздан озод ва обод Ватан қолсин, б) Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура., в) Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. г) Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли..

4 Демократиянинг давлат ва жамиятнинг асосий ҳужжати сифатида конституцияга таяниши, ҳокимият институтларининг мавжудлиги, Конституцияга мос тушувчи сиёсий режим ва демократиянинг ҳимоя тизими – бу - ? а) Конституционализм, б) Конституциявий қонун, в) Конституциявий контрол, г) Конституциявий ҳуқуқ

7-МАВЗУ: Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар моҳияти

РЕЖА

- 1. Давлат ҳокимияти органларини демократлаштириш**
- 2. Давлат ҳокимияти органларининг структуравий ва функционал ўзгаришларнинг мазмун ва моҳияти**

Давлат ҳокимияти органларини демократлаштирмай жамиятни демократлаштириш мумкин эмас. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар умумий воқелик сифатида барча институтларни тенг демократлаштиришни тақозо қилади, чунки ушбу жараёнлардан бирорта қисм – институт, объект, орган чеккада қолса, туб ўзгаришга қаратилган ислохотлар кутилган натижа бермайди. Фалсафа фанлари доктори В.М.Межуев ҳақли равишда савол қўяди: “Ҳеч қачон демократияда яшамаган мамлакатда қандай қилиб демократик ҳокимиятни шакллантириш мумкин? Ҳатто сиёсий тизимда демократик ҳокимият институтлари ва органлари расмий тарзда борлигида ҳам демократия бўлмаслиги мумкин. Чунки демократик нормалар ва тамойилларга мувофиқ фикрлаш ва ҳаракат қилиш одати ҳамда анъаналари йўқ”¹. Демократия анъаналари йўқ мамлакатда

¹ Қаранг: Бюрократия, авторитаризм ва будуще демократии //Вопрос философии, 1992, №2. –С.3.

демократияни қарор топтириш ғайриҳаётийдир, уни демократик анъаналарига эга чет эллик мутахассисларнинг келиб ўрнатиши янада ғайриҳаётийдир. Файласуф, бозор иқтисодиёти ҳам, сиёсий партиялар ҳам, айниқса уларнинг сиёсий дастури бир-бирига мутлақ зид (Россия назарда тутилаябди) келаётганида мамлакатда демократияни қарор топтириш мушкул. Шунинг учун демократик ислохотларни ўтказишга қодир ҳокимият ёки шахсга эҳтиёж пайдо бўлади. Ушбу ҳокимият ёки шахс демократик кадриятларни эъзозлаши, ҳокимиятни суистеъмол қилишга йўл қўймай либерал сиёсат олиб бориши лозим, деб ҳисоблайди¹.

Ижтимоий-сиёсий ислохотлар кўрсатадики, демократик кадриятлар ва қарашлар ўзидан ўзи ҳокимият органлари фаолиятида шаклланмайди, ҳатто Конституция ва қонунлар ҳам уларни қарор топишига ёрдам беролмайди. АҚШ Конституциясининг қабул қилинганига икки юз йилдан ошди, бироқ жамиятда ҳатто 90-йилларда ҳам том маънодаги демократия қарор топмаган. Масалан, 1986 йили 490 минг сайланадиган лавозимларни қора танли аҳолининг атиги 1,3%, аёлларнинг эса 1,5% эгаллаган, қолган 98,7%ни оқ танли, 98,5% оқ танли эркаклар эгаллаган². Инсон ҳуқуқлари бўйича кўп қонунлар қабул қилган мамлакатда ўтган асрнинг ўрталарида ҳам автобусларда “оқ танли учун”, “қора танли учун” деган ёзувларни кўриш мумкин эди. Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлайди: “Тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намоёндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир”³. У демократияни чеккадан келтириб бўлмаслигини, бунинг учун халқимизнинг сиёсий-тарихий тажрибасидан, анъаналари ва ҳокимият тизимларини халқ манфаатларига хизмат қилдирадиган миллий механизмлардан, кадриятлардан унумли фойдаланишга даъват этади: “Бу борадаги энг муҳим ва оғир масалалардан бири шуки, демократик тамойилларни жорий этишда асрлар синовидан ўтган, бугунги ҳаётимиз талабларига хизмат қиладиган, танлаб-саралаб олинган миллий кадриятлар ва умумбашарий тажрибаларни табиий равишда уйғунлаштира олишимиз лозим”⁴.

Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг сиёсий-ҳуқуқий мавқеи, улар фаолиятини юксалтириш ва демократлаштириш, айниқса уларнинг жамиятни демократлаштиришга қўшаётган ҳиссаларини ўрганишга қаратилган қатор монографиялар, китоб ва тўпламлар, мақолалар юзага келди. Тадқиқотчилар диққатини маҳаллий органларнинг аҳоли билан ишлаши, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини уюштиришдаги тажрибалари кизиқтирмоқда⁵. Ҳақиқатан ҳам бугун жамиятни демократлаштириш давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг фаолиятига, демократик кадриятларни бевосита қўллаб-қувватлашига боғлиқдир.

¹ Ўша асар. –С.6.

² Қаранг: Скидмор М.Дж., Трипп Маршалл Картер. Американская система государственного управления. –М.: СП “Квадрат”, 1993. –С.30.

³ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –244 б.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Қаранг: Адилқориев Х.Т. Новая конституция – великий символ суверенитета Узбекистана. –Т.: Адолат, 1994; Ниятуллаев С.Д. Государственное строительство в Республике Каракалпакстан. –Нукус: Каракалпакстан, 1993; Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислохоти: тажриба ва муаммолар. –Т.: Ўзбекистон, 1994; Джавакова К.В. Институт народовластия в Республике Узбекистан. –Т.: О’қитувчи, 2006; Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари. –Т.: ТДЮИ, 2002 ва б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (XXI боб) маҳаллий давлат ҳокимияти асослари белгилаб берилган. Уларга вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва улар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари кириши кўрсатилган. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

- жойларда қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;
- норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш¹.

“Бозор иқтисодиётига ўтиш, маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини кенгайтириш ҳудудларни бошқариш тизимида туб ўзгаришлар яшашни талаб этади. Янгича шароитларда меҳнаткашлар манфаатларини ифодаловчилар сифатидаги бошқарув идоралари билан хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро муносабатлар янгича принципларга, кўпроқ ўзаро фойдали асосдаги иқтисодий манфаатлар принципларига асосланади. Бу йўл-йўриқлар, кўрсатмалар асосида раҳбарлик қилиш соҳасини кескин торайтириб, иқтисодий таянчлар ва манфаатлар таъсирини ўтказишнинг барча манфаатдор томонлар орасидаги шартномавий муносабатларга асосланган билвосита усулларни жиддий кенгайиб боришига олиб келади”². Демак, иқтисодий манфаатдорлик, хўжалик субъектларининг кенгайиши, шартномавий муносабатлар жойларда демократик бошқаришга олиб келади. Шу билан бирга юридик фанлари доктори, профессор Ш.Жалилов ёзади: “Албатта, бошқаришнинг иқтисодий усуллари ўз-ўзидан маъмурий таъсир воситаларининг ўрнини эгаллайди ёки демократик муносабатлари шакллантиради (тагига чизилган бизники – Б.Т.), деб ўйлаш ўта соддалик бўлар эди, бу иқтисодий усулларнинг амал қилиши учун ишбилармонлик фаолиятининг маълум даражадаги ҳақиқий эркинлиги, қонун билан белгиланган ягона ахлоқий қоидалар, бозор инфраструктураси мавжуд бўлган бошқача иқтисодий муҳит керак бўлади. Шу муносабат билан таъкидлаб ўтиш лозимки, ўтиш давридаги бозор муносабатлари шаклланиб бораётган шароитларда бошқаришнинг турли усулларида фойдаланиш зарур бўлади”³. Ҳақиқатан ҳам, бозор муносабатлари кишилар ва социал субъектлар ўртасидаги алоқаларга таъсир этмай қолмайди, бироқ у эгоизм, корпоратив манфаатларга хизмат қилиш, ҳатто бошқаларнинг ҳуқуқларини паймол қилувчи ҳолларни келтириб чиқариши, натижада демократияни эмас, балки олигархияни, тенг ҳуқуқликни эмас зўравонликни юзага келтириши мумкин. Бу ўринда Президентимизнинг 1998 йил 9 ноябрда Самарқанд ва 1998 йил 11 ноябрда Навоий вилоятлари халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида қилган маърузаларидан мисоллар келтирса бўлади.

Президентимиз 1995 йили Самарқанд вилоятига А.Мардиевни ҳоким этиб тайинлаётганида уни шу ерда тўпланган муаммолардан хабардор ва уларни адолат, қонун ва халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этишига ишонч билдирган эди. Аммо вилоят ҳокими бошқача йўл тутди, яъни лавозимларни аниқ “шахс”, буюртма орқали таркатди, қариндош, ошна оғайничиликни авж олдириди. “Вилоят давлат аппаратининг ўзагини

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. –27-28 б.

² Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. –58 б.

³ Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. –58 б.

лаёқатсиз, сиёсий савияси паст, ахлоқий жиҳатдан нопок, аммо раҳбарнинг ишонган оғайнилари, эски кадрдонлари, бир ҳовуч лаганбардор кимсалар ташкил этса, одамлар эътирозини кимга айтиши мумкин? Бундай ҳол хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, давлат ва жамоат мулкани талон-тарож этиш учун қулай шароит яратади... Энг ёмони, раҳбарларга нисбатан кенг жамоатчиликнинг ишончи йўқолади. Бундай жамиятдан барака кетади, иш юришмайди, аҳоли ўртасида турли тортишувлар ва норозиликлар пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, бундай муҳитда раҳбарга яқин бўлган, ишонган, суянган кадрлари бир-бирларини қўллаб-қувватлайди, содир бўлган қонунбузарлик ва жиноятларни яширади. Жамиятда адолат йўқолади. Бундай ҳолда халқ арз-додини, фарёдини кимга айтиши керак?”¹ Президентимиз маҳаллий ҳокимият дучор бўлган иллатлар негизини очиб беради: “Табиий равишда бундай аҳволнинг томири-негизи қаерда, деган савол туғилади. Авваламбор, бундай ҳолларнинг замини-томири эскидан қолган салбий, суяк-суягимизга сингиб кетган одат ва асоратларда бўлиши даркор. Қолаверса, яна бир сабаби – янги қабул қилинаётган қонун ва фармонлар, демократия ва адолат талабларини менсимасликда, бугунги ҳаётимиздаги ўзгаришларни ҳис этмасликда, камситишдадир”². Демак, давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг ўзида демократик ўзгаришларга интилиш ва фаолиятида адолат бўлмас экан, улар кишиларнинг дунёқарашида, ҳаёт тарзида демократик кадриятларни шакллантира олмайди. Жамиятни демократлаштириш ҳокимият институтларини, давлат органларини демократлаштиришдан бошланади.

Буни ўзимиз ўтказган социологик сўровнома натижалари ҳам кўрсатади. “Охирги вилоят депутатлари халқ кенгашларида кимга овоз берганингизни эслай оласизми?” деган саволга респондентларнинг 61% “йўқ”, 25% “аниқ эслай олмайман”, 4% “ҳа”, 10% жавоб бермаган. Ҳайратли томони шундаки, “йўқ” деб жавоб берганларнинг 82% ни 35 ёшгача бўлган сайловчилар ташкил этади. Улар кимга ва қачон овоз берганини эслай олмайдилар. Ваҳоланки, социал муаммоларга қизиқувчи, жамият ва давлат бошқаруви институтлари фаолиятига юқори талаблар қўядиган аҳоли қатламлари ичида ёшлар кўпчиликини ташкил қилади. “Охирги марта вилоят ёки туман ҳокимияти раҳбарлари билан қачон учрашгансиз?” деган саволимизга респондентларнинг 76% “учрашмаганман”, 20% “кўп вақт бўлди”, 3% “кўп вақт бўлмади” деб жавоб берган. Кўриниб турибдики, маҳаллий ҳокимият органларининг аҳоли билан бевосита мулоқоти керакли даражада эмас. Натижада давлат ҳокимияти маҳаллий органлари аҳоли ташвишларидан, орзу умидларидан яхши хабардор бўлмайди, уларнинг имкониятларидан, кучларидан фойдаланиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга аҳолининг ўзини жалб этиш каби усулларни билмайди.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар ўтказишни ташкил қиладилар. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” (1993 йил сентябрь) ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида”ги (1994 йил май) қонунларга кўра, халқ депутатларини сайлаш бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилади³. Сайловларни бундай ташкил қилиш, ҳозирги демократия талабларига тўла мос келиши билан бирга, энг муносиб номзодларнинг, сайловчилар манфаатларини сидқидилдан ҳимоя қила оладиган кишиларни сайлаш учун

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –213 б.

² Ўша асар. –215 б.

³ Қаранг: “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993, №9; “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида” //Ўша жойда, Ахборотнома, 1994, №5.

кенг имкониятлар туғдиради... Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига махсус сайлов комиссиялари ташкил этиш, фуқароларни ўз ишларининг бориши тўғрисида хабардор қилиб туриш, яъни фуқароларни сайлов участкаси ташкил этилганлиги, сайлов комиссияси таркиби, сайловчилар рўйхати билан таништириш, депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар билан ва овоз бериш, сайлов натижалари билан таништириб бориш вазифаси юкланади. Истаган фуқаро ёки оммавий ахборот воситалари, номзодлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ушбу вазифанинг қай кўламда бажаришини кузатиш, назорат қилиш ҳукуқига эга¹. Ушбу тартиб инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген конференциясининг якуний ҳужжатида баён этилган сайловларнинг умумийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлик, ихтиёрийлик ва овоз беришда яширинлик тамойилларига тўла тўғри келади. Ф.Мусаевнинг келтиришича, чет элларда бу борада турли ёндашувлар қўлланилади. Масалан, Бельгияда сайловда иштирок эта олмайдиган фуқаро зарур сабаб-далиллари билан барвақт судьяга такдим этиши керак. Сайловчи бу қондан бузса, фуқарога биринчи марта 3 франк, иккинчи марта 3 франкдан 25 франккача жарима солинади. Қондан учинчи бор бузган шахснинг исми, фамилияси махсус жойларга ёзиб қўйилади. Агар мазкур шахс сайловда қатнашиш тартибини тўртинчи марта бузса, у 15 йилга сайловда қатнашиш ва 10 йил давомида давлат муассасаларига ва маҳаллий давлат органларига ишга қабул қилинмайди². Бу мисол биз учун ғайриҳаётий кўринади, чунки ўзбек сайловчилиги ҳуқуқида бировни сайловда қатнашишга мажбур этиш йўқ. Бизнинг фикримизча, сайловда қатнашиш ёки қатнашмаслик инсоннинг конституцион ҳуқуқидир, агар сайловчи номзод фаолияти ёки бошқа фазилатларидан яхши хабардор бўлса, у ушбу муносабатини бошқача, яъни оммавий ахборот воситалари орқали ҳам билдириши мумкин. Шунинг учун Ўзбекистонда “ҳозирги кунда сайловчилардаги абсентизм (сайловларда қатнашмаслик, унда иштирок этишдан бўйин товлаш, қочиш) кўпчилик мамлакатларга хос кўринишдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сайловларда иштирок этишдан бўйин товлаш ҳоллари барча мамлакатларда ошиб бормоқда”³.

И.А.Каримовнинг мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий тараққиёт и концепциясида марказлашган бошқарувдаги асосий вазифаларга жойларга, вилоят, туман ва шаҳарлардаги давлат ҳокимияти органларига ўтказиш ғояси жамиятни демократлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз бу борада қуйидаги фикрларни илгари суради: “Бошқарув вазифаларининг асосий қисмини, – дейди у, – марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар ва туманлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ўтишни таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради”⁴. Демак, Президентимиз концепциясига кўра, марказий бошқарув идораларининг асосий иқтисодий, маънавий-маданий ва ижтимоий-тарбиявий вазифалари маҳаллий ҳокимиятларга аста-секин ўтказилиши, шу тариқа давлат бошқарувида бевосита иштирок этадиган субъектлар доираси кенгайтирилиши зарур. Бу фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидир. “Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудрофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир”⁵. Бироқ бу марказлашган бошқарувдан мутлак воз кечиш керак деган фикрга олиб келмайди. Давлат мавжуд экан у мудом марказлашган

¹ Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. –102-103 б.

² Мусаев Ф. Демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2007. –182 б.

³ Ўша жойда.

⁴ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –11 б.

⁵ Ўша асар. –12 б.

бошқарувга эҳтиёж сезади. Бу ўринда гап давлат бошқарувини демократлаштириш, бошқариш субъектларининг доираларини кенгайтириш устида кетиши мумкин.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари фаолиятининг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни уларнинг сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларининг самарали ишлаши учун зарур шароитлар яратиб берганида, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаганида акс этади. Бироқ маҳаллий ҳокимият институтларининг умумий ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳали фаол иштирок этаётгани сезилмайди. Шунинг учун Қорақалпоғистон Республикасидаги, давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини ўрганган сиёсатшунос А.Кўжагелдиев, “бугунги кунда маҳалла ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтлари фақат маҳаллий, ҳудудий ишлар билан машғул бўлиб, уларнинг сиёсий жараёнлардаги роли сезилмайди”¹, деган хулосага келади. У ёзади: “Бугунги кунда Халқ депутатлари кенгаши ҳокимларга бўйсунди. Ҳатто Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида “туман ва шаҳар ҳокими ўз ваколатларини ягона бошқарув тамойилларида амалга оширади ва ўзи бошқараётган органлар қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсий жавобгардир”, деб белгилаб қўйилган. Бундай ҳолат, бизнинг фикримизча, халқ вакилларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга имкон бермайди, уларни ҳокимнинг яқка ҳокимлиги остида ишлашга мажбур қилади ва ўз демократик моҳиятини йўқотади”². Ҳақиқатан ҳам маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқий мустақил бўлган сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларини ўзига бўйсундириш, уларни функцияларига кирмайдиган ишларга жалб этишга уринишлари учраб турибди. Бу эса демократик институтларнинг шаклланишига ҳам, фаолиятига ҳам халақит беради. Бугун давлат ҳокимияти маҳаллий органларини замонавий, демократик тафаккурга ва бошқариш усулларига эга ёш кадрлар билан таъминлаш долзарб масалалардан биридир. Юртбошимиз таъкидлаб дейди: “Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган. Замоннинг илғор талабларига жавоб беридиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак... Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи, изланувчи ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур”³.

Фалсафий-ҳуқуқий адабиётларда ҳокимият умумий билан хусусий манфаатларини, индивид ғоялари билан халқ ғояларини уйғунлаштирувчи, синтезлаштирувчи сиёсий институт сифатида қаралади⁴. Ҳокимиятнинг ушбу функцияси айниқса маҳаллий органлар фаолиятида яқол кўзга ташланади. Аммо ушбу қизиқиш, манфаат ва ғояларни уйғунлаштириш ҳокимият, давлат учунгина зарур эмас, у энг аввало жамият тараққиёти учун керак. Демократик тараққиёт эса уйғунлаштириш жараёнида барчани, давлат институтидан тортиб то оддий фуқарогача фаол иштирок этишни тақозо қилади. Давлат, ҳокимият ушбу жараёни уйғотиши, йўналтириши ва қўллаб-қувватлаши зарур. Ҳар доим ҳам кишилар бирлашишга, манфаатларини уйғунлаштиришга интилавермайди. Айниқса либерал-демократик қадриятлар кишини ўз мақсадларидан келиб чиқиб рақобатга, ким ўздига даъват этади. Фуқаролик институтларида эса корпоратив манфаатлар устунлик қилади, бу, шубҳасиз, кишиларнинг манфаатлари ва ғояларини уйғунлаштиришга халақит беради. Айнан шу ўринда демократик тараққиётни қўллаб-қувватловчи кучлар

¹ Кўжагелдиев А. Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши. –Т.: Янги аср авлоди, 2009. –81 б.

² Кўжагелдиев А. Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши. –Т.: Янги аср авлоди, 2009. –81 б.

³ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –242, 246 б.

⁴ Гаджиев И.С. Политическая философия. –М.: Экономика, 1999. –С.271.

манфаатларни, ғояларни бирлаштириш, уйғунлаштириш дастурлари билан чиқиши лозим бўлади. Фуқаролик жамияти шакллантиришни стратегик мақсади қилиб қўйган ҳокимият, давлат, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият институтлари ана шундай вазифани ўз устига олиши шарт. Ҳокимият институтларидан позитив ташаббуслар чиқмаса, кишиларни миллий истиқлол ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган эзгу даъватлар бўлмаса бошқариш тизимларида ҳам, кишиларда ҳам яратишга, покдамон, иймон, диёнат билан яшашга интилиш шаклланмайди. Халқимизда “Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ердан юради” деган мақол бор. Давлат, ҳокимият – катта арава, яъни янги-янги ташаббуслар ва адолатни қарор топтиришга даъват этилган институтлардир. 1998 йил 11 ноябрь куни Навоий вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида, вилоятда авж олган ошна-оғайничилик, коррупция, ғайриқонуний ҳаракатларнинг боис-негизи битта – “вилоят раҳбари, аччиқ бўлса ҳам айтиш жоизки, вилоятнинг аксарият фаолларида узоқни кўзлаб ишлаш, изланиш бўлмаганидадир”¹, деб кўрсатди.

Демократик тараққиёт бутун жамият изланишларининг, меҳнатининг пировард натижаси бўлади. Давлат ҳокимияти органлари, институтлари ушбу изланишларни тезлаштириши ҳам, уларга тўсиқ бўлиши ҳам мумкин. Аммо айрим олган вилоят ёки туман ҳокимлари фаолиятидаги тўсиқлар, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар бутун халқнинг, жамиятнинг демократик истакларига ғов бўлолмайди. Демократик тараққиёт бутун инсониятнинг, тарақийпарвар кучларнинг истаги, иродаси, ифодаси, ҳаётий мақсадига айланган экан ушбу глобал воқеликдан Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи ҳам чеккада қололмайди. Бизда демократияни ҳаёт тарзига айлантиришга қодир ҳукукий институтлар ва механизмлар ҳам, халқни демократик тараққиётга бўлган интилишини амалда қўллаб-қувватловчи сиёсий институтлар ҳам ташкил этилган. Ҳозирги вазифа ушбу механизмлар ва институтларни ижтимоий-сиёсий тараққиётга хизмат қилишини таъминлашдир. Аслида И.А.Каримов раҳбарлигида Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар моҳияти ҳам мавжуд механизмлар ва институтларни модернизациялашаётган ижтимоий ҳаёт талабларига мувофиқ фаол ишлашига эришишдир.

Мавзуга оид танияч иборалар

Давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият, демократик ҳокимият, демократик кадриятлар, жамиятни демократлаштириш институтлари, давлат органлари, конституцион ҳуқуқ, абсентизм,

Назорат саволлари

1. Сиёсий тизимда демократик ҳокимият институтлари ва органлари расмий тарзда борлиги демократия мавжудлигини ифодлайдими?
2. Демократия анъаналари йўқ мамлакатда демократияни қарор топтириш мумкинми? Ёки демократияни импорт, экспорт қилиш масаласига қандай қарайсиз?
3. Президент И.А.Каримовнинг “Тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намоёндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир”- деган фикрларини мазмунни тушунтиринг.
4. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг вазифаларида қандай ўзгаришлар амалга ошади?

Мавзу юзасидан тестлар

¹ Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –234 б.

1. Умумий билан хусусий манфаатларини, индивид ғоялари билан халқ ғояларини уйғунлаштирувчи, синтезлаштирувчи сиёсий институт бу - ? а) давлат б) ҳокимият в) халқ депутатлари Кенгашлари г) Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари
2. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифалари тўғри кўрсатилган қаторни топинг. а) Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш б) мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига раҳбарлик, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш в) Ҳуқуқий демократик ислохотларни амалга ошириш, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия тизимини шакллантириш г) Комил инсон тарбияси, тинчликсевар ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси бобида маҳаллий давлат ҳокимияти асослари белгилаб берилган?
а) XIII бобида, б) XI бобида в) XXII бобида г) XXI бобида
- 4 Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш қандай асосларда амалга оширилади?
а) Конституция асосида, б) ҳуқуқий ва ноҳуқуқий, в) Марказий сайлов комиссияси томонидан г) Давлат органлари томонидан

8-МАВЗУ: Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг миллий демократик тараққиётдаги ўрни

РЕЖА

1. **Миллий демократик тараққиётда сиёсий партияларнинг тутган ўрни.**
2. **Нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг мамлакатни демократлаштириш жараёнида.**

Ижтимоий-сиёсий тараққиётни сиёсий партиялар ва халқ ҳаракатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айнан ушбу феноменлар демократияга ҳаёт, яшовчанлик, ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги алоқаларга динамизм бағш этади, кишиларни жамият ва давлат ишларидан хабардор юришга, улар фаолиятини назорат қилишга имкон беради.

“Бугунги кунда сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг бош ҳаракатлатирувчи кучи сифатида юзага чиқмоқда. Шунинг учун сиёсий жараёнлар – бу, энг аввало, сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг сиёсий мақсадларига эришиш учун ижтимоий институтлар, гуруҳлар ёки шахслар билан ўзаро ҳамкорлигидир. Бундан келиб чиқадики, “сиёсий жараён ҳокимият соҳасидаги институтлашган ва институтлашмаган субъектларнинг ўзига хос функциялари (дисфункциялари)ни амалга ошириш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси

бўлиб, улар охир оқибатда жамият сиёсий тизимини ривожлантиришга ёки таназзулга олиб келади”¹.

Фалсафа фанлари доктори Ш.О.Мамадалиевнинг ёзишича, сиёсий партиялар, субстанционал моҳиятига кўра, “давлат яккахокимлиги ва унинг мутлақлигини чеклаш мақсадида юзага келган”². Шунинг учун “сиёсий партиялар – бу ўз-ўзидан юзага келадиган эмас, балки онгли равишда шаклланадиган бирликдир. Сиёсий партияларга мазкур бирликка жамоавий мансублигини англашга асосланган жипслик хос. Ушбу бирлик вазифавий ва мақсадли табиатга эга, чунки муайян мақсадларга эришиш учун тузилади. Бу мақсадлар шундай хусусиятга эгаки, уларга эришиш учун кўплаб кишиларнинг интилишларини бирлаштириш талаб этилади. Сиёсий партиялар бошқа ижтимоий ташкилотлардан фаркли ўлароқ, ҳокимиятни эгаллаш ва ундан фойдаланиш учун бевосита кураш олиб боришга мўлжалланган³. Бироқ эсдан чиқармаслик зарурки, ҳокимият учун кураш сиёсий партияларнинг бош мақсади эмас, балки бош мақсадга етиш йўлидир. Шунинг учун баъзи адабиётларда учрайдиган, сиёсий партиялар хусусий манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, деган фикрларга қўшилиб бўлмайди. Баъзи мутахассислар эса сиёсий партиялар “алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий табақа ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтаради”⁴, деб уқтиришади. Айрим олинган фуқаролар ва гуруҳларнинг манфаатларини “сиёсий манфаатлар мажмуаси” (чамаси муаллиф умумхалқ манфаати ёки сиёсий тузум манфаати демокчи) даражасига кўтаришни тасаввур қилиш қийин. Бу ҳолда ушбу гуруҳлар ўз манфаатларини бошқаларга, бутун жамиятга зўрлаб сингдиришга мажбур бўладилар. Бизнинг фикримизча, сиёсий партиялар ижтимоий бирлик сифатида ўзининг мақсад ва вазифаларига эга бўлсада, уларнинг ҳокимиятга келишини умумхалқ, умумдавлат манфаатларини ифода этгани белгилайди. Демократик жамиятда тор, айрим гуруҳлар эмас, балки кўпчилик манфаатларини, иродасини ифода эта олган партиялар ҳокимиятга келиши ёки давлат ва жамият ишларини бошқаришга таъсир этиши мумкин.

Файласуф ва адабиётшунос Р.З.Жумаевнинг ёзишича, бугун республикамызда ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар “сиёсий ва иқтисодий тузилмаларнинг куйи бўғини мустақиллиги чегарасини муқим кенгайтириш йўли билан марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари нисбатини мукаммаллаштириш учун қулай шароит яратмоқда. Бунда унинг ишончли ҳимояси механизмини ўйлаб чиқиш зарур. Бундай механизмнинг айрим унсурлари бугунги кунда ҳаракатланмоқда. Худди шунингдек, Ўзбекистон сиёсий тизимнинг мослашув қобилиятини оширишнинг катъий усули ўлароқ сиёсий тизим яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда босқичма-босқич замонавий андозаларга ўтмоқда. Маҳаллий ҳокимият тузилмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, жамият ва ижодий уюшмаларнинг мустақиллик даражаси кенгайиб, эркинлик даражаси босқичма-босқич ошиб бормоқда. Уларнинг фаолиятини жонлантириш, умумдемократик ўзгаришлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичидаги энг долзарб

¹ Қаранг: Кўжагелдиев А. Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2009. –83 б.; Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. –М.: Аспект-Пресс, 1999. –С.383.

² Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. –Т.: ИИВ Академия, 2003. –162 б.

³ Кўжагелдиев А. Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши. –Т.: Янги аср авлоди, 2009. –84 б.; Мейтус В.В., Мейтус В.Ю. Политическая партия: стратегия и управление. –Киев, Ника-Центр, 2004; Дюверже М. Политические партии. –М.: Академ.проект, 2005; Джавакова К.В. Институты народовластия в Республике Узбекистан. –Т.: O'qituvchi, 2006 ва б.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш йўлида. –Т.: “Akademiya”, 2005. –102 б.

вазифаларидан биридир”¹. Шу билан бирга Р.З.Жумаевнинг қуйидаги фикри сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг демократик тараққиётдаги, давлат билан ҳамкорликдаги ўрнини аниқлаб олишга ёрдам беради. “Сиёсий партия муҳолифат моҳиятидан келиб чиқиб, – деб ёзади у, – бир томондан фуқаролар жамияти манфаати ва сиёсий ҳокимият учун бўлган хатти-ҳаракатини чегараланган сферада (доирада) ифода этиб, бошқа томондан, уларнинг бир-бирига мувофиқлиги ва ҳамжихатлигини таъмин этади. Бу эса сиёсий партия тараққиёти ва мустақамлигининг манбаи бўлиб хизмат қилади... Гап шундаки, партия ҳокимият тузилмаси билан қанчалик яқин бўлса, мавжуд тузилма билан тенглаша беради”². Янада аниқроқ айтганда, “ижтимоий партия ва ҳаракатларнинг қонунийлик шарти расмий ҳокимиятга қарама қарши туришдан эмас, уни қўллаб-қувватлашдан, кенг омма қатламининг, турли ижтимоий гуруҳларнинг ва энг аввало инсоннинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўзида акс эттиришдан иборат”³.

Ўзбекистонда амалга ошириладиган ижтимоий-ислохотлар ва бу борада ўтказиладиган демократик ўзгаришлар давлат ташаббусида, унинг ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу “ўзбек модели”даги асосий тамойиллардан биридир. “бу ҳолнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари мавжуд. Ижобий томони шундаки, давлат фуқаролар реал ижтимоий-сиёсий муаммоларини ҳал этишда, давлат ва жамият бошқарувида фаол қатнашиш имконини беради... Салбий томони шундаки, сиёсий партияларнинг “тепадан” пайдо бўлиши нафақат оддий фуқароларда, балки партия раҳнамоларида ҳам “тепа”га хизмат қилиш зарур, деган тор фикрни келтириб чиқаради”⁴. Республикамизда ташкил этилган сиёсий партиялар ва уларнинг Олий Мажлисидаги фракцияларининг фаолиятини ўрганган мутахассислар, масалан, сиёсатшунослик фанлари доктори С.Жўраев қуйидаги хулосага келади: “Партияларнинг фракциялари тепадан бериладиган кўрсатмасиз ва ўз ташаббуслари билан мамлакат миллий манфаатлари учун зарур бўлган яхлит, долзарб, зарур ва муҳим бирорта қонун лойиҳасини амалда бир марта ҳам ишлаб чиқмадилар, ва тавсия этмадилар. Партияларнинг ҳисоботларида бирорта қонун лойиҳасини мустақил ишлаб чиқани тилга олинмайди, уларда у ёки бу қонунни, қарорни муҳокама қилишда қатнашилгани қайд этилади ҳолос”⁵.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Асосий қонунимизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида миллий демократик тараққиётда сиёсий партиялар ва халқ ҳаракатларининг аҳамияти муҳим эканини таъкидлади. Сиёсий партиялар жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий маданиятининг ифодаси, кўрсаткичи ҳамдир. Шунинг учун сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар орқалигина Ўзбекистонда демократик тараққиётни таъминлаш, кишиларимизнинг эркин яшашини ҳаёт тарзига айлантириш мумкин. Бу “бизнинг миллий манфаатларимизга, асрлар давомида интилиб келган орзу ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлидир”⁶.

Президентимиз сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг 2009 йил 27 декабрда ўтказиладиган сайловларда “Халқаро майдонда ўзимизнинг сиёсий етуқлигимиз намоён этадиган” кучлар эканини уқтириб, шу билан бирга “тараққий этган давлатлар каторига чиқиш учун ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп” деб кўрсатади. “Бу борада энг асосий масала – амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо бериш, манманликка берилмаслик, халқаро тажриба ва ўзгаларнинг ютуқларига беписанд қарамаслик,

¹ Жумаев Р. Давлат ва жамият. Демократлаштириш йўлида. –Т.: Шарқ, 1998. –33 б.

² Жумаев Р. Давлат ва жамият. Демократлаштириш йўлида. –Т.: Шарқ, 1998. –33-34 б.

³ Ўша жойда.

⁴ Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. –Т.: ИИВ Академия, 2003. –164-165 б.

⁵ Джураев С. Время повышать активность //Народное слово, 2002, 2 декабря.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақам пойдевордир. //Халқ сўзи, 2009, 6 декабрь.

ҳаётимизда бу йўналишда ҳали-бери учрайдиган ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборат”¹.

Республикамизда кўппартиявийлик тизими шаклланган. Улар Ўзбекистон халқ демократик партияси (1991 йил 1 ноябрда ташкил этилган), “Адолат” социал демократик партияси (1995 йил февраль ойида ташкил этилган), Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (1995 йил июнь ойида ташкил топган ва у 2006 йили 1992 йили ташкил қилинган “Фидокорлар” партияси билан бирлашган), Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати 2003 йил ноябрда ташкил этилган)дир. Шубҳасиз, мазкур сиёсий партиялар жамиятни демократлаштиришга катта ҳисса қўшиб келадилар, улар олиб бораётган сиёсий-тарғибий ишлар кишиларнинг сиёсий-ижтимоий тафаккурини ўзгартириб, уларга давлат (ҳокимият), жамият, бошқарув, лидерлик ҳодисаларини замонавий талқин этишга ёрдам бермоқда. Аниқ айтишимиз мумкинки, халқимиз том маънодаги сиёсий плюрализм ва сиёсий демократиянинг афзалликларини туйиб, ўзининг келажagini ана шу ҳаракатларнинг фидойилиги билан боғлайди. Аммо, Юртбошимиз айтганидек, “бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп”, уларга “танқидий баҳо бериш”имиз керак.

Сиёсий партиялар билан сайловчилар, халқ ўртасидаги алоқаларни ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назардан янги босқичга кўтариш лозим. Социологик кузатувларнинг натижаларидан маълум бўладики, аҳоли ўртасида сиёсий партиялар фаолиятдан қониқмаслик, ҳатто бу ҳаракатларнинг мавжудлигини билмаслик, ташкил қиладиган тадбир ва дастурлари билан қизиқмаслик кенг тарқалган. Масалан, “Ўзбекистонда ташкил этилган сиёсий партияларнинг дастурларидан хабардормисиз?” деган саволга респондентларнинг 71,8 фоизи – “йўқ”, 21,2 фоизи – “яхши эмас” ва атиги 6,2 фоизи – “ха” деб жавоб берган. “Йўқ” деб жавоб берганларнинг деярли 80 фоизини 35 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ҳар қанча ачинарли бўлмасин, объектив ҳулоса чиқаришга мажбурмиз – ҳозир ёшлар олдида сиёсий партияларнинг ҳеч қандай мавқеи, обрў-эътибори йўқ ёки бу партияларнинг нима билан шуғулланиши ёш авлодни қизиқтирмайди”². Агар сиёсий партияларнинг аҳоли, айниқса ёшлар билан алоқалари кенг бўлганида бундай муносабат шаклланмасди. Тўғри, сиёсий партиялар бу борадаги камчилигини тузатишга интилиб ёшлар қаноти ташкил этишган. Масалан, Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ёшлар қаноти сафига бугун 46 мингдан зиёд талаба, ишчи, тадбиркор, фермер, бизнес ходимлари бирлашган. У ташкил қиладиган баҳс клублари, учрашувлар, оммавий-маданий тадбирлар, маънавият дарслари, спорт мусобақалари, ёш тадбиркорларга маслаҳатхоналар сиёсий партия фаолиятининг таркибий қисмига айланган. Аммо партиянинг “сиёсий куч сифатида давлат ва жамиятни бошқаришни такомиллаштиришга оид янги ғоялар билан чикани маълум эмас”. Демократия шароитида партиянинг лидерлиги халқ манфаатларини ифода этувчи ғояларни ишлаб чиқишгина эмас, балки алоҳида, фуқароларда сиёсий фаолликни, сиёсий маданиятни ва сиёсий демократияни (бизники – Б.Т.) шакллантиришдан ҳам иборатдир”³.

Ф.Мусаев партологик таълимотларни ва Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг мақсади, вазифалари, амалий фаолиятини ўрганиб реал ҳаётимизга мос келадиган қизиқарли бир фикрни билдиради. Унинг ёзишича, сиёсий партияларнинг “мақсадлари фақат ҳокимиятни эгаллашдангина иборат эмас. Масалан, маданий-маърифий йўналишдаги (“Миллий тикланиш” каби) партиялар давлат ҳокимиятининг ижтимоий-маданий фаолиятини такомиллаштиришни ўзининг бош мақсади қилиб белгилаши

¹ Ўша жойда.

² Мусаев Ф. Демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. –Т.: O‘zbekiston, 2007. –195 б.

³ Мусаев Ф. Демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. –Т.: O‘zbekiston, 2007. –193 б.

мумкин”¹. Хуллас, тадқиқотчи сиёсий ҳокимият учун курашни эмас, балки ижтимоий-маданий тараққиётга эришишга ёрдам берадиган партиялар ҳам бўлиши мумкин деган ғояни илгари сураяпти. Аслида бу ғоя қуруқ жойда пайдо бўлган эмас, чунки биздаги деярли барча партиялар ижтимоий-маданий, маънавий-тарғибий ишлар билан шуғулланишни ўз вазифаларига айлантиришган. Шунинг учун ҳам улар жамоатчилик вакиллари, илм аҳлида кескин танқидий фикрларни уйғотиб келади². Бизнинг фикримизча, “Сиёсий партиялар тўғрисида” (1996 йил 26 декабрь)ги қонунга “ижтимоий-маданий, маънавий-тарғибий, экологик, демографик (масалан, аёллар) ва илмий-маърифий йўналишда ҳам партиялар ташкил этилиши мумкин” деган қоида киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (83-модда)да қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар сифатида энг юқори сиёсий институтлар кўрсатилган. Бизнинг фикримизча, ушбу субъектлар қаторига сиёсий партияларни ҳам киритиш зарур. Ана шунда сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонунчиликдаги фаоллиги ошарди. Тўғри, юқоридаги моддада қонунчилик ташаббуси субъектлари қаторида Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси депутатлари тилга олинган. Агар “депутатлари” сўзидан кейин “сиёсий партиялар фракциялари” қўшилса ҳужжатдаги мақсад янада аниқлашган бўларди.

Албатта, бугун сиёсий партияларнинг фаолияти ва уни такомиллаштириш муаммолари бўйича турли хил фикрлар билдирилмоқда. Бирорта сиёсатшунос, ижтимоий-сиёсий масалалар билан қизиқувчи тадқиқотчи мазкур муаммоларни четлаб ўтмайди. Биринчидан, ҳокимият, давлат масалалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган, кишилар ҳаёти, фарзандларининг тақдири, эл-юрт фаровонлиги ва тинчлиги сиёсий тизимга боғлиқ эканини билади. Иккинчидан, айнан ҳокимият, давлат кишиларга оддий фаолиятида амалга оширолмаган орзу тилақларини, ўзининг ижтимоий режаларини, қобиляти ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш имкониятини берадики, буни кишилар яхши сезади. Учинчиси, эл-юрт манфаатларига хизмат қилиб обрў, эътибор топиш, ўзидаги эзгу режаларни ҳаётга тадбиқ этиб кишилар қалбидан жой олишдек мақсадларига етиш имкони мавжуд. Ҳаммани мансабпараст, шахсий манфаатлари билан яшайдиган эгоист, ошна-оғайнилрини ўз атрофига йиғувчи иззатталаб деб аташ тўғри эмас. Рационал фикрлайдиган киши, раҳбар пок, софдил, етук мутахассисларга, халқ, кишилар ташаббусига таянмай самарали ишлай олмаслигини билади. Шу билан бирга раҳбар камида учта фазилатга эга бўлиши шарт: 1) унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга, атрофига таъсири доимий; 2) ушбу таъсир ҳамма гуруҳга, ташкилотга, жамиятга бирдек кучли; 3) ўз издошларига, гуруҳ аъзоларига муносабатида нотенг бўлиши табиий ҳолдир³. Бошқариш ишлари билан боғлиқ жиҳатлари эса: 1) оптимал сиёсий қарорлар топиш ва қабул қилиш; 2) оптимал қарорлар, режалар топиш ва қабул қилиш; 3) қонун устуворлигини таъминлаш; 4) халқ, омма билан алоқалар ўрнатиш, фуқароларнинг сиёсий раҳбариятдан бегоналашувининг олдини олиш; 5) инновацияларга мойиллик ва уларни қўллаб-қувватлаш; 6) тизимни, бошқаришни легитимлаштириш⁴ ва демократлаштириш.

Ижтимоий ҳаракатлар деганда биз жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, ўзларининг иқтисодий, маданий, маърифий ва ижодий эҳтиёжларини

¹ Ўша асар. –201 б.

² Қаранг: Қодиров А. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг концептуал муаммолари. //Ҳуқуқ-Право-Law, 2002, №4. –52-93 б.; Раҳматуллаев Т. Сиёсий партия ва демократик тамойиллар. –Самарқанд: Зарафшон, 1999; Кўжагелдиев А. Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2009. –89 б.

³ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003. –137 б.

⁴ Ўша асар. –145-146 б.

қондириш мақсадида тузиладиган ихтиёрий уюшмаларни, институтлаштирилган ҳаракатларни назарда тутамиз. Уларга энг аввало нодавлат ташкилотлари ва “Бирлик”, “Камолот” ҳаракатлари киради. Ушбу ташкилотларининг ҳуқуқий ваколатлари, жамият ҳаётидаги ўрни Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида” (1991 йил) ва “Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида” (1999 йил)ги қонунлари орқали белгилаб берилган. Уларнинг функциялари, вазифалари ғоят ранг-барангдир¹. Ўзбекистондаги нодавлат ташкилотларининг сони 5 мингдан ошади. Улар қаторига Ўзбекистон тадбиркор хотин-қизлар Ассоциацияси, “Наврўз” хайрия жамғармаси (1992 йил), “Маҳалла” хайрия жамғармаси (1992 йил), Имом ал-Бухорий номидаги халқаро жамғарма (1998 йил), “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази (1996 йил), “Нуроний” жамғармаси (1996 йил), Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, “Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ маркази (1997 йил), Ўзбекистон адвокатлари ассоциацияси, Ўзбекистон архитекторлари уюшмаси кабилар киради.

Нодавлат ташкилотлари ижтимоий ўзгаришлар ва тараққиёт талабларига мувофиқ шаклланиб ўз вазифаларини бажаргач фаолиятини тўхтатувчи динамик уюшмалардир. Шунинг учун уларнинг юзага келиши ва фаолиятини тўхтатишида тасодифийлик элементлари мавжуддир². Бироқ ушбу тасодифийлик элементлари мудом ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқдир. Эҳтиёжларнинг ўзгариши ёки тўла қондирилиши нодавлат ташкилотлари фаолиятига таъсир этмай, уларнинг трансформацияга учрашига олиб келади.

Бизнинг мавзумиз учун нодавлат ташкилотларидаги муҳим жиҳатлар шундаки, улар ижтимоий-сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этиб ҳокимият учун курашмасаларда, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига бевосита таъсир этишлари мумкин. Масалан, Ўзбекистон адвокатлари ассоциацияси ўз аъзоларининг адолатни, қонунчилиқни тиклаш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлаши орқали суд ҳокимиятига таъсир этади.

Ўзбекистонда ёшлар орасида кенг тарқалгани “Камолот” ижтимоий ҳаракатидир. Унинг сафида бугун 4,6 миллион аъзо бор³. Республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактаблар қошида ушбу ёшлар ҳаракатининг 11 мингдан зиёд бошланғич уюшмалари ташкил этилган, уларнинг фаолиятида ўз кучи ва салоҳиятини Ватани равнақи учун сарфлашга тайёр, ижтимоий фаол ёшлар маънавий, маърифий, физкультура ва спорт, ижодий ишлар олиб боради. Масалан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати дастурида махсус бўлим мавжуд, у демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида қуришда ёшлар иштироки масалаларини ўрганиб, йўналтириб, тавсияномалар бериб боради. Ушбу бўлим йўналишида республика миқёсида 2001 йили 137 та, 2002 йили 139 та, 2006 йили 141 та, 2008 йили эса 144 та оммавий тадбирлар – учрашувлар, конференциялар, давра суҳбатлари уюштирилган. Агар ушбу тадбирлар қаторига “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий ўқув юртлари, тадқиқот институтлари, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази билан ҳамкорликда ўтказаетган тадбирларини қўшсак, ёшлар ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида, нафақат ёшларга, шунингдек, бутун жамиятга тааллуқли фойдали фаолият билан шуғулланаётганига амин бўламиз.

¹ Қаранг: Джавакова К.В. Институты народовластия в Республике Узбекистан. –Т.: O'qituvchi, 2006. –С.132-134; Кочкарова Г.Д. Роль негосударственных некоммерческих организаций в формировании нравственных устоев гражданского общества. Автореф.дисс...канд.филос.наук, –Т., 2008. –С.11-13.

² Қаранг: Роль негосударственных некоммерческих организаций в социально-экономическом развитии. Материалы региональной конференции. –Т.: 2001. –С.12.16.

³ Джавакова К.В. Институты народовластия в Республике Узбекистан. –Т.: O'qituvchi, 2006. –С.138.

К.В.Жавакованинг ёзишича, баъзи нодавлат ташкилотлари ҳокимият ваколатларини кўлга киритишга интилишади. Ҳатто баъзи кишилар уларга, худди сиёсий партияларгадек, Олий Мажлисга ўз вакилларини қўйиш ҳуқуқини бериш зарур, деб билишади¹. Тадқиқотчи ушбу таклифни ноўрин деб билади, чунки бу нодавлат ташкилотларини сиёсий уюшмаларга айлантиради.

Худди шунингдек, К.В.Жавакова нодавлат ташкилотларини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш зарурлиги борасида ҳам ўз фикрларини билдиради. Масалан, ҳанузгача нодавлат ташкилотлари давлат, ҳокимият томонидан ташкил этилади ва молиялаштирилади. Бу эса уларнинг мустақил ишлашига, ўзининг ижтимоий функцияларини тўла бажаришга ҳалақит беради². Шунинг учун тадқиқотчи давлат ва нодавлат ташкилотларини бир-бирининг фаолиятига ҳалақит бермайдиган, ички ишларига аралашмайдиган даражада “бир-бирини тўлдириш” билан ҳамкорлик қилишга ундайди³. Ваҳоланки реал ҳаётда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан нодавлат ташкилотларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилаётганига, уларни ўз функцияларига тааллуқли бўлмаган ишларга жалб этилаётганига, ҳатто ходимлари маъмурий буйруқбозлик, ўзбошимчалик алмаштирилаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам респондентларнинг 71,2 фоизи жойлардаги жамоат ташкилотларининг фаолиятини “қониқарсиз” деб баҳолайди⁴. Ш.О.Мамадалиев ёзади: “нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотларининг ўзи янги қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларга муҳтождир. Масалан, касаба уюшмалари тўплаган маблағларининг 40%га яқини давлат солиғи томонидан ўзлаштирилиши бунга ёрқин мисол бўлади. Жойлардаги касаба уюшмалари тўплаган маблағларнинг 60%дан зиёди марказий идораларга ўтказилади. Бу аҳволда касаба уюшмаларининг тўлақонли ишлашини таъминлаш қийин. Айнан шунинг учун ҳам респондентларнинг 71,6% касаба уюшмаларининг фаолиятини “қониқарсиз”, деб баҳолади”⁵.

Мутахассислар нодавлат ташкилотлари фаолиятида ташаббускорлик, масъулиятни ўз устига олиш, кишиларнинг талабларини ва қизиқишларини ўрганиш, ҳимоя қилишда дадиллик етишмаслигини, ўз қобиғига биқиниб реал ҳаётий муаммоларни ҳал этишда тажриба йўқлигини қайд этадилар. Шу пайтда бирор нодавлат ташкилоти ўзининг ёки бирор шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб, давлат ҳокимияти институтларидаги ғайриқонуний қилмишларни очиб ташлаб конституцион судгача боргани маълум эмас. Президентимизнинг вилоятлардаги халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида қилган маърузаларида шундай қилмишларга мисоллар истаганча топилади. Маҳаллий ҳокимият институтлари фаолиятидаги бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан нодавлат ташкилотлари беҳабар бўлиши мумкин эмас. Жамиятни демократлаштириш сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларининг фаоллиги, сиёсий маданиятига бевосита боғлиқ экан бу борада зарур ҳуқуқий механизмлар яратилиши лозим. Президентимиз таъкидлаганидек, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг бош вазифаси “энг аввало демократик кадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад – жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини

¹ Қаранг: Джавакова К.В. Институты народовластия в Республике Узбекистан. –Т.: O'qituvchi, 2006. –С.139-140.

² Ўша асар. –С.141.

³ Ўша асар. –С.145.

⁴ Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. –Т.: ИИВ. Академия, 2003. –184 б.

⁵ Ўша асар. –184-185 б.

ҳаётда ҳукмрон қилишга ҳисса қўшишлари лозим”¹. Айниқса хорижий ноҳукумат ташкилотлари фаолиятини миллий ҳуқуқий меъёрларга мувофиқлаштириш, уларнинг мустақил демократик тараққиётимизга хизмат қилишига эришиш даркор. Сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлари И.А.Каримовнинг “Кучли давлатдан кучли жамият сари” сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий концепциясини ҳаётга тадбиқ этишга олиб келади. Ушбу концепцияга мувофиқ ўтиш даврида кучли давлатга эҳтиёж сезилса, аста-секин давлат ўз функцияларини маҳаллий ҳокимиятга ва ундан фуқаролар институтларига ўткази боради, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини, масъуллигини кенгайтиради. Ушбу ўзгаришлардан сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлари ҳам чеккада қолмайди, улар ҳам давлат маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир қаторда ижтимоий бошқаришда кенг қатнашиш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий соҳаларга оид қарорлар, режалар, дастурлар қабул қилиш ҳуқуқларига эга бўладилар. Хуллас, кучли фуқаролик жамияти сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий кафолатларининг, жойлардаги ижтимоий ҳаётни ташкил этишдаги иштирокларининг кенгайиши орқали шаклланади.

Мавзуга оид таняч иборалар

Сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий институтлар, манфаат, сиёсий манфаатлар, маҳаллий ҳокимият тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, жамият ва ижодий уюшмалар

Назорат саволлари

1. Миллий демократик тараққиётда сиёсий партияларнинг тутган ўрни қандай?
2. Нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг мамлакатни демократлаштириш жараёнидаги ролини қандай баҳолайсиз?
3. Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини қандай баҳолайсиз?
4. Кучли фуқаролик жамиятида сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг роли қандай бўлиши керак?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Республикамизда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинди? а) 1991 йил 31 август б) 1996 йил 26 декабрь в) 1997 йил 27 август г) 1996 йил 25 август
2. Кишиларнинг фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий, ва маданий соҳалардаги ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалга ошириш мақсадида тузиладиган ихтиёрий уюшмалари, институтлаштирилган ҳаракатлари қандай умумий ном билан аталади?
а) Ижтимоий ҳаракатлар ёки жамоат бирлашмалари б) халқ ҳаракатлари в) сиёсий партиялар г) жамғармалар, ўз- ўзини бошқариш органлари
3. Ўзбекистондаги нодавлат ташкилотларининг сони қанча? 5 мингдан ошади.?
а) 5 мингдан ортиқ, б) 15 мингдан ортиқ в) 2 мингдан ортиқ г) 10 мингдан ортиқ.
4. Нодавлат ташкилотлари ким томонидан молиялаштирилиши керак? ташкил этилади ва молиялаштирилади Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш қандай асосларда амалга оширилади?
а) давлат, ҳокимият томонидан, б) уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан в) ҳомийлар маблағи ҳисобидан г) халқаро жамғармалар томонидан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –23 б.

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2003.-42б.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том.-Т.:Ўзбекистон, 2003.-346б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин 2т.-Т.: Ўзбекистон , 1996-402б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-302б.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-т.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-384 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-пировард мақсадимиздир. Халқ сўзи, 2010, 28 январь.
7. Аъзамходжаев А. Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан.-Т.: Ўзбекистон. 1993.-108с.
8. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги.-Т.: Шарқ, 2000.-284б.
9. Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги.-Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ инс. нашр. 2006.-84 б.
10. Бердяев Н.А. Философия свободы. Смысл творчества.-М.:Правда. 1990.-486с.
11. Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.:Фан, 2004.-206 б.
12. Бойко Л.М. Конституционные основы народовластия в Республике Узбекистан.-Т.:Адолат, 2001.-104с.
13. Даль Р. Введение в экономическую демократию.-М.: Наука СП ИКПА. 1991. - 182 с.
14. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислохоти : тажрибалари ва муаммолари.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-238 б.
15. Жалилов Ш. Кучли давлатдан –кучли жамият сари, -Т.: Ўзбекистон, 2001.-304 б.
16. Жумаев Р. З. Давлат ва жамият : демократлаштириш йўлида.-Т.: Шарқ, 1998 - 204 б.
17. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. –Т.: 2003.-168 б.
18. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Т.: ТДЮИ, 2002.-88 б.
19. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: Ўзбекистон. 2005.-246 б.
20. Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. –Т.: Академия , 2003.-342 б.

21. Мирхамидов М. Демократизация органов государственного управления Республики Узбекистан: проблемы и перспективы. –Т.: Университет. 1992. - 104 с.
22. Панарин А.С. Политология. О мире политики на Востоке и на Западе. – М.: Университет , 1999.-402 с.
23. Платон. Государство/Сочинения, в 3 т. Т.3.-М.: Наука. 1971. 4.1. -488с.
24. Шарифхўжаев М., Шодиев Н. Ўзбекистон - конституциявий давлат. – Т.:Ўзбекистон, 2003. -218 б.
25. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари.-Т.: Маънавият. 2006.-184 б.
26. Демократия-тараққиёт гарови. Илмий мақолалар тўплами. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр. 2005. -146 б.
27. Ўзбекистонда миллий давлатчилик назариясининг тарихий-фалсафий ва ҳуқуқий асослари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр, 2005.-184 б.
28. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий ҳуқуқий асослари.-Т.: Ozbekiston, 2007. -272 б.

Мундарижа

Кириш..... 3

1- Мавзу: Демократия ва демократик тараққиёт: илмий-назарий концепциялар таҳлили..... 4

2- Мавзу: Демократия ва демократик тараққиётнинг Шарқона хусусиятлари.....	13
3- Мавзу: Ғарбона демократия: ютуқлари ва зиддиятлари.....	22
4- Мавзу: Сохта социалистик демократиядан ҳақиқий миллий демократик тараққиётга ўтиш-объектив ижтимоий зарурият.....	31
5- Мавзу: Ўзбек давлатчилиги: тарихи, назарияси ва қайта тикланиши	40
6- Мавзу: Ўзбекистон Конституциявий давлат яратилиши: фалсафий-ҳуқуқий таҳлил.....	50
7- Мавзу: Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар моҳияти.....	60
8-Мавзу: Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг миллий демократик тараққиётдаги ўрни.....	69
 Асосий адабиётлар.....	 79